Нигора Ҳайдарова

# ЎЗБЕКИСТОН АНИМАЦИОН ФИЛЬМЛАРИ






ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ
МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА
ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ

# ЎЗБЕКИСТОН АНИМАЦИОН ФИЛЬМЛАРИ ДАВРИЙ КАТАЛОГИ

ТОШКЕНТ
«TURON-IQBOL»
2019

УДК 7.78.5.071:004.92
КБК: 37.9(5Ў)я1
Х 18

**Ҳайдарова Нигора Тоҳиржоновна**
**Ўзбекистон анимацион фильмлари даврий каталоги.** [Матн] / тузувчи: Н.Т. ҲАЙДАРОВА. – Тошкент: «TURON-IQBOL», 2019. -128+16 вкл. 144 б.

**Тузувчи:**
**Н.Т. Ҳайдарова** – МРДИ, «Театр безаги рангтасвири» кафедраси ўқитувчиси.

**Масъул муҳаррир:**
**М.М. Маҳмудов** – МРДИ, «Театр безаги рангтасвири» кафедраси доценти, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, мультипликацион фильмлар режиссёри, сценарист, рассом.

**Тақризчилар:**
**М.М.Маҳмудов** – МРДИ, «Театр безаги рангтасвири» кафедраси доценти, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, мультипликацион фильмлар режиссёри, сценарист, рассом;

**О.А.Асомов** – «Ўзбеккино» Миллий Агентлиги, «Мультипликацион фильмлар студияси» Давлат унитар корхонаси раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист.

Мазкур каталог илмий-ижодий изланишлар натижасида яратилиб, Ўзбекистонда бугунги кунгача (1966–2018 йилларда) яратилган мультипликацион фильмлар тўғрисида маълумотлар (фильм жанри, техникаси, ҳажми, ижодкорлари, қисқача мазмуни)ни ўз ичига олади. Каталогдан «Ўзбекфильм» ОАЖ Мультбирлашмасида фаолият юритган етакчи режиссёр ва рассомлар ҳақида маълумотлар ҳам ўрин олган. Шунингдек, ўзбек мультипликацион фильмларидан лавҳалар ҳам келтирилган. Ўзбек анимация санъати тарихида яратилган барча фильмлар ҳақида маълумот берувчи ушбу каталог таълим жараёнига ўқув қўлланма сифатида фойдаланиш учун тасвия этилган. Мазкур каталогдан мультипликация соҳасига ихтисослашган таълим муассасалари талабалари, соҳа ижодкорлари ва мамлакатимизда мультипликацион фильмларга қизиқувчи барча китобхонлар фойдаланиши мумкин.

Мазкур каталог Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти илмий Кенгаши томонидан (2018 йил «12» декабр № 4 баённома) нашр этиш учун тавсия этилган.

ISBN 978-9943-14-609-9 © «TURON-IQBOL», 2019

# КИРИШ

Ўзбекистонда мультипликация санъатининг пайдо бўлганига ярим асрдан ошди. Бугунги кунда бу санъат турининг тарихи мамлакатимизнинг барча ёшдаги томошабини учун қизиқ. Шу жиҳатдан мазкур каталог 1966–2018 йиллар мобайнида яратилган ўзбек анимацион фильмларининг рўйхати билан таништиради. Шу билан бир қаторда мультфильмлардан фото лавҳалар (рангли), қизиқарли фактлар, ижодкор (рассом, режиссёр, бастакор)ларнинг фотоси ва уларнинг асарлари ҳақида маълумотлар келтириб ўтилган.

Каталог мультстудия архив ҳужжатларига асосланган ҳолда ўзбек мультипликацион фильмлари сценарист, режиссёр ва рассоми, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими ҳамда Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти доценти Мавзур Маҳмудов раҳбарлигида яратилди.

# 1966–2018 ЙИЛЛАРДА ЯРАТИЛГАН ЎЗБЕК АНИМАЦИОН ФИЛЬМЛАРИ

| № | ЯРАТИЛГАН ЙИЛ | ФИЛЬМ НОМИ | ЖАНРИ | ТЕХНИКАСИ | ҲАЖМИ | ФИЛЬМ ИЖОДКОРЛАРИ | ФИЛЬМ МАЗМУНИ |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 1966 | ***«6Х6 КВАДРАТИДА»*** | ҳикоя | қўғирчоқ фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: Ю.Петров, режиссёр: Д.Салимов, рассом: Ю.Петров, оператор: И.Гавриленко, бастакор: Л.Зеленская | Мазкур фильм жасурлик, дадиллик ва мардонаворликка бағишланиб, унинг асосий персонажи бўлган колорадо қўнғизи орқали халқимизнинг бойлиги бўлган пахта зараркунандаларига қарши кураш олиб боришга қаратилган. |
| 2 | | ***«СЕҲРЛИ САНДИҚ»*** | эртак | қўғирчоқ фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифлари: Д.Салимов, Ю.Петров, режиссёр: Д.Салимов, рассом: Ю.Петров, оператор: И.Гавриленко, бастакор: Р.Вильданов | Фильм ўзбек халқ эртаги асосида яратилиб, меҳнаткаш ва сариштали қиз ҳамда ўгай онанинг ўзаро муносабати ҳақида ҳикоя қилади. Картинада ижобий ва салбий қаҳрамон образи орқали яхши ва ёмон, эзгу ва ёвуз хислатлар намоён бўлади. Асарда яхшилик ҳар доим ёмонлик устидан ғалаба қозониши қизиқарли сюжет ва миллий қаҳрамонлар образида талқин этилади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 3 | **1966** | ***«ҒАРОЙИБ САРГУЗАШТ»*** | эртак | қўғирчоқ фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи ва рассом: Ю.Петров, режиссёр: Қ.Камолова, оператор: И.Гавриленко, бастакор: Р.Вильданов | Фильм космосга парвоз қилишни орзу қилган бола ҳақида бўлиб, қора танли бола ва унинг кичик дўсти, яъни кучукчаси билан космосга саргузашти ҳикоя қилинади. |
| 4 | **1967** | ***«БУЛУТНИ КИМ ЯРАТДИ?»*** | эртак | қўғирчоқ фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи ва режиссёр: Қ.Камолова, рассом: Ю.Петров, оператор: И.Гавриленко, бастакор: В.Милов | Заминда табиатнинг яралиши ҳақидаги ушбу фильм қизиқувчан айиқча ҳақида бўлиб, узоқ вақт давомида ўрмонни айланиб, йўлида учраган ҳайвонлардан булутни ким яратгани тўғрисида сўраб, жавоб излайди. |
| 5 | | ***«РАҲИМ ВА ҚЎНҒИЗ»*** | эртак | қўғирчоқ фильм | 2 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифлари: Л.Бабаханов, А.Кабулов, режиссёр: Қ.Камолова, рассом: Ю.Петров, оператор: И.Гавриленко, бастакор: А.Малахов | Мазкур фильм ўзаро ёрдам тўғрисида бўлиб, бош персонаж Раҳим ўтлар орасидан қўнғиз тутиб олади. Қўнғиз эса барча зарарли ҳашаротларнинг шоҳи бўлиб, Рахим уни пахта қуртининг асирлигидан озод этади ва пахта майдонидаги зараркунандалардан халос бўлишига ёрдам беради. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 6 | 1968 | ***«ОЛТИНДАН ҚИММАТ»*** | эртак | қўғирчоқ фильм | 1 қисм 9 дақиқа | сценарий муаллифи ва режиссёр: Қ.Камолова, рассом: Ю.Петров, оператор: И.Гавриленко, бастакор: А.Малахов | Ўзбек халқ эртаги асосида яратилган ушбу фильм ҳақиқий бахт, ижодкорлик қувончи, ўзининг севимли ишига ва халқига ишонч тўғрисида сўзлайди. |
| 7 | | ***«ШУМТАКА»*** | эртак | қўғирчоқ фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: Н.Филимонова, режиссёр Қ.Камолова, рассом: Ю.Петров, оператор: И.Гавриленко, бастакор: А.Малахов | Урушқоқлик ёмон одат эканлигини тасвирловчи мазкур фильм сюжетида ўйинчоқлар дўконида хурсанд ва дўстона яшаётган кўпгина қўғирчоқлар оиласи мавжуд бўлиб, улар орасида ёвуз урушқоқ – шумтака пайдо бўлади. Қўғирчоқлар эса уни тарбиялашига тўғри келади. Шундан сўнг, у дўстларни хафа қилмасликни ва қўрқитмасликни тушуниб етади. |
| 8 | | ***«КИЧИК ЁЛҒОНЧИ»*** | эртак | қўғирчоқ фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: Д.Булгаков, режиссёр: З.Ройзман, рассом: Ю.Петров оператор: И.Гавриленко, бастакор: Р.Вильданов | Мазкур фильмда ёлғон сўзлаш ва қийинчиликлар ҳақида сўзланиб, картина болаларни доимо тўғрисўз ва ростгўй бўлишга ундайди. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 9 | 1969 | ***«ҚАЙТ, БАХТИМ»*** | эртак | кўғирчок фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: Н.Филимонова, режиссёр: Қ.Камолова, рассом: Ю.Петров, оператор: И.Гавриленко, бастакор: А.Малахов | Ўзбек халқ эртаги асосида яратилган мазкур картина жасур ёш чўпон ҳақида бўлиб, тоғ дарёсининг шиддатли тўлқинида кекса қарияни ўлимдан сақлаб қолади. Қария меҳрибон сеҳргар бўлиб, жасур ёш чўпоннинг жасорати учун уни саховатли мукофотлайди. |
| 10 | | ***«ЖАСУР ЧУМЧУҚЧА»*** | эртак | чизма фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифлари: А.Кабулов, Л.Бабаханов, режиссёр ва рассом: В.Арсентьев, оператор: Н.Герасимов, бастакор: В.Милов | Фильм кичкина чумчуқча ҳақида ҳикоя қилиб, у хоннинг хизматкорлари томонидан ўғирлаб кетилган суюкли ёш йигитни топишга ва қутқаришга ёрдам бериши тасвирий образлар орқали талқин этилади. Ушбу фильм ўзбек мультипликациясининг илк чизма фильмидир. |
| 11 | 1970 | ***«БАЛКОН»*** | ҳикоя | чизма фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи ва режиссёр: Д.Салимов, рассом: В.Гриднев, оператор: Н.Герасимов, бастакор: Р.Вильданов | Мазкур фильм гўзалликка ошно бўлишга ундаб, янги мавзеда яшовчи барча хонадон эгалари ўз балконларига гул экиши тасвирланади. Лекин картинада биргина персонаж завқ билан эшикдан кириб келади ва ер чопишни бошлайди. Унга қарама-қарши яшовчи бир қизча келиб қўшилади ҳамда унинг ортидан эса қолганлар ҳам бирлашади. Боғ яшнай бошлайди. Бу заминни яшнатиш ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлиги таъкидланади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 12 | **1970** | ***«ҚИЗ ВА ЮЛДУЗЧА»*** | эртак | кўғирчоқ фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи ва режиссёр: Қ.Камолова, рассом: Ю.Петров, бастакор: Р.Вильданов | Ушбу кўғирчоқ фильм юлдузча билан дўстлашган қизча тўғрисида бўлиб, у билан самога парвоз қилади ва бутун мўъжизани кўради. Шу пайт у бемор болага ўз кучи орқали Оллоҳ таолога ишониб, ҳаётга қайтиш ҳиссини уйғотишда ёрдам беради. |
| 13 | | ***«АЙИҚЧА САЙРДА»*** | эртак | чизма фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи ва режиссёр: Ю.Петров, рассомлар: М.Турсунов, С.Иногамов, С.Шим, оператор: Н.Герасимов, бастакор: Р.Вильданов | Фильм рухсатсиз уйдан кетиб қолган цирк айиқчасининг саргузашти ҳақида ҳикоя қилади. |
| 14 | | ***«КУТИЛМАГАН АЙИҚЧА»*** | эртак | кўғирчоқ фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифлари: Ю.Базаров, З.Ройзман, режиссёр: З.Ройзман, рассом: В.Акудин, оператор: И.Гавриленко, бастакор: Р.Вильданов | Мазкур кўғирчоқ фильм В.Колина эртаги асосида яратилиб, буғдой ранг айиқча оқ айиқларнинг аристократик йиғинига тўсатдан тушиб қолиши кўрсатилади. Бу айиқчага оқ айиқ ўғли билан ўйнаши учун рухсат беради ва бу вақтда у моржнинг ёрқин нуридан ўзини момиққина мўйнаси орқали тўсиб, оппоқ кўринишга айланади. Лекин у мўйнасини ўйлаб ўтирмай сувга сакрайди ва янги дўстининг ҳаёти хавфли эканини англатади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 15 | **1971** | ***«СОДИҚ ДЎСТЛАР»*** | эртак | кўғирчоқ фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: С.Мухамедова, режиссёр: З.Ройзман, рассомлар: В.Акудин, Р.Туманков, бастакор: Р.Вильданов, оператор: И.Гавриленко | Эзгуликнинг ёвузлик устидан ғалаба қозониши ҳақидаги бу фильмда ёш ўймакор Тошмат лаганга гўзал қизни, яъни ўз аёлининг портретини чизади. Ҳарбийлар шоҳи ўз салтанатига қизни қул хотин қилиш учун ўғирлаб кетишга қарор қилади. Аммо Тошмат ва унинг содиқ дўсти эшак уни душмандан халос этади. |
| 16 | | ***«ТУЛКИ ВА ҚУШ»*** | эртак | чизма фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: М.Хакимова, режиссёр: Д.Салимов, рассом: Ю.Петров, оператор: Н.Герасимов, бастакор: Р.Вильданов | Мазкур чизма фильм «Тулки ва қуш» ўзбек халқ эртаги асосида яратилиб, эртак сюжетлари тасвирий кўринишда намоён бўлади. |
| 17 | | ***«ҚУЁШ ЁҒДУСИ»*** | эртак | кўғирчоқ фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: М.Хакимова, режиссёр: Қ.Камолова, рассом: В.Ступаков, бастакор: В.Милов, оператор: Н.Гавриленько | Ўзаро ёрдам тўғрисидаги мазкур фильм румин ёзувчиси А.Т.Попесконинг шу номли эртагига асосланган. Бу қўғирчоқ фильм ёвуз малла мушук фарфорли чинни балеринани таъқиб қилади, лекин у жасур ва ақлли сичқонча томонидан қутқариб қолиниши ҳақида ҳикоя қилинади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 18 | 1972 | ***«КИМ СЕҲРГАР?»*** | эртак | кўғирчоқ фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи ва режиссёр: З.Ройзман, рассом: В.Гриднев, оператор: В.Ковальский, бастакор: Р.Вильданов | Меҳрибонлик ва мўъжизага асосланган ушбу картина шумтака бола сеҳргар томонидан болаларга совға қилинган рубобни топиб олиши билан бошланади. Бу рубоб ёрдамида эса барча тилакларни рўёбга чиқариш мумкин бўлади. Рубоб орқали кўпгина омадсизликка учрагандан сўнг эса шумтака бола меҳрибон ва бошқа болалар билан дўст бўлиш керак эканлигини тушуниб етади. |
| 19 | | ***«КАККУНИНГ СИРИ»*** | ҳикоя | чизма фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: М.Хакимова, режиссер: Қ.Камалова, оператор: И.Гавриленко, рассом: В.Ступаков, бастакор: В.Милов | Мазкур фильм жасур каккучага бағишланиб, асарда каккулар турли қушларнинг инига тухум қўяди. Ва тухумлардан ёвуз ва баднафс каккучалар туғилади. Улар инидан қушларни ҳайдай бошлайди. Аммо бир каккуча ота-онасини ўз панасига олиб йиртқич чумчуқлар галасидан ҳимоя қилишга уринади. |
| 20 | | ***«ҚИШ ЭРТАГИ»*** | эртак | кўғирчоқ фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: М.Мелкумов, режиссер: З.Ройзман, рассомлар: В.Акудин, Р.Туманков, оператор: И.Гавриленко, бастакор: Р.Вильданов | Фильм сеҳрли куч ва эстетик принцип орқали инсон қалбини юмшатиш, одамлар орасидаги муносабатларни яхшилаш мумкинлиги ҳақида ҳикоя қилади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 21 | | ***«КИЧКИНА ДЕМАНГ БИЗНИ»*** | эртак | қўғирчоқ фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи ва режиссёр: Қ.Камолова, рассом: Р.Туманков, оператор: И.Гавриленко, бастакор: В.Милов | Фильм туркман халқ эртаги асосида яратилиб, яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш мавзуси ўзгача кўринишда тасвирланган. Картина бош персонажи Тариқвой ақлли ва идрокли кичик болача очкўз ва ёвуз бой учун кўпгина муаммоларни келтиради. |
| 22 | | ***«ЎЗИНГДАН НОМ ҚОЛДИР»*** | эртак | қўғирчоқ фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: Х.Ахмар, режиссёр: Ш.Шакирова, рассом: В.Гриднев, оператор: И.Гавриленко, бастакор: Р.Вильданов | Мазкур картина ўзбек халқ эртаги «Уч паҳлавон» эртаги асосида яратилган. Фильм уч қаҳрамоннинг йиртқич ҳайвонлар билан кураши, халқини ёмонлик ва қўрқувдан кутқариши ҳақида ҳикоя қилади. |
| 23 | **1973** | ***«ВЕЛОСИПЕДЧА ҚОЧИБ КЕТДИ»*** | эртак | қўғирчоқ фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: Ж.Витензон режиссёр: Қ.Камолова, рассом: А.Жибоедов, оператор: В.Ковальский, бастакор: Р.Вильданов | Велосипедчанинг саргузашти тўғрисидаги мазкур картинада қизчага велосипедча совға қилинади. Велосипедча янги ўйинчоқларга қўшиб қўйилади ва ўзининг эски, содиқ дўстини унутади. Худди ташландиқ каби кўринган велосипедча мошина тагида қолиб кетишига оз қолади. Шундан сўнг, қизча ўз айбини англаб олади ва велосипедчани ўзи билан олиб кетади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 24 | 1973 | ***«АКА-УКА БАРМОҚЛАР»*** | эртак | чизма фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифлари: Н.Умаров, А.Акбархўжаев, режиссёр: А.Акбархўжаев, рассом: Ю.Петров, оператор: А.Мукаррамов, бастакор: Э.Калантаров | Халқ эртаги асосида яратилган ушбу фильм ибратли ва юморга бой ҳикоя бўлиб, унда беш бармоқларнинг ўзаро кураши ва айриликдан азобланиши тасвирланади. Натижада уларнинг ҳар бири ёлғиз қолади ва шуни англайдики куч уларнинг бирлигида эканлигидадир. |
| 25 | | ***«СЕҲРЛИ ТОШ ҚЎШИҒИ»*** | эртак | қўғирчоқ фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: А.Кабулов, режиссёр: З.Ройзман, рассомлар: В.Гриднев, В.Тараканова, оператор: В.Ковальский, бастакор: Р.Вильданов | Донишманд бобо ва сеҳрли тош ҳақидаги бу фильмда болалар сеҳрли тош топиб оладилар, умидсизликка тушган вақтда ҳаётни бошидан бошлаш ва унда бошқача яшаш мумкинлиги ёритилади. Улар отахонга тошни синдиришни таклиф этади, аммо у буни рад этади ва болаларга ўзининг ҳаётидаги инқилоб, душман билан курашуви ҳақида сўзлаб беради. |
| 26 | | ***«ҲОСИЛ БАЙРАМИ»*** | эртак | чизма фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифлари: Н.Умаров, А.Акбархўжаев, режиссёр: А.Акбархўжаев, рассом: Ю.Петров, оператор: А.Мукаррамов, бастакор: Р.Вильданов | Ватанимизнинг саҳийлиги ҳақидаги бу фильм турли хил сабзавотларнинг ҳамда куз фаслининг охирларида ўзбек пахтасининг қизил байрамгача қаерда ва қандай етиштирилиши ҳақида ёритилиб, байрамона тарзда бой ҳосилни йиғиб олишга бағишланган. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 27 | **1974** | ***«ЧЎПОН ВА ГЎЗАЛ МАЛИКА ҲАҚИДА ЭРТАК»*** | эртак | кўғирчоқ фильм | 2 қисм 19 дақиқа | сценарий муаллифлари: А.Кобулов, З.Ройзман, режиссёр: З.Ройзман, рассом: В. Гриднев, оператор: Н.Шадиев, бастакор: Р.Вильданов | Ўзбек халқ эртаги асосида яратилган ушбу фильм барча ҳаракатларга қарамасдан ёвуз ва шавқатсиз подшоҳнинг ёлғизгина қизи жуда қамбағал чўпоннинг ўнинчи ўғлига турмушга чиқиши ҳақида ҳикоя қилади. |
| 28 | | ***«ҚАЙСАР ҚУЁНЧА»*** | эртак | кўғирчоқ фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: Ж.Тешабоев, режиссёр: Ш.Шокирова, рассом: А.Ҳамдамов, оператор: И.Гавриленко, бастакор: Э.Каландаров | Фильм ўзбек халқ эртаги асосида яратилган бўлиб, қизиқарли ва завқли тарзда дўстлик кучини ҳамда фалокатга тушган вақтда дўстга ёрдам беришни очиб беради. Қаҳрамонни кўпгина саргузаштлар кутиб, қайсар ва эшитмас қуёнча сезгир ва раҳмдил дўстларни топади. |
| 29 | | ***«ОҚ БЎТАЛОҚ»*** | эртак | кўғирчоқ фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: Ж.Витензон режиссёр: З.Ройзман, рассом: В.Гриднев, оператор: И.Гавриленко, бастакор: Р.Вильданов | Қизалоқ ва туя ўзаро дўстлашуви ҳақидаги мазкур фильмда қизча бобосидан хабар олиш учун Олтин олма шаҳрига йўл олади. Йўлда у кўзлаган манзилига етиб боришида ёрдам берадиган бир туя билан танишиб қолади. Шу тарзда уларнинг дўстона саргузашти давом этади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 30 | **1975** | ***«СЕҲРЛИ КАМОНЧА»*** | эртак | қўғирчоқ фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: А.Файнберг, режиссёр: Ш.Шокирова, рассом: Ю.Петров, оператор: И.Лаврентьев, бастакор: Р.Вильданов | Мазкур фильм скрипкачи бўлишни орзу қилган болакай ҳақида бўлиб, картинада болакайнинг орзуси бўлган капалакчали галстук, костюмдан фрак (олд этаги калта ва орқа этаги узун эркаклар костюми) яратиш ва скрипка чалиши ҳақида ҳикоя қилади. Аммо бу меҳрсиз боланинг қўлида жуда ёмон ва юракни эзадиган овоз бўлиб чертилади. Ва ниҳоят кичкинагина пари пайдо бўлади ва дунёдаги гўзалликни очиб беради. У болага фақат меҳрибон ва зийрак инсонларнинг қўлида сеҳрли бўладиган камонча тақдим этади. |
| 31 | | ***«ПРУЖИНКУЛ»*** | эртак | чизма фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: Л.Бобохонов, режиссёр: А.Акбархўжаев, рассом: В.Гриднев, оператор: А.Мукаррамов, бастакор: Р.Вильданов | Яхшиликни ёритувчи мазкур фильмда эртак персонаж Пружинкул (пружинали болача) меҳнат қилишга ва яхши ишларга фойдаси тегадиган, атрофдагиларга керак эканлиги ҳақида тасвирланади. |
| 32 | | ***«КЕКСА ЭРТАКЧИНИНГ РУБОИЙЛАРИ»*** | эртак | қўғирчоқ фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи ва режиссёр: З.Ройзман, рассом: Р.Туманков, оператор: В.Ковальский, бастакор: Р.Вильданов | Фильм шарқ халқ эртаклари асосида яратилган. Кекса эртакчи бобо ўзининг рубоийларини сўзлаб бериши ҳикоя қилинади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 33 | 1976 | ***«КЎК ФИЛЧА»*** | эртак | чизма фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: И.Холин, режиссёр: А.Акбархўжаев, рассом: В.Гриднев оператор: А.Мукаррамов, бастакор: Р.Вильданов | Фильмда қизиқарли ва тушунарли тарзда дўстлик кучи, бир-бирига фойдаси тегадиган фазилатлар ҳақида ёритилади. |
| 34 | | ***«ГАРМСЕЛНИНГ ҲАЛОКАТИ»*** | эртак | қўғирчоқ фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: Ж.Тешабоев, режиссёр: Ш.Шокирова, рассом: Ю.Петров, оператор: И.Гавриленко, бастакор: Р.Вильданов | Фантазияга бой фильмда замонавий бола Фарҳод ҳақида ҳикоя қилинади. Бола бетоб бўлганида унга бувиси ёвуз сеҳргар Гармселга фақат паҳлавон Фарҳодгина бас келиши мумкинлиги ҳақидаги китобни ўқиб беради. Ва бизнинг қаҳрамонимиз ҳам исми шундай бўлиб, ўзини паҳлавон Фарҳоднинг ўрнида тасаввур этади. У даҳшатли саҳро салтанати билан курашиб, она ватанини қутқаради. |
| 35 | | ***«ЖАСУР ЙИГИТЛАР»*** | эртак | қўғирчоқ фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: Ф.Мусажонов, режиссёр: Ш.Шокирова, рассом: Ю.Петров, оператор: И.Гавриленко, бастакор: Э.Калантаров | Ҳайвонларга нисбатан меҳр-муҳаббат тўғрисидаги мазкур фильмда икки шўх бола ва унинг йўлбарс лақабли ити билан Нафиса исмли қўшни қизчани қўрқитишга уриниши ҳақида сўзланади. Лекин улар ҳеч ҳам уни қўрқита олмайди. Ҳатто баджаҳл ва йўлбарсга ўхшаш итининг кўриниши ҳам уларга ёрдам бермайди. Аксинча, бу йўлбарс лақабли итнинг ўзи бетоб бўлиб қолади. Болалар энди ким билан ўйнашни билмай йиғлайди ва фақат Нафисагина итга ғамхўрлик қилади. Ит эса қизчадан бениҳоя миннатдор бўлиб, унга талпинади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 36 | **1976** | ***«ҚУЛОҚСИЗ»*** | эртак | қўғирчоқ фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: Х.Ахмар, режиссёрлар: З.Ройзман, И.Камхина, рассом: Р.Туманков, оператор: М.Подгурский, бастакор: Р.Вильданов | Меҳрли ва эътиборли бўлишга қаратилган ушбу картина шўх, тўполончи ва эшитмас бола ҳақида бўлиб, дунё билан узлуксиз алоқадор фантазияга қизиқувчанлиги сабабли дўстларига зиён етказиб қўйиши талқин этилади. |
| 37 | **1977** | ***«ХЎЖА НАСРИДДИН»*** | ҳикоя | чизма фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: Ж.Витензон, режиссер: Э.Калантаров, рассомлар: Ю.Петров, А.Хамдамов, М.Махмудов, оператор: А.Мукаррамов, бастакор: Р.Вильданов | Шарқ халқининг донишманди ва сўз устаси бўлган персонаж Хўжа Насриддин ва унинг қўзичоғи ҳақида бўлиб, кунларнинг бирида Хўжа Насриддин қандай қилиб дўстини фалокатдан қутқаргани ҳикоя қилинади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 38 | **1977** | ***«ОЛТИН ТАРВУЗ»*** | эртак | қўғирчоқ фильм | 1 қисм<br>10 дақиқа | сценарий муаллифи ва режиссёр: Д.Салимов, рассом: О.Афиногенова, оператор: М.Подгурский, бастакор: Р.Вильданов | Ўзбек халқ эртаги асосида яратилган фильм яхшилик ва ёмонликни ифодалайди. Фильмда салбий қаҳрамон хасис бой сув нархини ошириб қўяди, лекин бечора ва қамбағалларнинг бунга пули етмайди. Шунда қамбағалнинг ўғли лайлакдан ёрдам сўрайди. Лайлак уларга дон ташлайди. Ундан эса каттакон тарвуз униб ва ичидан тилла тангалар чиқади. Бой қамбағалга ёрдам беришини ва лайлак унга ҳам дон ташлаб кетишини сўрайди. Аммо бойга берилган дондан униб чиққан тарвуз учидан учбошли илонлар чиқиб келади. |
| 39 | | ***«КВА-КВА КВАРТЕТИ»*** | ҳикоя | чизма фильм | 1 қисм<br>10 дақиқа | сценарий муаллифи: Л.Бобохонов, режиссёр: А.Акбархўжаев, рассом: В.Гриднев, оператор: Б.Ғиёсхўжаев, бастакор: Р.Вильданов | Мусиқа санъатининг сеҳрини тасвирловчи мазкур фильм кичик қурбақачаларнинг воқеаларига бағишланиб, куйлашни яхши кўриши ифода этилади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 40 | **1977** | ***«АЖОЙИБ ГИЛАМ»*** | эртак | кўғирчоқ фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи Ж.Исхоков, режиссёр: Ш.Шокирова, рассомлар: Р.Туманков, М.Маҳмудов, оператор: Н.Хмара бастакор: Д.Янов-Яновский | Фильм ўзбек халқ эртаги асосида яратилган. Дўстликка бағишланган бу фильм бир боланинг ўтмиши ҳақида ҳикоя қилади. Боланинг онаси бойга қарз тўловлари ўрнига гилам тўқиб беришга қарор қилади. Гиламда ўзгача бир гўзаллик пайдо бўлади. Бу гилам яхши инсонлар олдида ярқираб, кумушдек товланади. Лекин ёвузлар қўлида эса хиралашиб, жилосини йўқотади. |
| 41 | | ***«АЛДАНГАН АЛДОҚЧИЛАР»*** | ҳикоя | чизма фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: О.Абидов, режиссёр: Ю.Петров, рассом: М.Махмудов, оператор: М.Мукаррамов, бастакор: Е.Ширяев | Насриддин Афандининг саргузаштига бағишланган ушбу фильм қандай қилиб очкўзларни ва калтафаҳм солиқ йиғувчиларни чаққонгина алдаши ҳикоя қилинади. |
| 42 | | ***«СЕҲРЛАНГАН КЕМА»*** | эртак | кўғирчоқ фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифлари: П.Георгиади, А.Файнберг, режиссёрлар: Э.Калантаров, З.Ройзман, рассом: М.Махмудов, оператор: М.Подгурский, бастакор: Д.Янов-Яновский | Шарқ халқ эртаклари асосида яратилган мазкур фильм, ёвуз жодугар томонидан олмос оролида сеҳрланган кемани озод қилган уч дўстга бағишланади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 43 | 1978 | ***«ЖОНЛАНГАН ШАҲАР»*** | эртак | кўғирчоқ фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифлари: П.Георгиади, А.Файнберг, режиссёрлар: И.Кривошеева, В.Иогельсен, рассом: Р.Туманков, оператор: М.Подгурский, бастакор: Р.Вильданов | Мардонаворлик, жасурлик ва мустаҳкам дўстликни ифодаловчи ушбу фильм уч дўстнинг узоқ мамлакатга сафарга отланишига бағишланган. Улар олтин кетмонни ўғирлаган ёвуз жодугар хукмронлик қилувчи ўликлар шаҳрига дуч келади. Уч дўстнинг кучи, жасурлиги ва матонати билан қўлга киритилган олтин кетмон ёрдамида ёвуз жодугарни енгиб, бу қадимий шаҳарни жонлантиради. Саёҳатчилар эса ўз йўлида давом этиб, янги саргузашлар томони йўл олди. |
| 44 | | ***«АРАВА»*** | ҳикоя | кўғирчоқ фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи ва режиссёр: Л.Бабаханов, рассом: О.Афиногенова, оператор: М.Подгурский, бастакор: Д.Янов-Яновский | Яхшиликнинг кучи тўғрисидаги мазкур фильм пантомима усулида яратилган. Аллегорик шаклдаги фикрни тасдиқлаб, исталган мақсадга эришиш учун фақат яхши бўлиш кераклиги ифодаланади. Шунда фильм қаҳрамони ўзининг эски оти билан тоғни портлатишга уринади ва атрофнинг ажойиб чиройли томонлари кўринади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 45 | **1978** | ***«ТОШБАҚА БОЛАСИ»*** | ҳикоя | чизма фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: Н.Рожков, режиссёрлар: С.Муродхўжаев, Ю.Петров, рассом: В.Гриднев, оператор: Г.Гиясходжаев, бастакор: Э.Ширяев | Гулханийнинг «Тошбақа ва чаён» номли масали асосида яратилган ушбу фильм, дўстлик ва бир-бирини тушунишга бағишланган. Тошбақа боласи атрофни ўрганиб, кемирувчи жонзотлар ва сичқон билан танишади. У уларга чаён ва илон билан курашишда ёрдам беради. Шу тарзда янги дўстлар дунёнинг кўпгина қизиқарли томонига бирга боришда давом этадилар. |
| 46 | | ***«ЛОЧИН ВА ЮЛДУЗ ҲАҚИДА БАЛЛАДА»*** | ҳикоя | чизма фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи О.Хмельницкая, режиссёр ва рассом: М.Махмудов, оператор: Б.Гиясходжаев бастакор: Р.Вильданов | Картина XIX асрда ижод этган Шарқ шоираси Увайсий шеърий мотиви асосида яратилиб, мазкур поэтик ҳикоя лочин ва юлдузнинг абадий севгисини ифодалайди. Ўз муҳаббати сари юқорига интилган лочин юлдузга кулгули кўринади. Лочин умидсизликка тушиб, ўзини тоғ чўққисига отади ва юлдуздан хафа бўлади. Мазкур фильм ўзбек мультижодкорларининг мустақил ҳолда яратган илк чизма фильми ҳисобланади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 47 | **1978** | ***«ТУРНАЛАР УЧИБ КЕЛГАНДА»*** | эртак | қўғирчоқ фильм | 2 қисм 18 дақиқа | сценарий муаллифи: З.Ройзман, режиссёрлар: З.Ройзман, П.Амиров, рассомлар: Р.Туманков, О.Афиногенова, оператор: М.Подгурский, бастакор: Р.Вильданов | Кучсизларга ёрдам ва меҳрибонликни ёритувчи ушбу фильм эртак асосида яратилиб, совуқ шамол эсиб, осмонни булутлар қоплайди, дарахтларнинг охирги барглари тўкилади. Куз келади. Турналар иссиқ ўлкаларга учиб кетишга тайёрланади. Фақат биргина турнача қолиб кетади, чунки унинг қаноти синиб қолиб, уча олмайди. Уни боғ қўриқчиси даҳшатли воқеадан қутқариб қолади. У кичкинагина турначани олиб, эски ковак ичида қишни бирга ўтказади. Қишки даврда турнача улғайди ва кучга кирди. Турналар учиб келганида эса, уларга кичкина қўриқчини топширади. |
| 48 | **1979** | ***«УЗУНҚУЛОҚ ДЎСТ»*** | эртак | қўғирчоқ фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: Д.Салимов, режиссёрлар: И.Кривошеева, В.Иогельсен, рассомлар; А.Доржинская, О.Сторожева, оператор: М.Подгурский | Вафодорликни ёритувчи ушбу фильм кекса бобо уйидаги қувончли воқеа ҳақида бўлиб, дарвоза эшиги олдида янги товланган машина туради. Ҳамма хурсанд, фақат эшак маъюс эди, чунки энди унинг кераги йўқдек туюлди. Аммо тез орада у янги дўстларини топади. Ўқувчилар уни ўзлари билан мактабга олиб кетишади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 49 | 1979 | ***«САҲРОДАГИ КЎЛ»*** | ҳикоя | чизма фильм | 1 қисм 9 дақиқа | сценарий муаллифи: А.Файнберг, режиссёр: Н.Тўлахўжаев, рассомлар: В.Гриднев, М.Махмудов, оператор: В.Вахненко, бастакор: Р.Вильданов | Катта ёшдаги томошабинлар учун мўлжалланган мазкур фалсафий ҳикоя инсон ва унинг атрофидаги инсонларга бағишланади. Чўлда юрган одамлар чанқаб, кучи қолмайди. Аммо улар жайронларни учратадилар ва уларни бу ҳолатдан қутқарувчи сув борлигига умидвор бўлиб кетидан эргашадилар. Одамлар кўл бўйида кулба қуриб, жайронларга яқинроқ ерда яшай бошлаши тасвирланади. |
| 50 | | ***«АЖОЙИБ МАЙДОН»*** | эртак | қўғирчоқ фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи ва режиссёр: Л.Бабаханов, рассомлар: О.Сторожева, А.Дорожинская, оператор: Н.Хмара, бастакор: В.Милов | Санъатнинг гўзаллигини ҳикоя қилувчи мазкур картинада ҳаётда фақат биргина орзу қилишнинг ўзи етарли эмаслигини, ҳақиқий артист бўлиб етишиш учун эса кўпроқ меҳнат қилиш кераклиги таъкидланади. Узоқ муддат оралиғидаги заҳматли меҳнат натижасида фильм қаҳрамонига омад кулиб боқади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 51 | **1979** | ***«БЎЛГАН ВОҚЕА»*** | эртак | чизма фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи Э.Ишмухамедов, режиссёр: С.Муродхўжаева, рассом: М.Махмудов, операторлар: В.Вахненко, Б.Гиясходжаев, бастакор: Р.Вильданов | Қушларга ғамхўрлик ва муҳаббатни ёритувчи ушбу фильм лирик усулда барчани кўз олдида содир бўлган ажойиб ўтмиш ҳақида ҳикоя қилади. Баланд уйлардан бирининг томида ёввойи ўрдак ўзига уя қуради. Вақти келиб, уясида кўпгина сариқ тумшуқли, хушовоз қуш боласи пайдо бўлди. Уларни учишга ўргатишни бошлади, улар уясидан ташқарига чиқмоқчи бўлишганида тўғри пиёдалар йўлига тушади. |
| 52 | | ***«КЕЛ, ДЎСТЛАШАЙЛИК»*** | эртак | қўғирчоқ фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: В.Гусев, режиссёр: И.Кривошеева, рассомлар: Р.Камолиддинов, О.Сторожева, оператор: В.Вахненко, бастакор: Э.Калантаров | Фильм кичик болажонлар учун мўлжалланган бўлиб, унда кичкина итча, ҳақиқий ва садоқатли дўстлар ҳақида ҳикоя қилинади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 53 | **1979** | ***«ЧИГИРЕК»*** | ҳикоя | қўғирчоқ фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: А.Файнберг, режиссёрлар: П.Амиров, А.Хамдамов, оператор: М.Подгурский, рассом: Р.Туманков, бастакор: И.Закиров | Фильм анъанавий эртак асосида суратга олиниб, унда икки ака-укалар ҳақида ҳикоя қилинади. Уларнинг бири меҳрибон, иккинчиси меҳнаткаш, кейингиси ёвуз ва баҳил бўлади. Натижада ука фақат яхшилик билан истакка эришиш мумкинлигини англаб етади. |
| 54 | **1980** | ***«ОЛМА ДАРАХТИ ҲАҚИДА ЭРТАК»*** | ҳикоя | чизма фильм | 1 қисм 9 дақиқа | сценарий муаллифи: Ж.Витензон, режиссёр: Н.Тўлахўжаев, рассом: А.Собиров, операторлар: В.Вахненко, Б.Гиясходжаев, бастакор: Д.Янов-Яновский | Мазкур фалсафий ҳикоя инсонни атрофидаги дунёга мослашишга интилиши ҳақида бўлиб, фильм бош персонажи кичина одамча дарахт экишга ҳаракат қилади. Бу одамча на шаҳарда, на чўлда ва на тоғда дарахт эка олмайди, у ерни тарк этиб, бошқа сайёрага учиб кетади. Аммо ўзга сайёрада экилган дарахт ўсишни хоҳламайди, у ердан қочиб қайтиб келади. Ва фақат шу ерда она ватанида дарахтлар жонланади, гуллаб-яшнашни бошлайди. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 55 | **1980** | ***«СЎНГГИ ДЕВ»*** | эртак | кўғирчоқ фильм | 1 қисм 11,5 дақиқа | сценарий муаллифи: М.Боймуҳамедов, режиссёрлар: М.Боймухамедов, В.Иогеьсен, рассом: А.Дорожинская, оператор: М.Подгурский, бастакор: Р.Вильданов | Ушбу фильм сеҳрли кўза ҳақида бўлиб, асар персонажлари икки қўшни бой Салимбой ва Сатторбой тўғрисида ҳикоя қилинади. Уларга яқин меҳнаткаш, камбағал Мурод кексайиб қолган оти билан яшар эди. Бир куни у ер чопаётганида унинг қаршисида фақат ёмон ишларни бажарадиган ёвуз дев сеҳрли кўза билан пайдо бўлади. Очкўз бойлар кўзани маҳкам ушлаб олишади. Лекин эртаклардаги каби ёвузлик кучлари устидан эзгулик ғалаба қозонади. |
| 56 | | ***«СЕҲРЛИ САМОВАР»*** | эртак | чизма фильм | 1 қисм 12 дақиқа | сценарий муаллифи: А.Қобулов, режиссёр: М.Маҳмудов, рассомлар: М.Маҳмудов, Р.Камолиддинов, оператор: Б.Гиясходжаев, бастакор: Э.Калантаров | Фильм нафақат эртакларда, балки ҳаётда ҳам агар сен худди ҳақиқий рассом каби ўз ишингга астойдил киришсанг мўъжиза содир бўлиши ҳақида ҳикоя қилади. Ой нури тушиб турган йўлга бутазордан самовар ва жин тушиб келади. Жин ўз самоварида жуда кўп ўтиради ва одамларни кўриш учун шаҳарга боришни одамларга қўлидан қандай мўъжизалар келишини кўрсатишга қарор қилади. Лекин унинг мўъжизалари ҳеч кимга керак эмасдек, инсонлар ўз меҳнатлари орқали мўъжизага эришишга ўргангандек туюлади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 57 | **1980** | ***«КУРАШ»*** | эртак | кўғирчоқ фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи Д.Салимов, режиссёр: Ш.Шокирова, рассом: Ю.Артемьев, оператор: Н.Хмара, бастакор: Д.Янов-Яновский | Фильм сюжетида спорт соҳасида ғалабага эришишнинг сири ҳақида сўзланиб, шиддат билан болалар куч синаш учун майдонга отланади. Улар орасида энг кучли Қудрат исмли қаҳрамон бўлиб, ўз қишлоғидаги байрамда маҳоратли курашчи билан ғалаба қозона олишини синаб кўради. Ўз мағлубиятидан сўнг ҳайрон бўлади. Шунда Қудратга бобоси ғалабанинг сири, бу меҳнат, қатъийлик ва матонатда эканини сўзлаб беради. |
| 58 | | ***«ЎСИМЛИКЛАР»*** | ҳикоя | чизма фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: А.Файнберг, режиссёр: Н.Тўлаходжаев, рассом: А.Собиров, оператор: Л.Виссарионова, бастакор: Д.Янов-Яновский | Бу фалсафий ҳикоя катта ёшдаги томошабинларга мўлжалланиб, саҳрода юраётган инсон, экиш учун қўлига уч дона пахта уруғи сиқиб олади. Биринчи уруғни эка олмайди, чунки ёшлик эҳтирослари туфайли бу ҳақида унутиб қўяди ва иккинчи уруғни ҳам йўқотади. Унда охирги уруғ қолади, лекин у қурукқшаб, кучсизланиб қолган бўлади. Энди ҳеч қандай ишга чалғимай, қўлидаги охирги уруғни ҳатто ёшликка ҳам алмаштирмай, уни экади. Шундан сўнг эса ундан сермаҳсул пахта майдони ҳосил бўлади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 59 | 1980 | ***«СЕҲРЛИ ОҲУ»*** | эртак | чизма фильм | 2 қисм 19 дақиқа | сценарий муаллифи: А.Кобулов, режиссёр: С.Муродхўжаева, рассом: В.Гриднев, оператор: В.Вахненко, бастакор: В.Милов | Сеҳр кучи ҳақида ҳикоя қилувчи ушбу фильмда бечора Али кийикни қопқондан чиқариб олишга ёрдам беради. Кийик Алининг ёрдами учун тилагини бажаришга ваъда беради. Аммо, Али бойиб кетгач ва маликага уйлангач, очкўз ва бераҳм бўлиб қолади. Бунинг учун кийик уни қайта қамбағал новда йиғувчига айлантириб қўяди. |
| 60 | | ***«ЛАЙЛАК ҲАҚИДА ЭРТАК»*** | эртак | қўғирчоқ фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: А.Бородин, режиссёрлар: П.Амиров, А.Хамдамов, оператор: Н.Хмара, рассом: Р.Туманков, бастакор: В.Милов | Эртак жанридаги ушбу фильм қандай қилиб Юнус исмли бола сеҳрли лайлакни ушлагани, очкўз бой товламачилик билан уни Юнусдан тортиб олиши ва уни бахтли қилишни талаб қилади. Бахт эса унинг учун бойлик ҳисобланади. Аммо лайлак фақат яхши ва меҳрибон инсонларни бахтли қила олиши мумкин эди. Бой эса очкўздек туюлди. Лайлак Юнус уйининг томига қўнади ва бувасининг шифо топишига ёрдам беради. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 61 | **1980** | ***«ОЛИМ ВА УНИНГ ЭШАГИ»*** | ҳикоя | чизма фильм | 1 қисм 11 дақиқа | «Союзмульт-фильм» билан хамкорликда сценарий муаллифлари: Акмал ва Ахрор Акбархўжаев, режиссёр: А.Акбархўжаев, рассом: В.Никитин, оператор К.Расулов, бастакор: Р.Вильданов | Ҳайвонларга нисбатан яхши муносабатда бўлиш ҳақидаги бу фильм сюжети шундай бошланади. Тегирмонда донни майдаланиши лозим бўлади, лекин эшак ўйноқлаб, сакрайди ва ҳеч ҳам аравага боғланишини хоҳламайди. Олим қамчилаб, бўйинтуруғини тортмоқчи бўлганида эшак унинг оёғини туртиб, қириб юборади. Олим қамчиси билан, эшак эса қайсарлиги билан бир-бирига кўп ёқимсиз ҳолатларни келтиради. |
| 62 | **1981** | ***«ТАКА ТОМОРҚАДА»*** | эртак | қўғирчоқ фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи ва режиссер: Л.Бабаханов, рассом: О.Харитонова, оператор: Н.Хмара, бастакор: Д.Янов-Яновский | Фильмда така томорқага кириб, қаерда яхши етилган сабзавотлар бўлса уларни ейишга уринади. Сабзавотлар бир-бирини ҳимоя қилиши ва қийин вазиятларда ўзаро ёрдам бериш ҳақида фикр юритади. Барча сабзавотлар бирлашиб, баднафс такани томорқадан қувиб юборади. |
| 63 | | ***«ТИШЛАЙДИГАН ЭШАКЧА»*** | эртак | чизма фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: В.Гусев, режиссёр: С.Мурат-ходжаева, рассом: В.Гриднев, оператор: В.Вахненко, бастакор: В.Милов | Картина ҳайвонларга меҳрибон бўлиш ва уларни авайлаб-асраш каби фазилатларга қаратилади. Улар жонсиз ўйинчоқ эмас, балки жонли мавжудот эканлиги, уларни асраш ва меҳр беришга қаратилади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 64 | **1981** | ***«КАТТА ВА КИЧКИНА»*** | эртак | қўғирчоқ фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи ва режиссёр: М.Боймуҳамедов, рассом: А.Дорожинская, оператор: М.Подгурский, бастакор: В.Милов | Асарда уста-кулол лойдан одам ясайди. Ҳасадгўй Болтабой лойдан ясалган ёқимли болани кўради ва лойдан ўзининг барча бойликларини меросхўри бўладиган бола ясашга қарор қилади. Аммо ношуд ва очкўз Болтабой лойдан ҳеч ҳам тўйдириб бўлмайдиган ва кўп овқат қидираверадиган, атрофдаги барча нарсаларни емирадиган махлуқ ясайди. Зийрак бола эса маҳлуқнинг кучини эзгу ишларни яратишга йўналтиради. |
| 65 | | ***«ТЎСИҚ»*** | ҳикоя | чизма фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: Д.Салимов, режиссёр ва рассом: А.Сабиров, оператор: В.Вахненко, бастакор: Д.Янов-Яновский | Бу картина фалсафий ҳикоя бўлиб, унда одамлар ҳаракати устидан кулиб, айбланадиган ишлар инсонлар қалбини бузиши ва танҳоликка, ишончсизликка олиб келишини сўзлайди. |
| 66 | | ***«ҚАМБАҒАЛНИНГ ҚИЗИ ВА БЕФАҲМ ШАҲЗОДА»*** | эртак | қўғирчоқ фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи ва режиссёр: Д. Салимов, рассом: Р.Камалетдинов, оператор: М.Подгурский | Ушбу фильм эзгулик, сабр-тоқат ва топқирликка бағишланиб, одамлар бефаҳм дея атаган шоҳнинг ўғли ўйин ўйнаш ёқтиради. Шоҳ ўғлига қирқ кунда саводли қилиб ўқитадиган инсонни топишни, акс ҳолда шаҳар вайрон бўлишини буюради. Бу қийин вазифани шаҳарнинг қамбағал қизи амалга оширади. Ўз сабр-тоқатига ишонган ҳолда, эзгулиги ва топқирлиги туфайли шаҳзодани нафақат саводли қилишга, балки билимга бўлган муҳаббатини пайдо қилади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 67 | 1981 | ***«МАҚТАНЧОҚ ЧУМЧУҚЧА»*** | ҳикоя | чизма фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи ва режиссёр: А.Акбархўжаев, рассом: В.Жирнов, оператор: Р.Бердыев, бастакор: Р.Вильданов | Фильм беғам яшайдиган дангаса чумчуқ тўғрисида бўлиб, туянинг иликкина ўркачига мустаҳкамгина жойлашиб олган дангаса чумчуқчанинг бошқа чумчуқларни кузатишига бағишланади. Барча чумчуқлар ўзининг қанотларини мустаҳкамлаб, қишки даврга тайёрланишади. Дангаса чумчуқча эса уларга термулиб, устидан кулиб ўтиради. Аммо туя ўз йўлида кетишда давом этади ва чумчуқча ўзи ёлғизланиб қолади. |
| 68 | 1981 | ***«ЛОЛАЛАР ҲАҚИДА ҚЎШИҚ»*** | эртак | чизма фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: В.Гусев, режиссёр: С.Муродхўжаева, рассомлар: В.Гриднев, О.Харитонова, оператор: В.Вахненко, бастакор: В.Милов | Муҳаббат кучини тасвирловчи ушбу фильм кичкинагина қишлоқда Бахтиёр ва Лола исмли қаҳрамонларнинг пок севгисига бағишланади. Улар бир-бирига кўнгил қўяди. Кунларнинг бирида хон Лолани кўриб қолиб, унинг гўзаллигидан севиб қолади. Аммо на совғалар, на таҳдид уни севилган юрагидан айиришга ёрдам бермайди. Шунда хон қишлоқни ёқиб юборишни буюради ва Лолани эса ҳарбийлар қасрга олиб кетади. Севмаган қалб билан яшашдан Лола ҳалок бўлади. Шундан буён ҳар баҳор водийда лолалар тоза ва соф севги рамзи сифатида товланади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 69 | **1981** | ***«ЭСКИ АРАВА ҲАҚИДА АФСОНА»*** | эртак | қўғирчоқ фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи ва рассом: Р.Туманков, режиссёрлар: И.Кривошеева, Р.Туманков оператор: М.Подгурский, бастакор: Р.Вильданов | Арава ҳақидаги ушбу фильм рамзли шакллар орқали мамлакатимизнинг инқилоб даврида деҳқоннинг зулм кўрсатганларга қарши курашда қаҳрамонлик қилгани ҳикоя қилинади. |
| 70 | **1982** | ***«САНАМ»*** | ҳикоя | чизма фильм | 1 қисм 9 дақиқа | сценарий муаллифи: А.Файнберг, режиссёр: Н.Тўлахўжаев, рассом: В.Апухтин, бастакор: Д.Янов-Яновский | Фалсафий ҳикоя асосида яратилган ушбу фильм худбин ва ўзини севадиганлар инсонларга бағишланган. Келишган бир йигит ўзининг гўзал санамига эришиш учун унинг суратини тошга чизади. Бу иш билан машғул бўлганида, у дунёдаги ҳамма нарсани эсидан чиқаради ва уйига қайтиб келганида эса, унинг ўрнида вайрона тасвир акс этади. |
| 71 | | ***«ЮЛДУЗЛИ ЭРТАК»*** | эртак | чизма фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: И.Давыдов, режиссёр ва рассом: А.Сабиров, оператор: А.Сабиров, бастакор: Р.Вильданов | Эзгулик ва ёвузликни тараннум этувчи мазкур фильмда қандай қилиб Али шаҳардаги ҳовузга тушиб кетганида, унга ойга ёрдам бергани ва қайта осмонда ярқирагани ҳақида ҳикоя қилинади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 72 | **1982** | ***«ЖОНЛИ ЛОЙ»*** | эртак | кўғирчоқ фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи Ж.Исхоков, режиссёр: И.Кривошеева, рассом: Ю.Артемьев, оператор: В.Бахтеев, бастакор: Р.Вильданов | Фильмда ҳасадгўй тандирчи Мурод ўз ишини жудаям зарур эканлигини англаган ҳолда, тандир нон ёпишда инсонлар учун керакли идиш бўлганлиги боис буни бошқа бир йўл орқали бошлайди. |
| 73 | | ***«ХЎЖА НАСРИД-ДИН»*** 1-қисм | ҳикоя | перекладка | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: А.Бородин, режиссёр: М.Махмудов, рассомлар: М.Махмудов, А.Дорожинская, оператор: В.Никитин, бастакор: Р.Вильданов | Картина бош персонажи зийрак ва донишманд Хўжа Насриддин қандай қилиб очкўз хўжайинни жазолаши ҳамда қамбағалларни судхўр ҳамда миршаблардан қутқариш сюжетлари қизиқарли ва юморга бой воқеалар кўринишида тасвирланади. |
| 74 | | ***«ХЎЖА НАСРИД-ДИН»*** 2-қисм | ҳикоя | перекладка | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифлари: М.Махмудов, М.Боймухамедов, режиссёр: М.Махмудов, рассомлар: М.Махмудов, А.Дорожинская, оператор: В.Никитин, бастакор: Р.Вильданов | Фильмнинг иккинчи қисмида судхўр Жафар уй тўловини тўламаганлиги учун темирчининг ягона қизини олиб кетишга қарор қилади. Шаҳарга келмоқчи бўлган Хўжа Насриддин эса бу ҳақда эшитиб қолади. Юлдузли либосини кийиб, яширинча, хазина кўмилган жойга қизиқаётган Шоҳга унинг жойини кўрсатади ва бу учун олтин тангаларни олиб, камбағалнинг қизини қутқариб қолишга ёрдам бериши ҳикоя қилинади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 75 | 1982 | ***«ЁМҒИР ИТИ»*** | эртак | чизма фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифлари: Р.Фарходий, Л.Бабаханов, режиссёр: Л. Бабаханов, рассом: Т.Хорошева, оператор: В.Бахтеев, бастакор: В.Милов | Мазкур асарда узоқ вақт давомида ит ҳақида орзу қилаётган бола ҳақида бўлиб, кучли орзуси сабабли, хаттоки осмондаги булутларда ҳам унга қизиқарли оқ итча шаклида кўрина бошлайди. Боланинг тасаввурида булутлар майдонида фантастик саёҳатлар чизилади ва унинг бу янги дўсти, яъни ёмғирли ити кичик хаёлпарастни қаергадир етаклаётдек туюлади. |
| 76 | | ***«СЕҲРЛИ НАЙ»*** | эртак | қўғирчоқ фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи ва режиссёр: М.Боймуҳамедов, рассомлар: Р.Камалетдинов, А.Дорожинская, оператор: М.Подгурский, бастакор: Д.Янов-Яновский | Фильм воқеаларида ёш, қувноқ чўпон қамишдан худди сеҳрлидек кўринган дудкача (қамишнай)ни кесиб олади. Очкўз бой ва судья алдов йўли билан чўпоннинг дудкачасини олишга уринади. Аммо, ёвуз ва ҳасадгўйларнинг қўлида сеҳрли най ўз кучини йўқотади. |
| 77 | | ***«СЕҲРЛИ АНОР ҲАҚИДА ЭРТАК»*** | эртак | чизма фильм | 2 қисм 18 дақиқа | сценарий муаллифи: Р.Фарходий, режиссёрлар: Л.Полевая, С.Муродхўжаева, рассомлар: А.Гуломов. О.Харитонова, оператор: Р.Бердыев, бастакор: В.Милов | Икки қисмдан иборат ушбу фильм маликага даво бўладиган мевалар, яъни анор дарахтини топишга интилаётган икки ака-ука Ғайрат ва Ҳайрат ҳақида бўлиб, улар машаққатли синовлар натижасида очкўзлик, ўзгага ғаразлик ва беғаразлик, жасурлик каби характерларда намоён бўлади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 78 | **1982** | ***«КУЧУК БОЛАСИ ВА ЕТТИ ҒОЗЧА»*** | эртак | қўғирчоқ фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: А.Қобулов, режиссёрлар: Н.Тўлахўжаев, Н.Смирнов, рассом: А.Собиров, оператор: В.Бахтеев, бастакор: Д.Янов-Яновский | Ушбу фильмда дўстлик ва хамжиҳатлик улуғланиб, унда эрталабдан кечгача ғозлар томорқада меҳнат қиладилар. Уларга кучукча ёрдам беради. Улар биргаликда ариқ яратадилар, сўнг томорқага сув кела бошлайди. |
| 79 | **1983** | ***«УЧАР ЮМРОНҚОЗИҚ»*** | эртак | чизма фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: Д.Салимов, режиссёрлар: Д.Салимов, В.Жирнов, рассомлар: О.Тяжелова, С.Рябых, оператор: В.Никитин, бастакор: Д.Янов-Яновский | Фильм кичик юмронқозиқ ҳақида сўзланиб, норкадан улоқтирилган, чўлнинг турли аҳолиси билан танишади: туск, варанчик, қуёнча ва бошқалар. |
| 80 | | ***«МАМАТНИНГ САРГУЗАШТИ»*** | эртак | чизма фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифлари: М.Боймуҳамедов, Ф.Мусажонов, рассомлар: А.Дорожинская, О.Харитонова, оператор: В.Никитин, режиссёр: М.Боймухамедов, бастакор: Р.Вильданов | Картина қаҳрамони иккичи Маматнинг даҳшатли туши ҳақида бўлиб, гўёки даҳшатли ҳайвонлар унинг кундалигини таъқиб қилаётгандек кўринади. Мамат қўрқиб уйғонади, деразадан ташқарида эса кулги эшитилади. Бу унинг синфдошлари бўлиб, Мамат ва унинг иккиси тасвирланган «Тиканак» деворий газетага кулишаётган бўлади. Мамат бундан жудаям уялади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 81 | **1983** | ***«ТОМ»*** | эртак | чизма фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: У.Назаров, режиссёр: А.Собиров, рассомлар: А.Собиров, К.Цой, оператор: Р.Бердыев, бастакор: Д.Янов-Яновский | Фильм ўзбек халқ эртаги асосида яратилиб, ахмоқлик, очкўзлик, иккиюзламачилик каби инсоний хислатларга қарши курашишга қаратилган. |
| 82 | | ***«ЛОЙЛИ ЭРТАК»*** | эртак | қўғирчоқ фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: П.Георгиади, режиссёр: Н.Смирнов, рассом: А.Собиров, оператор: В.Бахтеев, бастакор: Д.Янов-Яновский | Асар бош персонажлари эчки ва қўзичоқ бирга ўйнаб, аждарнинг ғорига тушиб кетишади. Аммо аждар ёвуз ва қонхўрдек туюлади, лекин аслида эса у барча каби ўйнашни хоҳлаши аён бўлади. |
| 83 | | ***«СИЧҚОНЛАР МАЛИКАСИ»*** | эртак | қўғирчоқ фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: Д.Салимов, режиссёр: И.Кривошеева, рассом: А.Жибоедов, оператор: М.Подгурский, бастакор: Д.Янов-Яновский | Фильм қорақалпоқ халқ эртаги асосида яратилган. Унда ҳаддан ташқари мағрурлик инсоннинг бахтиёрлигига тўсқинлик қилиши ва уни шавқатсиз жазолашини қоралаши ҳақида тасвирланади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 84 | 1984 | ***«ТОМЧИ»*** | ҳикоя | чизма фильм | 1 қисм 8 дақиқа | сценарий муаллифи: А.Файнберг, режиссёр: Д.Салимов, рассом: Т. Хорошева, оператор: М.Абзалова, бастакор: Д.Янов-Яновский | Фильм ҳикоя асосида яратилган бўлиб, асар қаҳрамони саксавул шохида қуёш нурида томчини кўриб қолади. Унинг атрофида бутун бир денгиз сувининг айланишини сезмасдан унга бутун кучи билан эришишга ҳаракат қилади. |
| 85 | | ***«ЁҚИМЛИ ЁМҒИР ЁҒАДИ»*** *Лейпциг Халқаро кинофестивалининг бош соврини «Золотой голубь» (Олтин кабутар) га, Испаниянинг Билбао шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро кинофестивалда эса «Кумуш Микельди» совринига сазовор бўлган* | ҳикоя | кенг экранли, чизма, перекладка | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи ва режиссёр: Н.Тўлахўжаев, рассом: С.Алибеков, оператор: В.Никитин, бастакор: Д.Янов-Яновский | Фильм америкалик фантаст ёзувчи Рэй Бредберининг шу номли ҳикояси асосида яратилиб, келажакни башорат қилади ва ер юзида атом уруши хавфини фалсафий кўринишда ҳикоя қилади. Картинада урушдан кейин инсониятни кулга айланиб ерга бирикиб кетиши фантастик ҳолатда ёритилади. Асар атомнинг портлашидан сўнг, гуркираб ёниб турган оловнинг аянчли ҳолати билан ифодаланиб, вайрон бўлган кўринишни тасвирлайди. Бу даҳшатли воқеада ёруғликка бўлган умид ойна ортидаги ёқимли тасвирда акс этади, чизилган манзарага интилаётган қуш эса ҳаётдан ҳали умидворлик туйғусини англатади. Аслида эса атрофда хеч бир ёқимли манзарадан асар ҳам қолмаган ва бу макон фақат чизилган манзара билан кўрсатилади. Бу даврда ушбу фильм катта ёшдаги томошабинлар учун яратилган илк фантастик фильм ҳисобланди. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 86 | **1984** | ***«ҚИЗЧА ВА ИТЧА»*** | эртак | кўғирчоқ фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи ва режиссёр: М.Боймухамедов, рассом: В.Жибоедов, оператор: В.Бахтеев, бастакор: В.Милов | Фильм лирик кўринишда бўлиб, атрофдагиларга нисбатан меҳр ва сезгирлик, қизча ва унинг кичик кучукчаси ўртасидаги дўстлик намоён бўлади. |
| 87 | **1985** | ***«ҚОРБОЛА»*** | ҳикоя | чизма фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: А.Файнберг, режиссёр: М.Маҳмудов, рассомлар: М.Махмудов, К.Цой, оператор: В.Никитин, бастакор: Р.Вильданов | Картина узоқ ва бахтли дамлар ҳақида сўзланиб, ўсмир боланинг катта ёшдаги инсонга ёшлик дамларини эслатишга уриниши, дунёда ҳамма нарсадан кўра қор ўйнашни яхши кўришларини билдиради. |
| 88 | | ***«КЕЛ, АЛМАШАЙЛИК»*** | эртак | кўғирчоқ фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: Т.Нигматуллин, режиссёр: Д.Ботирова, Г.Нўъмонова, рассом: Т.Хорошева, оператор: М.Подгурский, бастакор: Д.Янов-Яновский | Мазкур асар кичик ёшдаги болажонлар учун мўлжалланган бўлиб, тошбақа ва калтакесак терисини алмаштириши ва ундан нима содир бўлиши мумкинлиги сўзланади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 89 | 1985 | ***«ФАРРУХ ВА ЗУМРАД»*** | эртак | чизма фильм | 2 қисм 19 дақиқа | сценарий муаллифи: А.Кобулов, режиссёрлар: Н.Смирнов, Н.Тўлахўжаев, рассомлар: М.Махмудов, А.Собиров, оператор: М.Абзалова, бастакор: Р.Вильданов | Картина шу номли эртак асосида яратилиб, ёш йигит Фаррух севгилиси Зумрадни ёвуз Қора ботирнинг чангалидан қутқариши тасвирий ифодаланган. |
| 90 | | ***«ГУЛДОР ҚЎШИҚ»*** | ҳикоя | перекладка | 1 қисм 11 дақиқа | сценарий муаллифлари: В.Медведев, С.Рунге, Ю.Подопренко, режиссёр: С.Муратходжаева, рассомлар: К.Цой, А.Дорожинская, оператор: В.Никитин, бастакор: Э.Пак | Фильм кичик ёшдаги болалар учун мўлжалланиб, қўшиқнинг гуллар орқали куйланиши, оҳанграбо мусиқанинг чалиниши тасвирий воситалар орқали ифодаланган. |
| 91 | | ***«ҚУВНОҚ ЁМҒИР»*** | ҳикоя | чизма фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: Ю.Подпоренко, режиссёр: С.Муратходжаева, рассомлар: А.Дорожинская, К.Цой, оператор: В.Никитин, бастакор: Д.Амануллаева | Жозибадорликка бағишланган мазкур фильмда, бола ёмғир томчисининг мусиқий оҳангини эшитиб, дунёни бошқача яъни, ёрқин ва хурсандчилик билан тасаввур этишга бағишланади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 92 | **1985** | ***«ДУГОНАЛАР»*** | ҳикоя | қўғирчоқ фильм | 1 қисм 12 дақиқа | сценарий муаллифи А.Галиев, режиссёр: И.Кривошеева, рассомлар: Ю.Артемьев, Р.Камолиддинов, бастакор: И.Берлин | Эртакда омадсиз башоратчи ёлғон билан мақсадга эриша олмасликни тушуниб етиш ва ақлли, меҳрибон хотин ҳақида сўзланади. |
| 93 | | ***«КИЧИК ҚУШ КУЗАТУВЧИЛАР»*** | ҳикоя | чизма фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: А.Файнберг, режиссёр: А.Сабиров, рассомлар: А.Сабиров, Е. Щербина, оператор: Л.Симбирцев, бастакор: Р.Вильданов | Фильмда болакайлар қушларни кузатиш жараёнида улардан бир шумтака болакайда табиатни авайлаб асраш ва қушларга ғамхўрлик қилиш, ачиниш ҳиссининг пайдо бўлиши ёрқин колоритда талқин этилади. |
| 94 | | ***«ҚОР УСТАЛАРИ»*** | эртак | қўғирчоқ фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: А.Устименко, режиссёр: Д.Ботирова, рассомлар: О.Тяжелова, В.Жирнов | Мазкур картина кичик ёшдаги болажонлар ҳақида бўлиб, биргаликда ўйнашни ёқтирадиган, уришмайдиган ва бир-бирига ёрдам берадиган болажонларга бағишланади. Улар қиш фаслида ёғган қорни биргаликда шўх-шодон ўйнаши кўрсатилади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 95 | **1985** | ***«ЁРДАМЧИЛАР»*** | ҳикоя | чизма фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифлари: А.Устименко, Л.Полевая, режиссёр: Л.Полевая, рассом: Т.Хорошева, бастакор: Р.Вильданов | Фильм оилада ва болалар тарбиясида меҳнатсеварлик туйғуларини шакллантиришга ёрдам берувчилар ҳақида сўзланади. |
| 96 | | ***«ОЛТИН БАРГ»*** | ҳикоя | перекладка | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи А.Файнберг, режиссёр: Г.Нўъмонова, рассом: С.Алибеков, бастакор: Д.Янов-Яновский | Асар лирик воқеалар асосида нафисликни ҳис этишга қаратилган. |
| 97 | | ***«ДАДАБОЙ ВА БУДИЛЬНИК»*** | ҳикоя | қўғирчоқ фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: Гусев, режиссёр: М.Боймуҳамедов, рассом: Р.Камолиддинов, бастакор: Е.Ширяев | Ушбу фильм таътил вақтини қишлоқда ўтказаётган болакай ҳақида бўлиб, унинг тўполони кулгули воқеаларга асосланган. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 98 | 1986 | ***«ХРИЗАНТЕМАЛАР БОҒИ»*** | ҳикоя | перекладка | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: К.Ортиков, режиссёр: Н.Смирнов, рассом: С.Алибеков бастакор: Д.Янов-Яновский | Фильм хитой афсонаси асосида яратилиб, поэтик ҳикоя жанрида тасвирий ечим топган. Унда қийин ва узоқ ҳаёт кечирган инсон ҳақида сўзланган. |
| 99 | | ***«КУНЛАРНИНГ БИРИДА САҲРОДА»*** | эртак | чизма фильм | 1 қисм 9 дақиқа | сценарий муаллифи: А.Файнберг, режиссёр: М.Махмудов, рассомлар: М.Махмудов, М. Димов, бастакор: Р.Вильданов | Фильм қаҳрамони хазина топиб олиб, бойиб кетади. Аммо уни денгиз қароқчилари тунаб кетиб, зиндонбанд қилишади. Зиндондан уни содиқ эшаги халос этади. |
| 100 | | ***«ЯХШИЛИКДАН ФОЙДА БОРМИ?»*** | эртак | қўғирчоқ фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: Н.Тўлахўжаев, режиссёр: И.Кривошеева, рассом: Р.Камолиддинов, бастакор: И.Берлин | Фильм ўзбек халқ эртаги асосида яратилиб, бечора Юсуф кўзадан Жинни озод этади, лекин Жин унга ёвузлик билан жавоб қайтариши кўрсатилади. |
| 101 | | ***«ЭШАКЧА БОР ЭКАН»*** | эртак | қўғирчоқ фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: Л.Хайт, режиссёр: П.Амиров, рассом: Р.Туманков, бастакор: В.Милов | Мазкур картинада кичкина эшакча ҳаётда қилинган яхши ишлар кейинчалик ер юзида муҳрланишини аста-секин англаб етиши ёритилади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 102 | **1986** | ***«ҲОВЛИДА»*** | эртак | қўғирчоқ фильм | 1 қисм 11 дақиқа | сценарий муаллифи: И.Марголина, режиссёр: Д.Ботирова, рассом: М.Сорокин, оператор: В.Никитин, бастакор: Р.Вильданов | Асар персонажлари ҳайвонлардан иборат бўлиб, товуқ эшик олдида ит билан жой алмашади. Чунки, чиқиш йўлагида у ўз иши билан шуғулланмаганлиги ҳақида сўзланади. |
| 103 | | ***«ОНАМНИНГ ТОПИШМОҚЛАРИ»*** | ҳикоя | чизма фильм | 1 қисм 9 дақиқа | сценарий муаллифи: М.Вишневецкая, режиссёр: А. Собиров, рассом: А.Собиров | Фильм болалар фантазиясининг ажойиб фаоллашувига оид тасвирланган. |
| 104 | | ***«ПИР УСТО ЭРТАКЛАРИ»*** | эртак | перекладка | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифлари: В.Голованов, А.Тимофеевский, режиссёрлар: М.Боймухамедов, В.Фесенко, рассом: К.Цой | Фильм кичик болакай Бунёднинг саргузашларига бағишланади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 105 | 1987 | ***«ҚУДУҚ»*** | эртак | перекладка | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: С.Козлов, режиссёр: С.Муродхўжаева, рассомлар: М.Сорокин, С.Рябых, оператор: В.Никитин, бастакор: В.Шаинский | Мазкур картина қаҳрамони типратикан бўлиб, у саҳрода қудуқ ковлайди ва ўз дўстларини қурукликдан қутқариши қизиқарли тарзда ёритилган. |
| 106 | | ***«БЕГОНА»*** | ҳикоя | перекладка | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифлари: Н.Ульянова, Н.Смирнов, режиссёр: Н.Смирнов, рассом: Э.Изетов, бастакор: Д.Янов-Яновский | Картина кичик бир Туренка ҳақидаги ҳикоя бўлиб, у эчкилар подасида ва асирликда яшамаганлиги ифодаланади. |
| 107 | | ***«ДУЭЛЬ»*** («Муха и птица») | ҳикоя | чизма фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: С.Давыдов, режиссёр: А. Собиров, рассом: А.Собиров, бастакор: Д.Ильясов | Чивин ва қуш дуэли ҳақидаги ушбу фильмда, чивиннинг қуш устидан ғалаба қозониши ҳикоя қилинади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 108 | 1987 | ***«А + В»*** | ҳикоя | пластилин | 1 қисм 8 дақиқа | сценарий муаллифи: И.Марголина, режиссёр ва рассом: А.Собиров, бастакор: Д.Ильясов | Фильм инсоннинг қийинчиликка муносабатига бағишланган. |
| 109 | | ***«ТОПИШМОҚЛАР КУНИ»*** | эртак | чизма фильм | 1 қисм 9 дақиқа | сценарий муаллифи: М.Вишневецкая, режиссёр: Л.Полевая, рассомлар: В.Лебедев, М.Махмудов бастакор: Э.Пак | Картина болаларнинг компьютер яратиши ҳақида бўлиб, у топишмоқларни топадиган компьютер бўлади. |
| 110 | | ***«ХАРОБАЗОРДАГИ ХАЗИНА»*** | эртак | қўғирчоқ фильм | 1 қисм 9 дақиқа | сценарий муаллифи: В.Гусев, режиссёр: И.Кривошеева, рассом: Р.Камолиддинов | Фильмда омадсиз хазина қидирувчи Барбос охир оқибатда ҳақиқий хазина бу дўстлик ва ўзаро тушуниш эканлигини англаб етади. |
| 111 | | ***«СУДЬЯ ВА ЧОЛ»*** | эртак | қўғирчоқ фильм | 1 қисм 9 дақиқа | сценарий муаллифи: А.Тимофеевский, режиссёрлар: П.Амиров, Н.Смирнов, рассомлар: А.Москин, А.Петров | Фильм қандай қилиб дарвешнинг шаҳарда адолатни тиклашга ёрдам бергани ҳақида ҳикоя қилади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 112 | 1988 | ***«ОТ»*** | ҳикоя | перекладка | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: Ш.Абдуллаев, режиссёр: М.Маҳмудов, рассом: Т.Хорошева, бастакор: Э.Немировский | Мазкур картинада инсон хаёлида бахтни қувиб бориши, яъни отни тасаввур қилиб кетидан қувиши оқибатида барча инсоний фазилатларини йўқотиши ҳақида ҳикоя қилинади. |
| 113 | | ***«ТЕМИР ДАРАХТ»*** | ҳикоя | перекладка | 1 қисм 9 дақиқа | сценарий муаллифи: А.Файнберг, режиссёр: Г.Нугманова | Фильм темир дарахт ҳақида бўлиб, у ўзини устун, мағрур сифатида билиб, бошқа барча дарахтларни ҳалок қилиши ифодаланади. |
| 114 | | ***«ШЛЕП, ШМЯК, БРЯК!»*** | эртак | қўғирчоқ фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи А.Костинский, режиссёр: Д.Ботирова, рассом: А.Дорожинская, | Картинада қандай қилиб эртакчи чол Шлеп Шлепыч қизча Гулига ота онасини яраштиришга ёрдам бергани ҳақида сўзланади. |
| 115 | | ***«ИККОВЛОН»*** | эртак | чизма фильм | 1 қисм 9 дақиқа | сценарий муаллифи: И.Марголина, режиссёр: С.Муратходжаева, рассом: Т.Хорошева, оператор: В.Никитин, бастакор: Э.Пак | Мазкур фильм дўстликка ишонч ва кечиримли бўлишга бағишланиб, унинг персонажлари ноодатий, ғалати маймунлар бўлиб, арзимаган майда хафагарчилик туфайли дўстликни йўқотиш мумкинлиги англанади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 116 | **1988** | ***«ПАУЗА»*** *(тўхтам)* | ҳикоя | чизма фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: Ш.Абдуллаев, С.Алибеков, В.Никитин билан ҳамкорликда, режиссёр ва рассом: С.Алибеков | Қизиқарли рамзий шаклда муаллиф бадиий ижод механизмининг ичидаги оғир жараённи сўзланиши тасвирий кўриниш орқали ёритилади. |
| 117 | | ***«ПРИДАНОЕ»*** *(сеп-сидирға)* | ҳикоя | қўғирчоқ фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: Д.Рубина, режиссёр: И. Кривошеева | Д.Кадринанинг шу номдаги шеъри асосида яратилган ушбу фильмда, сюжетнинг асоси буюк шоир Фирдавсийнинг тақдири ҳақида ҳикоя қилинади. |
| 119 | **1989** | ***«ИП» «УЗВИЙЛИК»*** *«Крок» биринчи Халқаро кинофестивалининг ўн дақиқали киноасар бош соврини билан тақдирланган* | ҳикоя | чизма фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: И.Марголина, режиссёрлар: С.Мураtходжаева, С.Алибеков, рассом: С.Алибеков | Картина инсоннинг ҳаёт ҳақидаги хотираларига бағишланиб, фильм контекстида ўзбек урф-одатлари ва маросимлари билан ўзаро боғлиқлиги ёритилади. Фильм ҳаёт, одамлар ҳақида инсон хотирасида абадий қоладиган эзгулик, муҳаббат ва бахт ҳақида ҳикоя қилинади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 120 | 1989 | ***«КАЛИГУЛА»*** | ҳикоя | перекладка | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: Н.Тўлахўжаев, режиссёр: Н.Смирнов, рассом: В.Вахтин, бастакор: С.Аванесов | Фильмда инсоннинг миясини назорат қилиш учун эксперимент ҳақидаги ажойиб фантастик кўриниш тасвирланади. |
| 121 | | ***«ТОҲИР ВА ЗУҲРА»*** | эртак | қўғирчоқ фильм | 2 қисм 9 дақиқа | сценарий муаллифи В.Никитин, режиссёр: И.Кривошеева, рассом: Э.Изетов, оператор: В.Никитин, бастакор: Ш.Коллош | Ўзбек халқ эртаги асосида яратилган мазкур фильм, шоҳнинг қизи Зуҳра ва ёш Тоҳирнинг фожиали севгиси ҳақида сўзланади. |
| 122 | | ***«БИЛЛИАРД ТАРИХИ»*** *Анқарада бўлиб ўтган 5-Халқаро кинофестивалда «энг яхши қўғирчоқ фильм» номинациясига сазовор бўлган* | ҳикоя | қўғирчоқ фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: И.Марголина, режиссёр: М.Маҳмудов, рассомлар: М.Махмудов Р.Камолиддинов, бастакор: Э.Немировский | Фильм персонажи биллиярд коптоклари бўлиб, унда инсон қиёфаси тасвирланади. Мазкур фильм тоталитар тузум даврида юқори лавозимлардаги раҳбарларнинг хатти-ҳаракатлари ва халқнинг соддадил, ишонувчанлиги акс этиб, улар копток образидаги характерлар орқали ёритилади. Воқеалар ривожида раҳбарларнинг буйруқлари ва билдирилган фикрлар халқ томонидан қўллаб-қувватланиб, уларнинг гап-сўзларини эшитувчи турли қулоқлар ва кўзлар деталлар орқали ифодаланади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 123 | **1989** | ***«ЭХ, СЕН!»*** | эртак | қўғирчоқ фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: В.Гусев, режиссёр: П. Амиров | Мазкур фильм товуқ ва жўжанинг ер юзидаги саёҳати ҳақида қизиқарли ҳикоя қилинади. |
| 124 | **1989** | ***«МУЗХОНА»*** | ҳикоя | чизма фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: А.Варакин, режиссёр: В.Жирнов | Юмор шаклидаги ушбу фильм инсоннинг дунё билимларига интилиш ғоясини тасдиқлайди. |
| 125 | **1990** | ***«КОНЦЕРТ»*** | ҳикоя | перекладка | 1 қисм 5 дақиқа | сценарий муаллифи: И.Марголина, бош реж: Г.Нугманова, бош рассом: Э.Гусев, бастакор: Д.Янов-Яновский | Мазкур фильм инсоннинг руҳий бойлиги мунофиқлик натижасида таназзулга юз тутишини мажозий усулда фош этади. |
| 126 | **1990** | ***«КЎППАК ИЛА КЎППАК»*** | эртак | қўғирчоқ фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: А.Файнберг, режиссёр: Д.Ботирова, рассомлар: Н.Яхшиева, С.Айрапетян, бастакор: Э.Немировский | Бу фильм уч кичик ҳикоядан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири икки ажойиб кўппакнинг саргузаштлари тўғрисида ҳикоя қилади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 127 | **1990** | ***«ЎРГИМЧАК ҚУЁШИ»*** | ҳикоя | перекладка | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: И.Марголина, бош режиссёр: Н.Смирнов, бош рассом: В.Вахтин, бастакор: С.Аванесов | Фильм бошқарувчи кучга кўр-кўрона бўйсуниш ва унга кўникма ҳосил қилиш, ҳаётга бўлган қизиқишини бутунлай сўндиришга бағишланган. |
| 128 | | ***«УЧАР ПУФАК КЎТАРГАН БЕГОНА»*** | ҳикоя | қўғирчоқ фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: А.Файнберг, бош режиссёр: И. Кривошеева, бош рассом: О.Сенина | Бу фильмда ҳаётга лоқайдлик билан қараган инсон ўзини атроф-оламдан ажратиб қўйиши ва яшашга қизиқишини буткул сўндириб қўйиши тўғрисида ҳикоя қилинади. |
| 129 | | ***«КЎЛМАК ЁНИДА»*** | ҳикоя | қўғирчоқ фильм | 1 қисм 9 дақиқа | сценарий муаллифи: ва режиссёр: В.Гусев, бош рассом: С.Алибеков, бастакор: Д.Янов-Яновский | Комедия жанридаги бу мультфильм катталар ва болаларга мўлжалланиб, унда кундалик ташвишлар билан юзма-юз келиш натижасида ман-манлик ўз-ўзидан узоқлашиб кетиши ҳикоя қилинади. |
| 130 | **1991** | ***«МАНҚУРТ ҲАҚИДА АФСОНА»*** | афсона | қўғирчоқ фильм | 1 қисм 9 дақиқа | сценарий муаллифи, режиссёр, оператор: В.Никитин, рассомлар: О.Тяжелова, Г.Жирнов | Чингиз Айтматовнинг «Асрга татигулик кун» асари асосида суратга олинган. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 131 | **1991** | ***«ФАРИШТА»*** | ҳикоя | перекладка | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: А.Устименко, режиссёр: Д.Ботирова, рассом: О. Галицкая, мультипликатор: Т.Оксим, оператор: М.Абзалова, бастакор: М.Калантарова | Горацио Голднинг шу номли ҳикояси асосида яратилган бўлиб, бу ажойиб фильм қаҳрамони кўчадан пул топиб олиши ва уни банкка холисона топшириши ўзига хос усулда тасвирланади. Фильм воқеалари жараёнида бош қаҳрамон қийинчиликларга дуч келиб, очлик ва дарбадарликни бошидан кечиради. Яъни дарбадарликда юрган соф виждонли, беозор инсон ўз оиласига қайтиши яхшилик билан якун топади. Бу фильм режиссёр Деляра Ботированинг сўнгги фильми сифатида яратилди. |
| 132 | | ***«БАХТЛИ ШАҲЗОДА»*** *1993 йил Ўзбекистон кино арбоблари уюшмасининг Грифон мукофотига муносиб кўрилган.* | эртак | перекладка | 2 қисм 18 дақиқа | сценарий муаллифи: Н.Тўлахўжаев, режиссёр: М.Маҳмудов, рассом: М.Маҳмудов, | Инглиз ёзувчиси Оскар Уайльднинг шу номли эртаги асосида суратга олиниб, фильм икки қисмдан иборат. Унда инсонийлик ҳис-туйғулари етакчи саналиб, персонажларнинг ҳаяжони, ўй-кечинмалари ва руҳияти кучли талқин этилади. Фильмда инсонларга қийинчилик даврида кўмак бериш, мушкулини осон қилиш каби ҳис-туйғуларни персонажларнинг кучли характери орқали мохирона ёритиб берилган. |
| 133 | | ***«БУЛУТ ВА ДЕВ»*** | эртак | кўғирчоқ фильм | 1 қисм 9 дақиқа | сценарий муаллифи: А.Файнберг, бош режиссёр: И.Кривошеева, бош рассом: С.Айрапетян | Фильмда бош персонаж булутнинг йўлини тўсишга уринади. Булут эса эзгу ният билан осмон бўйлаб саёҳат қилишда давом этади, табиат ўз қонунига асосан, унга қўпол муносабатда бўлганларни албатта жазолайди. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 134 | **1992** | ***«АЖОЙИБ ЖОМАДОНЧА»*** | эртак | қўғирчоқ фильм | 2 қисм 18 дақиқа | сценарий муаллифлари: Ю.Александров, Н.Смирнов, режиссёр: Н.Смирнов, рассом: В.Вахтин, бастакор: С.Аванесов | Кичик ёшдаги болалар учун ишланган бу фильм қари ит икки тўполончи – хўтикча ва қўзичоқни меҳнатга ўргатгани ҳақида ҳикоя қилади. |
| 135 | | ***«ИККИ ЖИН»*** | эртак | чизма фильм | 1 қисм 8 дақиқа | сценарий муаллифи: А.Файнберг, режиссёр: З.Ройзман, П.Амиров билан ҳамкорликда, бош рассом: М. Маҳмудов, бастакор: Т.Хорошева | Эртак-фильм, икки жиннинг «инсонлар яхшиликка яхшилик билан жавоб берадилармиі–йўқми?» дея баҳслашиб қолганлари ва албатта, яхшиликка яхшилик қайтиши муқаррар эканлиги ҳақида сўзланади. |
| 136 | | ***«МИКРОФОН»*** | эртак | қўғирчоқ фильм | 1 қисм 9 дақиқа | сценарий муаллифи: А.Файнберг, режиссёрлар: И.Кривошеева, П.Амиров билан ҳамкорликда, рассом: Н.Яхшиева | Икки кўппакнинг саргузаштлари кулгули тарзда ҳикоя қилинади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 137 | **1992** | ***«ГУГУРТ УШЛАГАН ҚИЗЧА»*** | эртак | перекладка | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи, режиссёр, оператор: В.Никитин, рассом: С.Рябых, бастакор: Д.Янов-Яновский | О.Уайльднинг шу номли эртаги асосида суратга олинган бўлиб, унда рождество кечаси гугурт излаб чиққан қизчанинг бошидан кечирган аянчли воқеалари кўрсатилган. |
| 138 | **1993** | ***«ПОДШОҲНИНГ АМРИ»*** | эртак | қўғирчоқ фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: А.Устименко, режиссёр: И.Кривошеева, рассом: С.Силка, бастакор: И.Берлина, оператор: М.Абзалова | Фильмда бир камбағал топқир одам қандай қилиб ўз подшоҳини ҳийла билан енгиб чиққиши тасвирланади. |
| 139 | **1994** | ***«СИМБАДНИНГ САРГУЗАШТЛАРИ»*** | эртак | перекладка | 5 қисм 1199,8 дақиқа | сценарий муаллифи: А.Устименко, режиссёр: М.Махмудов, рассомлар: М.Махмудов, Д.Власов, мультипликатор: С.Силка, бастакор: Э.Пак, оператор: М.Абзалова | Бу фильм машҳур денгизчи Симбаднинг бошидан кечирганлари тўғрисидаги афсонавий саргузаштларни ўз ичига олади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 140 | **1994** | ***«ҲАҚИҚИЙ САРГУЗАШТЛАР ОРОЛИ»*** | эртак | перекладка | 2 қисм 18 дақиқа | сценарий муаллифи: А.Файнберг, рассом: Н.Саидгазина, оператор: В.Никитин, композитор: С.Аванесов | Картинада қароқчи, савдогар ва шоир кимсасиз оролга келиб қоладилар. Улар ўзларининг ғаройиб саргузаштларини бир-бирларига сўзлаб берадилар. |
| 141 | **1995** | ***«ШАЙТОН ИЛА ЎҒРИ»*** | эртак | перекладка | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: М.Боймухамедов, режиссёр: Н.Смирнов, рассом: В.Вахтин, мультипликатор: С.Силка, бастакор: Ж.Вильданов, оператор: О.Барок | Мазкур фильм ёлғончи ўғрини жазоламоқчи бўлган шайтон тўрисида бўлиб, фильм ёрқин бўёқлар, кучли динамика ва воқеалар бурилиши билан бойитилган. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 142 | **1995** | ***«ОЛТИН КЕТМОН»*** | эртак | перекладка | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: Р.Ширин, режиссёр, оператор: В.Никитин, рассом: С. Рябых, мультипликатор: С.Силка | Бу фильм ўзбек халқ эртаги асосида яратилган бўлиб, унда ҳалоллик ва муттаҳамлик, эзгулик ва қабоҳат ҳақида ҳикоя қилинади. Экранда бой ва камбағал икки қўшнининг икки хил дунёси, бир-бирига муносабати кўрсатилади. Коинот уларнинг илтижосига кўра турли хил кетмонларни ҳадя этади. Ҳалол, камтарин ва содда камбағал инсон қўлига кетмонни олиб, дарров томорқасида ишлай бошлайди. Ҳалол меҳнати учун коинот унга яхши ҳосил ато этади ва у қарзларидан халос бўлади. Кетмонларни олтинини ҳам, кумушини ҳам, барчасини йиғиб олган баҳил бойнинг хасис ва очкўзлиги туфайли ўз жазосини олади. Фильмда ёмонликка ҳам яхшилик билан жавоб қайтариш лозим деган фикр таъкидланади. |
| 143 | **1996** | ***«БАҲРОМ ВА ДИЛОРОМ»*** | ҳикоя | перекладка | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифлари: М.Маҳмудов, А.Файнберг, режиссёр: М.Маҳмудов, рассомлар: М.Маҳмудов, Д.Власов, мультипликатор: С.Силка, оператор: М. Абзалова, бастакор: Р.Абдуллаев | Мазкур фильм Алишер Навоийнинг «Саъбаи сайёр» достони асосида суратга олинган. Баҳром ва Дилором ҳақидаги бу афсона достоннинг асосийси бўлиб, у еттти новеллани бир-бири билан узвий боғлаб туради. Фильмда Баҳром шоҳнинг ҳуснда тенги йўқ Дилором исмли гўзал қизи сувратига ошиқ бўлиб қолиши, сўнг васлига етиши, ҳижрон азобини чекиши экранда ўз ифодасини топган. Фильмнинг тасвирий воситалари Алишер Навоий яшаган давр графикаси миниатюра услубига мослаштирилган. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 144 | **1997** | ***«ҚОРА САРОЙ»*** | ҳикоя | перекладка | 2 қисм 18 дақиқа | сценарий муаллифи: М.Махмудов, А.Файнберг, режиссёр: В.Никитин, рассом: С.Силка, бастакор: Э.Пак, оператор: М.Абзалова | Ушбу фильм ҳам Алишер Навоийнинг «Саъбаи сайёр» достони асосида суратга олинган. Унда сахийликнинг ҳиммати, дўстликнинг олижаноблиги ҳақида ҳикоя қилинади. |
| 145 | | ***«ДАЛАДАГИ ЧЕЧАКЛАР»*** | ҳикоя | чизма фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: Н.Тўлахўжаев, режиссёр: Н.Тўлахўжаев, рассом: И.Ивлиев, оператор: О.Барок бастакор: Ф.Янов-Яновский | Бу картина «Инсон овози», «Самовий зина», «XX аср», «XXI аср» ва «Шундай бўлсин» деб номланган беш новелладан иборат бўлиб, унда инсоният келажаги ҳақида фикр юритилади. Фильмда осмон узра ёрқин қуёш порлаши, атрофнинг гуллар ва капалакларга тўлиши, болаларнинг шўх, қувноқ кулгиси аримаслиги ёрқин сюжетларда ифода этилади. |
| 146 | | ***«ЯНЧАР ҚУЁН»*** | эртак | перекладка | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: Р.Рамазонов, режиссёр: Д.Власов, рассом: Д.Власов, мультипликатор: С.Силка, оператор: М.Абзалова, бастакор: Э.Пак | Фильм мактабгача ёшдаги болалар учун мўлжалланиб, қувноқ жажжи қуёнча баджаҳл аммо лақма бўридан осонгина қутулиб қолиши юморга бой талқин этилади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 147 | **1998** | ***«ҚОЗИҚ»*** | эртак | перекладка | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: Р.Рамазонов, режиссёр: М.Маҳмудов, рассомлар: П.Воловик, Д.Власов, оператор: М.Абзалова, композитор: И.Икрамов, бастакор: М.Маҳмудов | Мазкур фильм бир-бирини алдашга уринадиган қўшнилар ҳақида бўлиб, бой қўшни Турсунбой қамбағал Саиднинг биргина эшагини ўғирлаб кетиши билан бошланади. Кунларнинг бирида Саид ўз томорқасини чопаётиб, бир хумча тилла топиб олади. Уддабурон Саид ўз эшагини бойга бир шарт билан ўзи яшаб турган уйига алмаштиради, яъни уй деворига қоқилган қозиқ Саиднинг ўзига қолиши керак бўлади. Бир хумча тиллага эса қўшниси Турсунбойнинг данғиллама уйини сотиб олади. Саид қозиқдан кечаю кундуз унумли фойдаланади. Бундан безиб кетган Турсунбой охири қозиқни сотиб олишга мажбур бўлади. Шундай қилиб, қозиқ бир хумча тиллага сотилади. Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган олди сотди қоғозига муҳр босилади. |
| 148 | | ***«БЎРСИҚОЙ»*** | эртак | перекладка | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи ва бош режиссёр: Н.Смирнов, рассом: Н.Саидгазина, бастакор: Ф.Янов-Яновский, оператор: О.Барок | Япон эртаклари асосида суратга олинган бу лирик фильм инсоннинг табиатга муносабати ва атроф-муҳитни ҳимоя қилишга бағишланган. Фильм қаҳрамони жажжи бўрсиқча қийин аҳволга тушиб қолганларга ёрдам кўрсатиши шеърий тарзда ёритиб берилади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 149 | **1998** | ***«ЯНГИ ШОХЧА ВА БАҲОР ЁМҒИРИ ҲАҚИДА»*** | эртак | перекладка | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: Ж.Исҳоқов, режиссёр ва рассом: С.Силка, оператор: О.Барок, бастакор: Э.Пак | Картина кўзичоқ ва бўталоқнинг атроф оламни англаб олиш орқали балоғатга етиши ва табиатнинг ўзлари билан бевосита боғлиқлигини ўзи учун кашф этишларига бағишланади. |
| 150 | | ***«МОЦАРТ»*** *«Ирисфильм» билан ҳамкорликда* | ҳикоя | чизма компьютер | 1 қисм 9 дақиқа | сценарий муаллифи: Р.Рамазонов, режиссёр: Д.Власов, рассом: П.Воловик, бастакор: Д.Изамов, оператор: П.Воловик | Бу фильм икки новелладан иборат бўлиб, уларда инсоннинг оламга ва атрофдаги одамларга оғир муносабати ҳақида фалсафий фикр юритади. Компьютер ёрдамида яратилган бу фильмда ижод этиш учун шарт-шароит яратилиш лозим деган фалсафий фикр олға сурилади. Ҳеч қандай диалогларсиз, фақат хатти-ҳаракатлар орқали рубобда куй яратмоқчи бўлган ижодкор ҳақида ҳикоя қилинади. Қўлига рубобни олиб, энди куй чала бошлаган ва олам гулларга тўлган бир вақтда кимдир гилам қоқиб, ёки кимдир пода ҳайдаб ўтиб, куй авжига чиққанида тўхтаб қолади. Ҳатто рубоб ҳам синади. Ҳеч қаерда ижод учун жой топа олмагач, нарвон қўйиб, ой устига чиқади. Ўрнашиб, қўйнидан най олганча бўлинган куйни давом эттириб, уни охиригача чалади. Бу фильмда инсониятнинг ҳар доимгидек ҳаётда ўз ўрнини топиши кераклиги мулоҳаза қилинади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 151 | **1998** | ***«ЯНГИ, КЎҲНА ЭРТАК»*** *(Севги қаноти)* | эртак | чизма фильм | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: Ю.Энтин, режиссёр: С.Муратходжаева, рассом: С.Алибеков оператор: О.Барок, бастакор: А.Икрамов | Куёвнинг ўғирланиши ҳақидаги бу фильмда, куёв бошқа аёлнинг даъвосига қарамай севгилисига содиқ қолиши ёритилади. |
| 152 | **1999** | ***«БУЛБУЛ»*** Москвада бўлиб ўтган болалар анимация киноси Халқаро фестивалида биринчи мукофот-«Золотая рыбка» (Олтин балиқча) билан тақдирланган | эртак | перекладка | 2 қисм 18 дақиқа | сценарий муаллифи ва режиссёр: М.Маҳмудов, рассом: М.Қорабоев, бастакор: Мирҳалил Маҳмудов, оператор: М.Абзалова | Даниялик ёзувчи Г.Х.Андерсеннинг шу номли эртаги асосида суратга олинган бу фильмда жонли ва жонсиз олтин булбулнинг фарқи, шоҳга шу икки булбулнинг ҳониши қандай таъсир этиши тўғрисида ҳикоя қилинади. Картинада бойлик билан эзгулик орасидаги тафовут очиб берилади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 153 | **1999** | ***«АЛПОМИШ»*** 1 ва 2-қисм | афсона | перекладка | 2 қисм 19 дақиқа | сценарий муаллифи: Н.Тўлахўжаев, режиссёр: Н.Тўлахўжаев, рассом: Б.Исмоилов, бастакор: Ф.Янов-Яновский, оператор: М.Абзалова | «Алпомиш» достони асосида мазкур фильмда хон Бойбўри ва унинг укаси Бойсари хонадонларида икки фарзанд, ўғил – Алпомиш ва қиз – Ойбарчин дунёга келганлари ҳамда уларнинг улғайиб, вояга етиш даврида бир-бирига бўлган соф муҳаббати ва душман билан курашувида чеккан азоблари тўғрисида ҳикоя қилинади. |
| 154 | (1999) | ***«ЖАЛОЛИДДИН ҲАҚИДА ДОСТОН»*** | тарихий | чизма компьютер | 2 қисм 18 дақиқа | сценарий муаллифи: М.Тўйчиев, режиссёр ва рассом: М.Маҳмудов, бастакор: Мирхалил Махмудов | Фильмда Хоразм элининг бошига тушган ҳалокат ҳамда паҳлавон, саркарда Жалолиддин Мангубердининг душманга қарши кўрсатган жасорати ҳикоя қилинади. |
| 155 | **2000** | ***«АЛПОМИШ»*** 3 қисм | афсона | перекладка | 3-қисми 12 дақиқа | сценарий муаллифи: Н.Тўлахўжаев. режиссёр: Н.Тўлахўжаев, рассом: Б.Исмоилов, бастакор: Ф.Янов-Яновский, оператор: О.Барок | Асарнинг бу қисмида Алпомиш Сурҳайл кампир ўғиллари – Девлар билан олишуви ва уларни енгиши тўғрисида ҳикоя қилинади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 156 | **2000** | ***«ТЎТИ»*** | ҳикоя | перекладка | 1қисм 6,5 дақиқа | сц. муаллифи: А.Файнберг, бош режиссёр: С.Муродхўжаева, бош рассом: Е.Диева, бастакор: Э.Пак, оператор: О.Барок | Фильм тарбиявий воқеани ҳикоя қилиб, унда қария, бесўнақай тўти бировларнинг устидан кулгани сабабли ўзи ҳам изза бўлиши талқин этилади. |
| 157 | **2001** | ***«АЛПОМИШ»*** 4 ва 5-қисм | афсона | перекладка | 4қ. 264,2м. 5қ. 263,5 . | сценарий муаллифи: Н.Тўлахўжаев, режиссёр: Н.Тўлахўжаев, рассом: Б.Исмоилов, бастакор: Ф.Янов-Яновский, оператор: О.Барок | Картинанинг навбатдаги қисмларида Алпомиш Чилбирчўлда кўрсатган қаҳрамонликлари, Сурҳайл мастоннинг ҳийлалари туфайли зиндонга тушиши ёрқин тасвирий образларда талқин этилади. |
| 158 | | ***«БАХТ ЎЗИ НИМА?»*** | эртак | перекладка | 1 қисм 9 дақиқа | сценарий муаллифлари: М.Маҳмудов, Ш.Хакимова, режиссёр ва бош рассом: М.Маҳмудов, аниматор рассом: А.Сафин, бастакор: М.Махмудов оператор: М.Абзалова | Фильм кичик ёшдаги болалар учун мўлжалланиб, унда Қўзичоқ билан Типратиканнинг бахт излаганликлари ҳақида ҳикоя қилинади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 159 | **2002** | ***«ТЎМАРИС»*** | тарихий | перекладка | 1 қисм 11 дақиқа | сценарий муаллифи ва бош режиссёр: С.Муродхўжаева, бош рассом: А.Сафин, бастакор: Ж.Изомов, оператор: М.Абзалова | Бу фильм тарихий воқеаларни ўз ичига олади. Унда юрт онаси, мағрур массагет аёли Тўмарис ўз халқи ва юртини тобеликдан асраб қолганлиги ҳақида ҳикоя қилинади. |
| 160 | | ***«АЛПОМИШ»*** 6-қисм | афсона | перекладка | 6 қисм 13 дақиқа | сценарий муаллифи ва бош режиссёр: Н.Тўлахўжаев, бош рассом: Б.Исмоилов, бастакор: Ф.Янов-Яновский, оператор: О.Барок | Асарнинг сўнгги қисмида Алпомиш Тойчахонни енгиб келиб, ўз юртидаги ноҳушликларни бартараф этиши ҳамда севгилиси Ойбарчин ва ўғли Ёдгорбек билан мурод мақсадига етишига бағишланади. |
| 161 | | ***«РЕТРО»*** | ҳикоя | перекладка | 1қисм 12 дақиқа | сценарий муаллифи: А.Файнберг, бош режиссёр ва бош рассом: М. Маҳмудов, бастакор: Ф.Янов-Яновский, оператор: М.Абзалова | Бу фильм, инсон қарилик бўсағасида туриб, ўзи босиб ўтган умр йўлига назар ташлаши, яна ўша дамларни қўмсаши ва ўтган вақтни ҳеч қачон орқага қайтара олмаслиги, унга фақатгина хотиралар ва хаёлот ёрдамида қайтиш мумкинлиги ҳақида ҳикоя қилади. Фильм чуқур фалсафий маънога эга. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 162 | **2002** | ***«КУЛОЛ»*** *2003 йилда Хиросима шаҳрида бўлиб ўтган кинофестивалнинг махсус дипломи, 2004 йилда Киевда бўлиб ўтган «Крок» фестивалининг «Анимация санъати анъаналарига содиқлиги учун» мукофоти, 2005 йилда Теҳронда бўлиб ўтган ХКФнинг «Энг яхши фалсафий фильм» олтин мукофоти, 2006 йилда Ўзбекистонда «Энг яхши сценарий» махсус дипломига сазовор бўлган* | ҳикоя | чизма компьютер | 1қисм 8 дақиқа | сценарий муаллифи: С. Муротхўжаева, режиссёр ва рассом: Д.Власов, бастакор: Ж.Изомов, оператор: Ф.Сафин | Фильм, оддий лойдан ажойиб санъат асари бунёд этишга қодир истеъдод эгаси, ёш кулол ва ана шу истеъдоднинг кушандалари келтирган бахтсизликлар тўғрисида ҳикоя қилади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 163 | **2002** | ***«БУМЕРАНГ»*** | ҳикоя | перекладка | 1қисм 11 дақиқа | сценарий муаллифи: А.Кружилин, бош режиссёр: Э.Хачатуров, бош рассом: С.Чуфарнов, бастакор: Ф.Янов-Яновский, оператор: М.Абзалова | Бу фильмда инсон ўз эҳтиёжи учун бунёд этган оддийгина қурол, тобора такомиллашиб, ўз бунёдкорининг кушандасига айланиши тўғрисида ҳикоя қилади. Қуролланишни қораловчи бу фильм қирғин урушлари оқибатларидан огоҳ этади. |
| 164 | | ***«ҚИЁФА»*** | ҳикоя | чизма компьютер | 1қисм 5 дақиқа | сценарий муаллифи: З.Мусоқов, бош режиссёр: Н.Тўлахўжаев, бош рассом-аниматор: С.Муллануров, рассом: М.Кудрина, бастакор: Ф.Янов-Яновский, оператор: О.Барок | Мазкур фильмда асар қаҳрамони кўзгуда ўзини турли хил инсонларнинг қиёфасида тасаввур этади. Буни кўрган телефон дастаги уни соч-соқолларини олиб ўз қиёфасида қолишга мажбур этади. Гўёки бир инсон унга шундай кўринишни талаб қилгани телефон дастагининг характери орқали ёритилади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 165 | 2003 | ***«ТАРВУЗ»*** | эртак | перекладка | 1 қисм 12 дақиқа | сценарий муаллифи: Н.Тўлахўжаев бош реж: Э.Хачатуров, бош рассом: Т.Фадеева, бастакор: А.Эргашев, оператор: О.Барок | Асарда биргина тарвуз емоқчи бўлган подшоҳ орқали сарой аҳлининг нопок қилмишлари кулгули тарзда ҳикоя қилинади. |
| 166 | | ***«ЭШИК»*** | ҳикоя | перекладка | 1 қисм 11 дақиқа | сценарий муаллифи: А.Устименко, бош режиссёр ва бош рассом: С.Чуфарнов, бастакор: Д.Янов-Яновский, оператор: М.Абзалова | Бу фильм уч кичик сюжетни ўз ичига олади. Унда инсон ўзи ўйлаб, кашф этган дунёсида яшаб, ундаги барча нарсани ўзига бўйсундиришга уриниши, улар устидан ҳукмронлик қилишни исташи, аммо унинг истаги доим ҳам рўёбга чиқмаслиги ҳақида ҳикоя қилинади. Ҳаёт – бу ўйин, унда эса кимдир ғалаба қозонади, кимдир мағлуб бўлиши кўрсатилади. |
| 167 | | ***«КАРВОН»*** | эртак | чизма компьютер | 1 қисм 12 дақиқа | сценарий муаллифи: А.Устименко, бош режиссёр ва бош рассом: М.Маҳмудов, бастакор: А.Эргашев, оператор: П.Саламатин | Ўзбек ҳалқ эртаклари жамланган бу фалсафий сюжетда карвон кетаверади, дунё эса сароб каби ўзгараверади. Шаҳарлар қумдан қурилгандек пайдо бўлади ва ғойиб бўлади. Олма дарахти меваларини кўз-кўз қилиб йўловчини йўлдан чалғитишга уринади. Ўз уйидаги олмага бўйи етмаган инсон эса, ўзга юртлардан нималарнидир олиб келишни ўйлайди. Карвон эса йўлида давом этаверади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 168 | **2003** | ***«ЭХОГРАММА»*** *2003 йилда Киев шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро кинофестивалда диплом ва махсус соврин билан тақдирланган* | ҳикоя | пластилин | 2 қисм 22 дақиқа | сценарий муаллифи, бош режиссёр, бош рассом ва аниматор: С.Алибеков, бастакор: Д.Янов-Яновский, оператор: О.Барок | Фильм мусаввирнинг ижодий изланишлари ҳақида бўлиб, унинг ҳақиқат билан ижод кучини ўзгартириб юборувчи зиддиятлар билан юзма-юз келиши ифода этилади. |
| 169 | **2004** | ***«ЧИРОҚ КЎТАРГАН МУШУК»*** | эртак | чизма компьютер | 2 қисм 26 дақиқа | сценарий муаллифи: Л.Дабижа, режиссёр ва рассом: М.Маҳмудов, бастакор: А.Эргашев, оператор: Р.Муҳамедова | Ўзбек халқ эртаклари асосида яратилган мазкур фильм барча ёшдаги томошабинлар учун мўлжалланган. Унда саҳронинг ўртасида жойлашган карвон сарой соҳибаси – шум кампирнинг, бошида чироқ тутиб ўтиришга ўргатилган сеҳрли мушуги ҳақида ҳикоя қилинади. Шум кампир саҳродан ўтиб кетаётган барча карвонларни ғирромлик билан ютиб олиб, савдогарларни ўзига қул қилиб олади. Бу воқеадан хабар топган Зумрад ҳийла ишлатиб кампирни доғда қолдиради ва суюкли эрини унинг қўлидан озод этади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 170 | **2004** | ***«ЖАЖЖИ ПАРИ»*** | эртак | перекладка | 1 қисм 13 дақиқа | сценарий муаллифлари: Ю.Розиқов, Г.Матевосян, бош режиссёр, аниматор ва бош рассом: Г.Матевосян, бастакор: Ж.Изомов, оператор: О.Барок | Мазкур фильмда жуда кичик Пари қиз, шу юрт шаҳзодасининг севгиси туфайли улғайиб, ҳамма инсонлар каби кўринишга эга бўлиб қолади. Шаҳзода эса тожу-тахтдан маҳрум бўлишдан қўрқиб, Пари қизга берган ваъдасини унутади. Шаҳзоданинг севгиси юзаки бўлгани туфайли, Пари қиз яна кичрайиб аввалги ҳолига қайтади ва кўздан ғойиб бўлади. Нимани йўқотганини тушуниб етган Шаҳзода эса умрининг охиригача Пари қизни излаб ўтади. Фильм ўсмирлар ва катталар учун тарбиявий аҳамият касб этади. |
| 171 | **2005** | ***«МУШУК ВА ЖИН»*** | эртак | пластилин | 1 қисм 12 дақиқа | сценарий муаллифи, бош режиссёр, аниматор ва бош рассом: С.Чуфарнов, бастакор: Э.Пак, оператор: М.Абзалова | Эски чироқ ичидан чиққан жин, ҳовлидаги итнинг зуғумларидан чарчаган мушукни алдаб кетмоқчи бўлади. Мушук эса жиннинг ўзини алдаб кетишга уринади. |
| 172 | | ***«ЗАРДЎШТИЙ»*** 1 қисм | тарихий | чизма компьютер | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи, бош режиссёр: С.Муродхўжаева, бош рассом ва аниматор: А.Муҳамедов, бастакор: Ж.Изомов | Бу фильмда Зардўштнинг туғилиши ва илм олиши, илм истаб ўз юрти Хоразмдан чиқиб кетиши ҳақида сўз боради. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 173 | **2005** | ***«ЯНА БИР ЭРТАК»*** | эртак | перекладка | 1қисм 12 дақиқа | сценарий муаллифи, бош режиссёр, бош рассом ва аниматор: Г.Матевосян, бастакор: Ж.Изомов, оператор: О.Барок | Кичик ёшдаги болаларга мўлжалланиб, ҳар бир инсон кўзлаган мақсадига шубҳасиз етиши учун зукколик, ҳисоб-китоб ва ақл билан иш кўриш зарурлигини англатади. |
| 174 | | ***«ТАҚА»*** | ҳикоя | чизма компьютер | 1 қисм 12 дақиқа | ғоя муаллифи: Д.Власов, сц.муаллифлари: Р.Рамазонов, М.Маҳмудов, бош режиссёр, аниматор ва бош рассом: А.Муҳамедов, бастакор: М.Маҳмудов | Қизиқарли персонажнинг қувноқ қўшиғи орқали ҳар қандай муаммоларнинг ҳаққоний дўст билан бирга бўлган дамларида инсон учун енгил ҳал бўлиши ҳикоя қилинади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 175 | **2005** | ***«БОР БАРАКА»*** *2006 йилда Белоруссиянинг Могилёв шаҳрида бўлиб ўтган «Анимаёвка» Халқаро кинофестивали махсус соврини, Смоленск шаҳрида 3-Халқаро Евроосиё фестивалининг дипломи, Минскдаги болалар ва ёшлар Халқаро кино фестивалида «Миллий анъаналарга содиқлиги учун», «Энг улуғ, энг азиз - 2006» республика кўрик танлови совринига сазовор бўлган* | ҳикоя | чизма компьютер | 1 қисм 12 дақиқа | сценарий муаллифи: М. Маҳмудов, режиссёр: Д.Власов, рассом: Д. Власов, бастакор: Э.Пак, оператор: Р.Муҳамедова | Мазкур фильмда ҳазил-мутойиба орқали савдо-сотиқ қилган қария ҳамда доимо эрининг ҳар қандай ишини мақтаб, шарқ аёлларига хос донолик билан иш кўрувчи кампир ҳақида сўзланади. Қария ўзининг бетартиб савдоси билан томошабинни ҳайратда қолдиради, унинг барча ишларини кузатиб турган кампир эса, ширин сўз билан ёмонни яхши қилиш мумкинлигини исботлайди. Фильм тарбиявий аҳамиятга эга. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 176 | **2006** | ***«ЯНА БАҲОР»*** | ҳикоя | чизма компьютер | 1 қисм 8 дақиқа | сценарий муаллифи: И.Марголина, режиссёр ва рассом: М.Маҳмудов, бастакор: Э.Пак | Инсон умри ўқилмаган китоб каби янги варақларни очаверади. Ўйинқароқлик билан болалик ва ёшлик ўтганини сезмай қолган инсон, дунёнинг кенглиги, узоқ йўлларнинг машаққати, ҳаёт довуллари ва тинчлигини ҳис этади. Умрида ўз жуфтини топиш, янги бир инсонни вояга етказиш эса ҳаёт риштасининг давомийлигини англатади. Ҳар йил баҳор қайтадан келгани каби, янги инсонларнинг туғилиши ҳам дунёда ҳаётнинг давом этишидан далолат беради. |
| 177 | | ***«ҚУШ»*** 2007 йилда Белоруссиянинг Могилёв шаҳрида бўлиб ўтган «Анимаёвка» Халқаро кинофестивалида дипломга сазовор бўлган | ҳикоя | перекладка | 2 қисм 16,17 дақиқа | сценарий муаллифлари: А.Файнберг, Н.Тўлахўжаев, режиссёр: Н.Тўлахўжаев, рассом: Б.Исмоилов, аниматор: Д.Власов, бастакор: Ф.Янов-Яновский, оператор: О.Барок | Бу фильмда иқтидорли бола кулолга шогирд қилиб берилади. Кулол тўрт нафар шогирдига маълум дастур асосида касб ўргата бошлайди. Уч шогирд устоз ўгитларини бажарадилар, фақат бир қаҳрамонгина ўз қалбига қулоқ солганча, қуш ясай бошлайди. Бир неча бор устоздан дашном эшитса ҳам, ўз билганида давом этаверади. Устоз кулол эса болани ҳар гал жазолайди. Бир куни у боланинг онасига арз қилади. Она боласининг ясаган қуш-варракларини ёқиб юборади. Ҳаммадан хафа бўлган бола ўзининг қушлари билан узоқларга учиб кетади. Мазкур фильм орқали иқтидорли болаларни эркин ва тўғри тарбиялаш кераклигига ишора қилинади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 178 | **2006** | ***«ЗАРДЎШТИЙ ЮЛДУЗИ» 2*** 2 қисм | тарихий | чизма компьютер | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи, бош режиссёр: С.Муродхўжаева, бош рассом ва аниматор: А.Муҳамедов, бастакор: Ж.Изомов, оператор: И.Ивлиев | Бу фильмда Зардўшт, тангри Ахура-Мазда билан мулоқотда бўлиши, ўз саволларига жавоб олиши ҳамда оташ тоғидан ўтиб, синовдан ўтиши, пайғамбарларга хос мўъжизалар кўрсатиб, инсонлар ишончини қозониши, одамларга янги дин ҳақидаги илмни ёйиши тўғрисида ҳикоя қилинади. Виштасп подшоҳининг оти касалланиб, ётиб қолиши, Зардўштнинг эзгулик ҳақидаги ташвишлари, ҳақиқатда ҳам пайғамбарларга хос синовлардан ўтганлигини тасдиқловчи ҳодисалар билан кўрсатилади. Фильм якунида унинг эзгулик ҳақидаги ўгитларни гаталар орқали авлодларга қолдириши талқин этилади. |
| 179 | | ***«ДУГОНАЛАР»*** | эртак | чизма компьютер | 1 қисм 11,2 дақиқа | сценарий муаллифи: Н.Тўлахўжаев, бош режиссёр ва бош рассом: Г.Матевосян, бастакор: Э.Пак | Ўзбек халқ эртаклари асосидаги бу фильмда лақма турна тулки билан дўст тутинади. Тулки дўстига хиёнат қилади. Бундан хабардор бўлган бедана тулкини алдаб тузоққа туширади-да, Турнанинг полапонларини асраб қолади. Мазкур фильмда рост сўзлаш ва ёлғон сўзнинг оқибатлари ҳақида сўзланади. Фильм болажонларимизни ҳар қандай шерик билан дўст тутиниб, ёлғон сўзга алданиб қолмасликдан хушёр бўлишга ўргатади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 180 | **2006** | ***«УР ТЎҚМОҚ»*** *2007 йил Минск болалар ва ёшлар Халқаро кино фестивалида «Оригинал тасвирий ечим» дипломи билан тақдирланган* | эртак | пластилин | 1 қисм 9,46 дақиқа | сценарий муаллифи: Н.Тўлахўжаев, бош режиссёр ва бош рассом: С.Чуфарнов, бастакор: Ж.Изомов, оператор: М.Абзалова | Ўзбек халқ эртаклари асосида яратилган бу фильмда қанотидан яраланган Лайлакни қутқариб, даволаган чолга Лайлаклар подшоси, аввал «Қайнар, ҳумча!», кейин «Очил, дастурхон!» ва охирида «Ур, тўқмоқ» совға қилиши ва очкўз бойнинг жазоланиши ҳақида ҳикоя қилинади. |
| 181 | | ***«БОТИРНИНГ БАХТИ»*** | эртак | чизма компьютер | 1 қисм 13 дақиқа | сценарий муаллифлари: И.Ивлиев, С.Муратхўжаева, Б.Салахутдинов, режиссёр: С.Муратхўжаева, пост. рассом: И.Ивлиев, бош аниматор: оператор: В.Юсупов, бастакор: И.Пинхасов | Фильмда ўзбек мард, жасур ўғлон қиёфаси акс этиб, унинг эл-юртга ҳурмат ва ватанга садоқати таърифланади. Бу қаҳрамон ўз бахтини топиш йўлида узоқ сафарга отланиб, барча қийинчиликларни енгиб ўтишга тайёр эканлиги кўринади. Фильм қаҳрамони ёвуз аждарҳо билан курашиб, чўлу биёбонга айланиб қолган қишлоқни обод этади ва барча инсонларни ёвуз аждарҳонинг чангалидан озод этиши кўрсатилади. Фильмда ёвузлик устидан эзгулик ғалаба қозониши ва қаҳрамон ўз мақсадига эришиши тасвирланади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 182 | 2006 | ***«ДАНГАСА»*** | эртак | чизма компьютер | 1 қисм 11 дақиқа | сценарий муаллифи: М.Низанов, режиссёр: Э.Хачатуров, пост. рассом: Ж.Турдихўжаев, бастакор: Э.Пак, рассом: Ж.Акромов, техник-аниматор: Ж.Турдихўжаев | Картинанинг асосий ғояси дангаса ва ўйинқароқ болани катталарга ёрдам беришга, ёшликдан бошлаб меҳнатга ва ҳалол пул топишга ўргатишдир. Воқеалар сўнгида фарзанд ҳақиқатдан ҳам ота-онаси уни тўғри йўл билан тарбиялаганини ва меҳнатни қадрлаб, унинг роҳатини кўришни тушуниб етади. |
| 183 | | ***«ТАНДИР НОН»*** | эртак | 3 Д технологияси | 1 қисм 15 дақиқа | сценарий муаллифи ва режиссёр: Е.Палехова, продюсер ва асар директори: А.Кидисюк, моделчи ва текстурачи: К.Хрушева, аниматор ва визуализатор: Д.Гималов | Фильмда ака-ука Ҳасан ва Ҳусаннинг ўзаро ахлоқсизлиги тасвирланади. Воқеалар ривожида уларнинг рухсатсиз ризқ-рўзимиз бўлмиш нонни ўғирлаши ва бунда бир-бирини айбдор санаши ифодаланади. Бу воқеага қарға келиб қўшилади ва ўғрини қароқчи урди деганларидек, у ҳам шу ниятни кўзлайди. Асар персонажлари бирин кетин нонни ўғирлашда давом этади. Воқеа якунида ота айиқнинг насиҳати билан тандир нон ҳаммага тенг бўлинади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 184 | **2006** | ***«ЭРТАКЛАР ЯХШИЛИККА ЕТАКЛАР»*** *(микросюжет)* | эртак | чизма компьютер | 3 қисм 16 дақиқа | сценарий муаллифи: Н.Тўлахўжаев, бош режиссёр: Д.Легошин, пост. рассом:А.Гвардин, бастакор: В.Барамиков, мультипликаторлар: А.Гвардин, Л.Неруш, Т.Астахова, Ф.Мутигулина, А.Турсунов, О.Середович, компьютер графикаси ва аниматорлар: В.Легошин, М.Маматов, Д.Расулев. | Мазкур фильм воқеа ва персонажларнинг ҳаракатларидан келиб чиққан ҳолда уч мавзуга бўлинади. «Хўтикча ҳақида»ги мавзуда ҳаётда мавжуд барча нарсаларнинг тескарисини ўйлаш ҳақида фикр юритилади. Бу эса хўтикнинг бефаҳм, калта ўйлаши ва ақлсизлигини англатади. Иккинчи қисми «Аҳмоқ бўри ҳақида» бўлиб, унда бўрининг бефаросат, аҳмоқлиги тасвирланади. Аҳмоқ бош оёққа дам бермас деганларидек, унинг самарасиз ҳаракатлари ҳеч қандай ижобий натижа бермаслиги кўрсатилади. Кейинги қисмида «Яхшиликка ёмонлик ҳақида» бўлиб, бўрини қутқарган хўтикча яхшилиги эвазига унинг емишига айланиши мумкинлигига амин бўлади. Хўтикча бўрини чалғитиш ниятида яхшиликнинг жавоби қандай қайтарилиши тўғрисида ҳаммадан жавоб излашга уринишади. Фильм сўнггида сезгир ва ақлли сичқон бўрини ўз найрангига ишонтиради ва табсасига таянади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 185 | **2007** | ***«САХИЙ ШАҲЗОДА»*** | эртак | чизма компьютер | 2 қисм<br>18 дақиқа | сценарий муаллифи: М.Низонов, бош режисс. ва бош рассом: Д.Власов, бастакор: Ж.Изомов | Картина қорақалпоқ халқ эртаклари асосида яратилиб, ўз емиши яъни, нонини сўнгги ушоғигача оч қолган балиқларга улашган Шаҳзодага бағишланади. У сахийлиги билан ёвуз маҳлуқни енгиши ва ўз бахтини топиши ҳикоя қилинади. |
| 186 | | ***«СУСАМБИЛ»***<br>*Москва Халқаро кинофестивалида «энг яхши мусиқали фильм» номинацияси билан тақдирланган* | эртак | перекладка | 2 қисм<br>15,5 дақиқа | сценарий муаллифи:<br>Ж.Исҳоқов,<br>пост.режиссёр,<br>рассом, аниматор:<br>М.Маҳмудов,<br>рассом: М.Қорабоев,<br>оператор: О.Барок<br>бастакор: Э.Пак<br>қўшиқ ва диалоглар муаллифи:<br>К.Турдиева | Ўзбек халқ эртаклари асосида яратилган мазкур асар қаҳрамонлари ҳайвонларга бағишланиб, унда хўроз, ҳўкиз, эшак, асалари ва юмронқозиқ ям-яшил ўтлоқлар, гулзору шарқираган анҳорлар бор юрт ҳақида эшитиб қолиб, шу юрт ҳақида орзу қилишлари ва ўз орзуларига етиш мақсадида узоқ ва машаққатли йўл юриши ҳикоя қилинади. Аммо шундай юртда ҳам ҳайвонлар ўз кушандаларига дуч келадилар. Куч бирликда деган нақлга амал қилган ҳолда қаҳрамонлар душманларни енгиб, тотув яшаб, мурод мақсадларига етадилар. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 187 | **2007** | ***«ҚИРҚ ЁЛҒОН»*** | эртак | пластилин | 1қисм 9,52 дақиқа | сценарий муаллифи, пост.режиссёр ва пост.рассом, аниматор: С.Чуфарнов, оператор: М.Абзалова, бастакор: Ж.Изомов | Ўзбек халқ эртаклари асосида яратилган ушбу асарда жуда қувноқ ва ақлли фикрларга қурилган воқеа ётади. Унда эрка ва инжиқ малика, совчи қўйган шаҳзодаларга девнинг сеҳргарлик санъатини ўрганиб келиш шарти қўйилади. Хасис бой ўз хизматкори билан «ярим подшолик менга, малика сенга» деган битим тузиб, уни девнинг ҳузурига олиб боради. Дев эса бой билан «ўлса меники-тирик қолса сеники» дея шартлашади. Йигит девнинг касбини мукаммал ўзлаштиради ва бу орада девнинг қизини севиб қолади. Йигит лочинга айланиб, подшонинг ҳузурига қайтиб келади, подшо унга, «қирқ лоф тўқишини ва бу лофга ишонмаса маликани беришини айтади. Йигит лоф тўқийди ва подшо беихтиёр «бўлмаган гап» деб юборади. Шарт бўйича йигит маликага уйланиши ва ярим подшоликка эга бўлиши керак бўлади. Лекин йигит маликадан воз кечиб, яна лочинга айланади-да, девнинг қизи билан қолиб, узоқларга учиб кетишади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 188 | **2007** | ***«ИККИ ҚЎШНИ ВА ҚОВУН»*** *1. Олмаота шаҳрида бўлиб ўтган «Шакен юлдузлари» Халқаро кинофестивалида «Энг яхши анимация фильми» сифатида, 2. «Энг улуғ, энг азиз 2009» республика танловида соврин билан тақдирланган* | эртак | чизма компьютер | 1қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: Д. Власов, режиссёр ва рассом: А.Мухамедов, бастакор: А.Халмурзаев | Фильм икки қўшнининг ким ўзарга бойлик орттириши ҳақида сўзланиб, унда бу даврнинг долзарб муаммоси кўрсатилади. Асарда бойлик кўзини кўр қилиб, унга ўта муккасидан кетиб, нафсининг тўймагани каби ғараз ниятдаги икки қўшни акс этади. Уларни бундай баднафсликдан бир қария йўловчи халос этишга уринади. Шундан сўнг, қишлоқ аҳли бу иллатдан қутулади. Мультфильм «чодир жамол»да намойиш этилган қўғирчоқ театри кўринишида бошланади ва шундай якунланади. Икки масхарабоз икки қўшни ҳақидаги кулгули воқеа қизиқарли тарзда намойиш этилади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 189 | **2007** | ***«ИРКИТВОЙ ВА КИРКЕТЖОН»*** | эртак | чизма компьютер | 1қисм 10 дақиқа 8 сония | сценарий муаллифи: К.Турдиева, пост.режиссёр ва пост.рассом: Г.Матевосян, бастакор: Э.Пак | Иркит болага бағишланган бу шеърий эртак, болаларни озодаликка чорловчи асар бўлиб, тарбиявий аҳамият касб этади. Унда Иркитвой (ифлос, бетартиб) бола пашша билан дўст тутинади. Пашша уни ўзи каби кичкина қилиб, унга иккита қанот тақдим этади ва биргаликда учиб ошхонага боради. Ошхонада овқат тайёрлаётган Иркитвойнинг онаси уларни қувиб чиқариб юборади, улар қўшни хонадонларга ўтишади, у ердаги дастурхонлардан ҳам қувилганларидан кейин пашша ахлатхонага боришни таклиф этади. Бу таклифдан қўрқиб кетган Иркитвой ўз уйи томон учиб кетади ва ўз хонасига кириб олиб ёрдам сўрай бошлайди. Киркетжон унга ёрдамга келади, хонани йиғиштириб, ислардан ва ахлатдан тозалайди, Иркитвойни ювинтириб, тозалаганидан кейин сеҳр кучсизланиб Иркитвой яна одам ҳолига қайтади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 190 | **2007** | ***«АРК»*** | ҳикоя | чизма компьютер | 1 қисм<br>12,5 дақиқа | сценарий муаллифи, пост.режиссёр: Н.Тўлахўжаев,<br>пост.рассом: Т.Фадеева<br>бастакор:<br>Ф.Янов-Яновский | Бир юртнинг маликаси қариликни ва қари одамларни ёмон кўради. У шундай худбин бўладики, халқига «Худога эмас, ўзига сажда қилишга» фармон беради. Сўнг, масжидни буздириб, унинг ўрнига арк қурдиришга аҳд қилади. Меъмор ва ишчиларни ёллаб уларга керагича олтин ва керакли ашёларни беради. Маълум вақтда арк қурилиб бита бошлайди. Юрт маликасига ошиқ бўлган меъмор аркни жуда гўзал нақшлар билан безайди. Аркнинг охириги нақшларига келганда у ишни тўхтатиб қўяди. Малика меъморни ҳузурига чақиртиради ва иш тўхтатилишининг сабабини суриштиради. Меъмор маликага ошиқ эканини ва бир ўпич берсагина ишни охирига етказишини айтади. Малика ўзининг нуфузи-ю, меъморнинг ночорлигини рўкач қилади. Меъмор эса «гап кимни севишда эмас, муҳими сева олишда» дейди. Ноилож қолган Малика меъморнинг шартига кўнади. Маликанинг юзида меъмор ўпичидан қолган из худди чўғдай қизариб қолади. Малика Меъморни Арк пештоқига тириклай кўмиб юборишни буюради. Бу чўғ худбин Маликанинг юрагида ҳам из қолдиради. Малика энди изтиробга тушади, тезда қарийди ва ҳалок бўлади. Вақт ўтиши билан арк кўшкидаги хона деворида меъморнинг лаби Маликанинг юзида қолдирган из каби нақш қалқиб чиқади. Фалсафий мазмун кашф этган бу асар ўсмирлар ва катталар учун мўлжалланган. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 191 | **2008** | ***«ЮЗ ҚОП ҚОР»*** | эртак | чизма-компьютер | 1қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи, режиссёр ва рассом: Д.Власов, бастакор: Ж.Изамов | Хушчақчақ ва доно Саиднинг саргузаштлари давомида, унинг хасис ва айёр Султонбойни тилидан тутиб, икки қоп тиллага туширгани ҳақида ҳикоя қилинади. |
| 192 | | ***«БУКРИ ОШИҚ»*** *2010 йилда Москва Халқаро кинофестивалида «Энг яхши анимация фильми» сифатида «Серебряный витязь» (Кумуш витязь) билан тақдирланган.* | ҳикоя | чизма компьютер | 1қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: Э.Хасанова, пост.режиссёр: Н.Тўлахўжаев, пост.рассом: М.Қорабоев, бастакор: Ф.Янов-Яновский | Ўз бахтсизлиги билан ёлғиз яшаётган худбин ва жоҳил букрининг рўё мисоли пайдо бўлган Парига ошиқ бўлиши ва ўз ошиқлиги туфайли худбинлиги ва жоҳиллигидан ҳалос бўлиб, софдил ва гўзал инсонга айланиши ёрқин рангларда акс эттирилади. |
| 193 | | ***«ШОДМОН ПОЛВОН»*** | эртак | перекладка | 1қисм 12 дақиқа | сценарий муаллифи, пост.режиссёр ва пост.рассом: М.Маҳмудов, оператор: О.Барок, бастакор: М.Маҳмудов | Ўзбек халқ эртаги асосида яратилган бу фильмда меҳнат ва жисмоний ҳаракат инсонларни соғлом ва ақлли бўлишга омил бўла олиши ҳақида ҳикоя қилинади. Болалар учун мўлжалланган фильм ёш авлодни тўғри тарбиялашда катта аҳамият касб этади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 194 | **2008** | ***«АЗАМАТ ВА ТАНБАЛ-ЛАР»*** | эртак | пластилин | 1кисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи, пост.режиссёр ва пост.рассом: С.Чуфарнов, оператор: М.Абзалова, бастакор: Ж.Изамов | Мазкур картина ўзбек халқ эртаги асосида яратилиб, бу фильмда меҳнаткаш ва қувноқ уста Азамат ва тўққиз ака-ука танбалларнинг саргузаштлари қувноқ кадрларда акс эттирилади. |
| 195 | | ***«МЕШ-КОБНИНГ БАХТИ»*** | эртак | чизма-компьютер | 1қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: Н.Тўлахўжаев, режиссёр: Н.Тўлахўжаев, рассом: А.Гвардин, бастакор: Ф.Янов-Яновский | Ўзбек халқ эртаги асосида яратилган ушбу фильмда, оқ кўнгил ва сахий Мешкобнинг қўлидан текинга сув ичган икки саҳрои ва дарвеш, унинг яхшилигини қайтариш ниятида икки сеҳрли буюм хадя этади. Бу буюмлар ёрдамида халқни текинга тўйдириб юрган Мешкоб ўзининг худбинлиги туфайли ўзлигини йўқотади, бойлик кўзини кўр қилиб, ўзи ҳам бир пайтлар бир тангага сув сотиб тирикчилик қилганини унутади. Камбағал-бечораларни хўрлайди ва оқибатда қаттиқ жазога гирифтор бўлади. Фильм тарбиявий аҳамиятга эга. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 196 | 2009 | ***«СУМАЛАК ВА 1000 ТИЛАК»*** | эртак | чизма-компьютер | 1қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: К.Турдиева, пост.режиссёр ва пост.рассом: Г.Матевосян, бастакор: А.Халмурзаев | Ўзбек ҳалқ удумларига кирувчи Сумалак сайлида кичкина қизча турли жонзотлардан тилакларини билган ҳолда тош йиғиши ва бу тилакларни амалга ошишида сумалакка ният қилиш ҳақида қувноқ воқеалар ҳикоя қилинади. |
| 197 | | ***«ЗЎРАКИ ФОЛБИН»*** | эртак | чизма-компьютер | 1 иқсм 14 дақиқа | сценарий муаллифи, пост.режиссёр ва пост.рассом: М.Маҳмудов, оператор: О.Барок, бастакор: М.Маҳмудов | Ишсизликдан зеркиб ётган эрини ишга солиш истагида бўлган аёл эрига фолбинлар китобини олиб келади. Эрнинг очган фоли ҳар гал тўғри чиқиб, у подшоҳ хазинасини топиб беради. Аммо «кўза кунида синади» деган нақлга амал қилиб, йиққан бойликларига шукур қилган ҳолда, бошқа шаҳарга кўчиб кетади. Фильм кулгули воқеаларга бой бўлиши билан бирга тарбиявий аҳамият касб этади. |
| 198 | | ***«ЛОЧИН ОВИ»*** | эртак | чизма-компьютер | 1қисм 11 дақиқа | сценарий муаллифи ва режиссёр: Н.Тўлахўжаев, рассом: А.Гвардин, бастакор: Ф.Янов-Яновский | Лочин баҳонасида бир деҳқон Амир саройига келади. У ерда миршаблар бошлиғи унинг топилмасига шерик бўлмоқчи бўлади. Деҳқон ўзининг ақлли билан товламачилик қилмоқчи бўлган миршаблар бошлиғини жазолайди. Фильм кулгули воқеаларга бой бўлиши билан бирга, унга очкўзлик ва товламачилик ёмон иллат эканлиги таъкидланади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 199 | **2009** | ***«МОҲИР ҚЎЛЛАР»*** | эртак | чизма-компью-тер | 1қисм 19 дақиқа | сценарий муаллифи, пост.режиссёр ва пост.рассом: А.Муҳамедов, бастакор: А.Халмурзаев | Инсон қўли гул, у албатта ўз касбининг устаси бўлса, ер остидан ёғоч от ҳам учиб чиқиб кетиши мумкин. Фильмда ақлли ва қўли гул йигитнинг касб маҳорати ёрдамида ёвузларнинг жазосини бериш ва ўз севгилисини қутқариш тўғрисида ҳикоя қилинади. |
| 200 | | ***«ОҚ ТОВУҚ»*** | ҳикоя | чизма-компьютер | 1қисм 16 дақиқа | сценарий муаллифи: Д.Власов, режиссёрлар: Д.Власов, Р.Рамазонов, рассом: Д. Власов, бастакор: Ж.Изамов | Инсон доимо етиб бўлмас орзуларга интилади. Орзусига эришганида эса, шу орзуга етишиш учун қилган саъй-ҳаракатлари даврида, ўзи учун энг қимматбаҳо нарсасини қурбон қилганини тушуниб етиши ҳақида фалсафий асар. |
| 201 | | ***«ОЛТИН ТАНГА»*** | эртак | чизма-компьютер | 1қисм 11 дақиқа | сценарий муаллифи: Н.Тўлахўжаев, пост.режиссёр ва пост.рассом: М.Кудрина, рассом: С.Рябих, бастакор: А.Халмурзаев | Ўзбек халқ эртаги асосида яратилган ушбу картинада хўроз олтин танга топиб олади ва уни сақлаб бериш ниятида куркага беради. Курка эса товламачи бўлади. Сўнг ўрдак хоним Хўрозга ёрдам беради. Шунда Хўроз, олтин танга топгандан кўра дўст топиш афзал эканини англайди. Фильм тарбиявий аҳамиятга эга. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 202 | **2010** | ***«СПИТАМЕН»*** | тарихий | чизма-компьютер | 1қисм 13 дақиқа | сценарий муаллифи: Ж.Исхоқов, режиссёр: С.Муродхўжаева, рассом: И.Ивлиев пост.рассом: Иван Правдюк | Бу фильм Сўғд элининг паҳлавон ўғли, Юнонистондан тортиб Ҳиндистонгача, ундан Амударё бўйи ва Массагетлар макон тутган саҳроларни босиб олаётган Искандар Зулқарнайннинг буюк қўшинларига қарши курашган халқ қўзғолончиларини бирлаштириб, уларга бош бўлган Спитамен ҳақидаги тарихий воқеаларни ўз ичига олади. |
| 203 | | ***«ШЕР ИЛА ДУРРОЖ»*** | ҳикоя | чизма-компьютер | 1қисм 11 дақиқа | сценарий муаллифлари: М.Маҳмудов, Р.Жабборов, режиссёр: М.Маҳмудов, рассом: С.Силка, бастакор: М.Маҳмудов | Картина А.Навоийнинг шу номли асари асосида яратилиб, она шер боласини ҳашаротлардан ҳимоя қилиш мақсадида ўзи билан олиб юради. Аммо ҳар гал дуррожнинг қўрқинчли парвозидан у боласини қаттиқ тишлаб озор беради. Кунларнинг бирида она шер Дуррожни учратиб қолиб, у билан дўстлашишни таклиф этади. Шундай қилса икковига ҳам осон бўлишини уқтиради. Улар дўстлашиб олишгач, дуррож ҳазил билан уларни алдай бошлайди. Бу ҳол бир неча бор такрорланади ва она шер унинг ёлғонидан чарчаб, ишонмай қўяди. Кун ўтиб, Дуррож тўрга илиниб қолади. Дўстларини ҳар қанча чақирмасин уларнинг эътиборидан четда қолади. Бу картина орқали кичик томошабинни доим рост сўзлашга ва ёлғон сўздан йироқ тутишга чорлашдир. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 204 | 2010 | ***«ФАРХОД ВА ШИРИН»*** | ҳикоя | чизма-компьютер | 2 қисм 20 дақиқа | сценарий муаллифи: Э.Хасанова, пост.режиссёр: Н.Тўлахўжаев, рассом: А.Гвардин, бастакор: Ф.Янов-Яновский | А.Навоийнинг шу номли асари асосидаги фильм-қисса. Фарҳод шоҳ хазинасидаги оинаи жаҳоннамони кўргач, унинг сирини билишга ошиқиб, ҳамма қийинчиликлардан ўтиб, мақсадига етганида оинаи жаҳонда Ширинни кўриб қолади. Азобланаётган халққа ёрдам бериш мақсадида ва Шириннинг висолини қўмсаб йўлга отланади. Жуда кўп қийинчиликлардан ўтиб Ширин билан топишади. |
| 205 | | ***«ДЎСТЛАР»*** | эртак | чизма-компьютер | 1қисм 12 дақиқа | сценарий муаллифи: Э.Ҳасанова, пост. режиссёр: М.Кудрина, пост. рассом: А.Гуленкова | Икки ака-ука кучукчалар ва қўшоёқнинг қанотидан яраланган митти бургутчани ота-онасининг ёнига етказиб боргунларича бошларидан ўтказган саргузаштлари ҳикоя қилинади. Фильм қувноқ воқеаларни ўз ичига олади. |
| 206 | | ***«ЧАРХПАЛАК»*** Микросюжетлар йиғиндиси ***«Тиши тушган қуёнча», «Меҳмон», «Мен кимман?»*** | эртак | чизма-компьютер | 1қисм 13 дақиқа | сценарий муаллифлари: Р.Рамазонов, М.Маҳмудов, О.Тўхташ, Д.Власов, пост.режиссёр: Г.Матевосян, А.Муҳамедов, Ж.Турдихўжаев | Фильм кичик сюжетлардан ташкил топиб, улар:<br>• Сут тиши тушган қуёнча ва унинг дўстлари бу ҳолатни тушунмай туриб, ҳар хил хаёлларга боришлари, уларга қария типратикан тўғри йўл кўрсатади.<br>• Қўнғиз дўсти қирқоёқни меҳмонга чақиради, келишилган вақтга етиб келган меҳмон эса эшикдан киравермай дўстини куттириб қўяди.<br>• Шаталоқ отиб юрган хўтикча бошини дарахтга уриб олиб, натижада ўзининг кимлигини эслай олмайди. Унга қарға ёрдамга келади, аммо қарға уни энг катта қуёнсан дея ишонтиради. Чумчуқ эса Хўтикчани эшакнинг боласи эканлигини айтиб, ҳаммаси ўз жойига тушади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 207 | **2010** | ***«ОҚ БЎТАЛОҚ»*** | эртак | чизма-компьютер | 1 қисм 11 дақиқа | сценарий муаллифи: А.Муҳамедов, пост. режиссёр: Ж.Турдихўжаев, рассомлар: А. Муҳамедов, Ж.Турдихўжаев, бастакор: Б.Зокиров | Фильмда инсон ва жониворларнинг ўзаро дўстлиги, меҳр-муҳаббати ифодаланади. Шунингдек, хасад, ғайр каби туйғулар пайдо бўлган дўстларга ҳақиқий дўстлик қандай бўлиши кўрсатилади. Асар қаҳрамони бошқа бўталоқларга ўхшамаган ажабтовур оппоқ бўталоқ бўлиб, унинг бундай кўринишда туғилгани карвон аҳли савдогарларини ҳайрон қолдиради. Буни кимдир ижобий, кимдир салбий қабул қилади. Воқеалар ривожида оқ бўталоқ мардлик, жасурлик кўрсатиб дўстларини душмандан сақлаб қолади. Сўнг оқ бўталоқ улғайгач карвон подасининг йўлбошчисига айланиши ёрқин ранглар орқали тасвирланади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 208 | **2010** | ***«САМОВИЙ МЕҲМОН»*** | ҳикоя | 3D технологияси | 1 қисм 12 дақиқа | сценарий муаллифи: У.Қўчқоров режиссёр: М.Махмудов, рассомлар: Д.Жалилова, С.Жумаев, Ш.Рахматуллаев, С.Каримов, бош аниматор: Ж.Бўтаев, аниматорлар: В.Сперанский, Д.Кубасов, С.Абдуназаров, Д.Дўстмуҳаммедов, моделчи ва текстурачилар: В.Учаев, Ж.Бўтаев, Р.Пўлатов, С.Жумаев, визуализатор: Р.Пўлатов, Д.Кубанов, В.Учаев. | Ушбу анимацион фильм ўзбек шоири А.Ориповнинг «Самовий меҳмон, беш донишманд ва фаррош кампир» шеърий мотиви асосида илк маротаба янги (3D) технологиясида яратилган. Фильм халқимизга хос инсонийлик, ўзга олам мавжудоти бўлсада меҳр бера олишдек фазилатларни мадҳ этади. Бу биз учун ўзлигимизга сингиб кетган, миллий удумларимиз, урф-одатлар, одамийлик, халқимизга хос одампарварлик, бағрикенглик мадҳи тасвирий образларда талқин этилади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 209 | **2010** | ***«ТЎҒРИВОЙ БИЛАН ЭГР ИВОЙ»*** | эртак | чизма-компьютер | 1 қисм 11 дақиқа | сценарий муаллифи: Ғ.Шермухаммад, пост.режиссёр: К.Рўзметова, пост. рассомлар: Д.Сапаров, Ш.Шомагруфов, И.Турсиметова, аниматорлар: Н.Маёрова, М.Содиқова, Н.Атамухамедова, Р.Рўзметова, бастакор: А.Холмирзаев. | Мазкур фильмда икки қаҳрамоннинг чин дўстлиги ва уларнинг ўзаро сафарига бағишланади. Улар салбий образда намоён этилиб, яхшилик, оққўнгиллик, меҳрибонлик, чин дўстлик, ҳалоллик каби фазилатлар Тўғривой образида ёритилади. Бу қаҳрамоннинг акси эса Эгривой образида акс этиб, муғомбирлик, номардлик каби ёмон хислатлар оқибатида жазоланади. Лекин унинг Тўғривойга кўрсатган зулмларига қарамай уни дўст сифатида қабул қилиши, ёмонликка яхшилик билан жавоб қайтариш фильмнинг асосий мақсади сифатида ифодаланади. |
| 210 | | ***СЕМУРҒ-БАХТ ҚУШИ*** | эртак | чизма-компьютер | 1 қисм 11 дақиқа | сценарий муаллифи: Н.Салом, пост.режиссёр: Н.Салом, пост.рассом: Ю.Уляниченко, бастакор: А.Халмурзаев, аниматорлар: А.Курбединова, Ю.Фомина, А.Мақсудова, С.Агаронян, рассомлар: Ғ.Зиёхўжаев, П.Качмар, У.Мираимов, Д.Жўраев. | Фильм қаҳрамони жасур Шохруҳ Семурғни ёвуз аждар қасридан қайтаришга уринади. У аждар билан курашиб, мардонаворлик кўрсатади. Сўнг Семурғни ўз юртига, шоҳ саройига қайтаради. Фильмда шоҳ Семурғни аждарҳо чангалидан қутқарган мардга маликани ва ярим подшолигини хадя этишини билдиради. Бу вазифани Шохруҳ ситқидилдан ато этади. Лекин воқеалар ривожида муғомбирлик билан маликани ўзиники қилмоқчи бўлган ёвуз қаҳрамон пайдо бўлади. Вазиятдан фойдаланиб, Шохруҳни заҳар бериб ўлдиради ва Семурғни қутқарганини шоҳ саройида овоза қилади. Бу ҳолатни пайқаган Семурғ Шохруҳни қайтаради ва жасурлик кўрсатган қаҳрамон Шохруҳ эканлигини билдиради. Ёвуз ниятлилар шоҳ саройидан сургун қилиниб, жасур Шохруҳ ва малика бирга бахтли бўлади. Фильмда ҳалоллик, мардонаворлик, жасорат каби ғоялар акс эттирилган. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 211 | 2011 | ***«ЙЎЛ ВА БОЛАЛАР»*** | эртак | чизма-компью-тер | 1 қисм 11 дақиқа | сценарий муаллифи: Ж. Исҳоқов, рассом: А. Мухамедов, пост. рассом. Э.Шойимқулов, бастакор: А.Халмурзаев | Мактаб ёшидаги болалар учун мўлжалланган замонавий эртак асосида яратилган мазкур фильм йўл ҳаракати қоидаларидан сабоқ берувчи, қизиқарли воқеаларга бой замонавий эртак-фильмдир. |
| 212 | | ***«ШИРОҚ ҲАҚИДА АФСОНА»*** | афсона | чизма-компьютер | 1 қисм 12 дақиқа | сценарий муаллифи: Э.Хасанова, постановкачи режиссёр: М.Махмудов, постановкачи рассом: А.Гвардин, бастакор: Ф.Янов-Яновский | Суғдиёнанинг афсонавий қаҳрамонларидан бири чўпон Широқнинг ўз юрти ва юртдошларини Доро қўшинининг қамалидан қутқаргани ҳақидаги тарихий фильм. |
| 213 | | ***«ЗУМРАД ВА ҚИММАТ»*** | эртак | чизма-компьютер | 1 қисм 11 дақиқа | сценарий муаллифи: К.Турдиева, рассом ва режиссёр: М.Маҳмудов | Ўзбек халқ эртаклари асосидаги бу картина золим ўгай она, унинг тантиқ қизи ва масъума қиз билан унинг отаси ҳақидаги фильм бўлиб, унда меҳнаткаш қизнинг меҳрибонлиги ва меҳнаткашлиги мукофотланиши ҳамда золим она билан тантиқ қизнинг жазоланиши ёртилади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 214 | **2011** | ***«ЧАРХПАЛАК» 2*** Микросюжетлар йиғиндиси «Алла» «Муддао» «Тошбақа» | эртак | чизма-компьютер | 1 қисм 12 дақиқа | сценарий муаллифлари: М.Ибрагимова, О.Тўхташ, Ш.Ҳакимова пост.режиссёр: Д.Власов, пост.рассом. Ҳ.Маҳмудхўжаев, Ҳ.Шерметова, пост.рассом: С.Салимов | Алла сюжетида эзгу орзулар, умидбахш ниятлар, онанинг бола келажаги ҳақидаги орзу ўйлари чиройли бўёқларда тасвирланади. Икки ака-ука далага ўйнагани борадилар. Ҳар нарсага қизиқувчан ука акасига саволлар беради. Укасининг саволларига акаси ўйинқароқлик билан жавоб беради. Маъюс тошбақа дўст излайди. Юмронқозиқ унга, қувноқ қўшиқ айтса, дўст орттира олиши ҳақида айтади, натижада тошбақанинг дўстлари кўпая бошлайди. |
| 215 | | ***«АЙТСАМ ИШОНМАЙСИЗ»*** | эртак | чизма-компьютер | 1 қисм 11 дақиқа | сценарий муаллифи ва пост.режиссёр: Б.Салахутдинов пост.рассом: Ф.Мутигулина | Ўзбек халқ эртагига асосланган мазкур асарда лофчилик касби қизиқарли тарзда ҳикоя қилинади. Хусусан, Насриддин Афандининг Қосим исмли лофчини жазосини бериши қизиқарли воқеалар асосида фильмда ўз аксини топган. |
| 216 | | ***«СОҲИБЖАМОЛ ҚЎҒИРЧОҚ»*** | ҳикоя | 3D дастурида | 1 қисм 11 дақиқа | сценарий муаллифи: Ольга Блюммер режиссёр: Алексей Кидисюк оператор: Самир Шарафутдинов бастакор: А.Халмурзаев, фильм директори: Алексей Кидисюк | Фильмда эркалиги ва тантиқлиги оқибатида дўстларидан ажралиб қолган қўғирчоқнинг бошидан кечирган саргузаштлари ҳақида ҳикоя қилинади. Охир-оқибат у дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг қадрини тушуниб етади. Асарда ўзбек миллий қўғирчоқларининг афзалликлари ва ижобий хусусиятларини очиб бериш мақсад қилинган. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 217 | **2011** | ***«ОҚ ТОЙЧОҚ»*** | эртак | чизма-компьютер | 1қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: Б.Рўзметов, пост. режиссёр: К.Рўзметова, пост. рассом: И.Турсиметова, аниматорлар: И.Турсиметова, М.Содиқова, Ш.Шомагруфов, Д.Сапаров, Н.Майёрова, Р.Рўзметова, оператор: Д. Сапаров | Картина ёвузликни эзгулик орқали енгиб, ёрдам кўрсатиш ҳам болаликдаги меҳрни қўмсашга ундайди. Асар янги туғилган оқ тойчоқнинг ёвуз дев томонидан ўғирланиши ва фильм қаҳрамони жасур, паҳлавон йигитнинг мардонавор курашиш йўлида тойчоқни қутқариши сўзланади. |
| 218 | **2012** | ***«БЎЗБОЛА»*** | эртак | чизма-компьютер | 1қисм 11 дақиқа | сцен. муаллифи: Э.Ҳасанова, пост.режиссёр: М.Кудрина, пост. рассом. Ф.Мутигулина | Ўзбек халқ эртаклари асосидаги бу фильм хамирдан пиширилган одамчанинг инсонга айланиши ҳақида ҳикоя қилади. Меҳр-оқибатга тўла қалб эгаси учун ҳеч қандай сеҳр-жодунинг кераги йўқ ва унинг ўзи ҳақиқий инсон экани акс этади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 219 | 2012 | ***«УЧАР ТУЛПОР ҲАҚИДА ДОСТОН»*** | хикоя | чизма-компьютер | 1қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: Н.Иброҳимхўжаева, пост. режиссёр: Н.Тўлахўжаев, пост. рассом: А.Гвардин, бастакор: Ф.Янов-Яновский | Учар тулпор ҳақидаги бу фильмда ошиқ бўлиб қолган Тулпорнинг осмонларни ва юлдузни тарк этиши ҳамда орзулари саробга айлангач, ўзи ҳам ҳалок бўлади. Севги, вафо ва ҳиёнат ҳақидаги шоирона фильм эртак. |
| 220 | | ***«АЛОМАТ ҚУЁН»*** | эртак | чизма-компьютер | 1қисм 11 дақиқа | сценарий муаллифлари: Ш.Ҳакимова, М.Маҳмудов. пост. режиссёр ва рассом: М.Маҳмудов | Мазкур фильмда бир қишлоқда тўғри сўз, хушомадни билмайдиган Мўмин исмли бола яшаб, қишлоқ қозиси эса уни ёқтирмайди. Чунки у тўғри сўз бола бўлади. Қози унинг шериклари билан тил бириктириб, бу йигитни алдаб, унинг таъзирини бериб қўймоқчи бўлади. Аммо бундан хабар топган Насриддин Афанди ғаройиб қуёнлари ёрдамида ёмонларнинг ўзини жазолайди. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 221 | **2012** | ***«ОЛТИН ТАРВУЗ»*** | эртак | чизма-компьютер | 1 қисм 12 дақиқа | сценарий муаллифи: М.Маҳмудов, пост. режиссёр ва рассом: С.Силка, бастакор: С.Абдусаломов, аниматорлар: С.Силка, С.Зокирова, Э.Шойимқулов, А.Ким | Фильм ўзбек халқ эртаги асосида яратилиб, картинада жонзотларни яхши кўриш ва уларга меҳр бериш доимо яхшиликка олиб келишига қаратилган. Деҳқонбой исмли оддий деҳқон далада ишлаётган пайтда қаноти синиб, йиқилиб тушган лайлакни кўриб қолади. Деҳқонбой лайлакни даволайди. Миннатдорлик эвазига лайлак деҳқонга уч дона тарвуз уруғи ташлаб кетади. Бу уруғлардан етишиб чиққан тарвузларнинг ичи тиллага тўла бўлади. Буни кўрган Деҳқонбойнинг қўшниси, бахил бой лайлакни уриб ярадор қилади. Аммо бой жазосини олади, ариларга таланади. Ўзбек халқ эртаклари асосида яратилган ушбу фильм тилсиз жониворларга нисбатан ғамхўрлик ва муҳаббат кўрсатган инсонга фақат яхшилик олиб келиши сўзланади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 222 | **2012** | ***«СЕҲРЛИ ДАРАХТ»*** | эртак | чизма-компьютер | 1қисм<br>10 дақиқа | сценарий муаллифлари: Ғ.Шермухаммад, Д.Власов,<br>пост.режиссёр<br>ва пост.рассом: Д.Власов,<br>бастакор: Ж.Изомов,<br>аниматорлар: Д.Власов, Х.Махмудхўжаев | Фильм қаҳрамони бўлган Аҳмаджон тезроқ бойиб кетиш истагида олтин мевали дарахтни қидириб йўлга тушади. Бу йўлда у кўп машаққатли саргузаштларни бошидан кечиради. Ниҳоят, олтин мевали дарахтни топади. Фильм сўнггида Аҳмаджон олтин мевали дарахт омонат эканлигини, инсон ўз меҳнати билан орзусига эришиши мумкинлигини, қидирган нарсасини ҳар доим ўзидан топишини тушуниб етади. |
| 223 | | ***«УДДАБУРОН ШОГИРД»*** | эртак | чизма-компьютер | 1қисм<br>10 дақиқа | сценарий муаллифи:<br>Д.Мардонова,<br>пост.режиссёр ва рассом: А.Мухамедов | Ўзбек халқ эртаклари асосида яратилган бу фильмда шаҳар қозиси ўзига шогирд топиш ниятида танлов эълон қилади. Танловда ғолиб чиққан ёш шогирд ҳақиқатан ҳам ўзининг зукко, ақлли эканлигини намойиш қилади. Яъни, жумбоқли бир ишни очишда устозига яқиндан ёрдам беради. Фильм ақл-фаросатни ишлатиб, инсонларга адолатли муносабатда бўлган ростгўй одам ҳамиша ҳаётда ўз ўрнига эга бўлишини англатади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 224 | **2013** | ***«ДЕВ ВА ҚИЗЧА»*** | эртак | чизма-компьютер | 1қисм 10,5 дақиқа | сценарий муаллифлари: З.Йўлдошева, М.Махмудов, пост.режиссёр: Г.Матевосян, рассом: С.Силка, бастакор: А.Халмурзаев | Фильмда дангасалик, ёмонлик, бировга озор бериш ва унинг тинчини бузиш қандай оқибатларга олиб келиши ифодаланган. Асар қаҳрамони ғорда яккаю ёлғиз яшайдиган, жоҳил дев бўлиб, у ёшлигида безори ва бировларга ёмонлик қилиб ҳузурланадиган бола бўлганлиги сабабли, сеҳргар кампир уни девга айлантириб қўяди. Лекин у ўғирлаб келган бир қизалоқ у билан дўстлашади ва ёмонлик қилган барча инсонларга яхшилик қилишни ўргатади. Шу билан у сеҳрдан қутулиб, ўз ҳолига айланади ва дунёда фақат яхшилик қилиш кераклигини англаб етади. |
| 225 | | ***«ДОНИШҚИШЛОҚ ҲАНГОМАЛАРИ»*** | ҳикоя | чизма-компьютер | 1қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифлари: З.Йўлдошева, М.Маҳмудов, пост.режиссёр: М.Махмудов, пост.рассом: Н.Жўрабоев, бастакор: М.Махмудов | Мазкур фильм ўзбек ёзувчиси Эркин Воҳидов асари асосида яратилиб, юморга бой саҳналар шеърий тарзда ифодаланган. Картинада акс этган сюжет қизиқарли тасвирланиб, ҳаётдаги барча нарсалар тескари ёритилган. Фильм «Матмусанинг лагани», «Матмусанинг тандири», «Тандир кийган Матмуса», «Қизиқувчан Матмуса», «Матмусанинг чархпалаги» каби кичик қисмларга бўлинади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 226 | **2013** | ***«ОЧКЎЗ ХЎРОЗ»*** | эртак | чизма-компьютер | 1қисм 11 дақиқа | сценарий муаллифи: М.Низанов, пост.режиссёр: Ж.Исҳоқов, пост.рассом: К.Абдурахмонов, бастакор: Ж.Изамов, аниматорлар: М.Кудрина, А.Гуленкова, Ж.Турдихўжаев, Х.Маҳмудхўжаев, Б.Маннонов, рассомлар: К.Абдурахмонов, Б.Маннонов, Ш.Жўраев, М. Маҳмудов, А.Кудрин, З.Мирахмедов | Фильм уй ҳайвонлари орасида калондимоғ, кеккайган, бошқаларни назар-писанд қилмайдиган очкўз хўроз ҳақида ҳикоя қилади. У товуқлар орқасида ҳар қандай егуликни талашиб ўзгани ўйламайдиган баднафс хўроз бўлади. Кунларнинг бирида бу очкўзлиги туфайли уй эгасининг маржонни ютиб юборади. Натижада қорни оғриб, боши айланиб бетоб бўлиб қолади. Шундан сўнг қилмишларини ўйлаб, хулоса чиқаради. Очкўзлик оқибати қандай ҳолга келтириши мумкинлигига амин бўлади. Фильмнинг мақсади аҳил-иноқликда, бирдамликда барча нарсаларни баҳам кўришга чорлашдан иборатдир. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 227 | **2013** | ***«ҚИЛИЧ БОТИР»*** | эртак | чизма-компьютер | 1қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: Э.Ҳасанова, режиссёр: Н.Тўлахўжаев, рассом: А.Гвардин | Фильмда кунларнинг бирида Қосимбойнинг севимли тулпори Тарлонбўзни қўриқлаётган кекса қоровул чарчоқ туфайли ухлаб қолади. Эрталаб қарашса, Тарлонбўз йўқ! Талвасага тушган Қосимбой кекса қоровулни оғир жазога ҳукм қилади. Шунда кекса қоровулнинг ўғли отасининг жонига оро киради ва Тарлонбўзни қидириб олис сафарга отланади. |
| 228 | | ***«ЧАЛПАК ЁҚҚАН КУН»*** | эртак | чизма-компьютер | 1қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: Ғ.Шермуҳаммад, режиссёр: Д.Власов, пост.рассомлар: Д.Власов, Х.Махмудхўжаев, бастакор: Ж.Изамов, оператор: Ф.Ҳасанов | Ўзбек халқ эртаги асосида яратилган мазкур фильмда ака-ука Аҳмад ва Нурмат персонажлари ҳамда алдоқчи очкўз бойнинг қилмишига яраша жазоланиши акс эттирилади. Аҳмаднинг укаси Нурмат соддалиги туфайли ён қўшниси бўлган хасис Бой уни алдаб, бир йиллик меҳнати самараси – буғдойи ва қўйини олиб қўяди. Бундан жаҳли чиққан Аҳмад ҳийла билан хасис Бойдан ўзларига тегишли бўлган нарсаларни қайтариб олади. Картинада ҳалоллик ва муғомбирлик каби хислатлар талқин этилади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 229 | **2013** | ***«ОСМОНДАН ТУШГАН СОВҒА»*** | эртак | чизма-компьютер | 1қисм 9,37 дақиқа | сценарий муаллифи: Ғ.Шермухаммад, пост.режиссёр ва пост.рассом: Ш.Асаев, бастакор: А.Халмурзаев, рассом: Н.Иброхимжонов, аниматорлар: Ш.Асаев, Ж.Махмудов, М.Акрамова, З.Иботова, Н.Иброхимжонов, С.Асаев, М.Каримова, С.Сайфуллаев | Мазкур фильм Шарқ халқининг донишманди ва сўз устаси бўлган қаҳрамон Насриддин Афанди латифалари асосида бўлиб, у ўзининг ён қўшниси бўлган очкўз бойни меҳнат қилишга ўргатади. Хазина излаш илинжида Бой ақл ишлатмасдан иш тутгани уни барчанинг олдида калака бўлади. Хазина бу меҳнат орқали ердан ҳосил олиш эканлигини тушуниб етади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 230 | **2014** | ***«АҚЛТОЙНИНГ САРГУЗАШТЛАРИ» («ТИЛБИЛИСТОНГА САЁҲАТ»)*** | эртак | 3D дастурида | 1қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифлари: М.Иброҳимова, З.Йўлдошева, Э.Шойимқулов, бош режиссёр ва рассом: Э.Шойимқулов лойиҳа раҳбари ва супервайзер: Д.Дўстмухамедов, моделчилар: А.Ҳайдаров, А.Аҳмадий, текстурачилар: А.Аҳмадий, С.Жумаев, Э.Шойимқулов, бастакор: Д.Янов-Яновский, оператор: У.Маликов | Фильмда компьютер ўйинларидан кўра китоб ўқишни ўрганиш ва уни эъзозлаш, нарса буюмларга эътиборсизлик ҳақида сўзланади. Асар қаҳрамони тўғри йўлга бошловчи ақлтой қаҳрамонларни билим даражасини синаш мақсадида тилбилистон мамлакатига жўнатади. У ерда улар қилган хатоларини тузатиш учун барча нарсаларининг инглизча номини топиб, ақлларини чархлай бошлайдилар. Бу мамлакатда қолиб кетмаслик ва ўз уйига қайтиш ниятида болалар топшириқларни бажаришга ҳаракат қиладилар. Қолаверса, бу фильм орқали болажонлар инглиз тилини бирмунча ўрганадилар. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 231 | **2015** | ***«САРИШТАЛИ УЙ – ФАРИШТАЛИ УЙ»*** | эртак | 3 D дастурида | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: Евгения Палехова, саҳналаштирувчи режиссёр: Алексей Кидисюк, саҳналаштирувчи оператор: С.Шарофиддинов, басткор: А.Халмурзаев | Мазкур фильм Соҳибжамол қўғирчоқ фильмининг давоми сифатида яратилиб, унда бу уч қўғирчоқ уйни сариштали қилиш мақсадида йиғиштира бошлайди. Соҳибжамол исмли қўғирчоққа икки дугонаси кўмаклашади. Соҳибжамол барча кераксиз нарсаларни саватга тўплаб, чиқиндига ташлашга боради. Лекин унинг тезда қайтганидан икки дугонаси ҳайрон қолади. Чунки у саватни чиқиндилар челагига эмас, балки яшнаб, кўркам бўлиб турган атрофга ташлаб қайтади. Унинг бу ишидан жониворлар зарар кўради. Ва у бу ишидан пушаймон бўлиб, бошқа бундай иш қилмасдан, хамма ерларни озода, пок тутиб, ҳар бир нарсани ўз жойида ишлатиш лозимлигини англаб етади. |
| 232 | | ***«ТУЛКИВОЙНИНГ ТАВБАСИ»*** | эртак | чизма-компьютер | 1 қисм 11 дақиқа | сценарий муаллифи: Т.Шомуродов, бош режиссёр: М.Исмоилов, пост. рассом: Ш.Асаев, бастакор: Б.Зокиров, аниматорлар: Ж.Махмудов, С.Асаев, Н.Иброхимов, М.Акромова, З.Иботова | Фильм бош персонажи тулки айёрлиги билан ўрмон ҳайвонларини алдаб юради. Сўнг ҳайвонлар унинг устидан ўрмон ҳукмдорига арз қилади. Лекин ҳукмдор унга бу ёлғонлар қайта такрорланмаслиги учун  имкон беради. Шунга қарамай тулкивой яна ҳайвонларни алдашда давом этади. Кунларнинг бирида ўрмон шоҳи ҳайвонларни йиғиб, унинг айёрлигига яна амин бўлади. Тулкивойни барча ўрмон аҳли қувиб, қайта унинг сўзларига ишонмай қўйишади. Шундан сўнг тулкивой тавбасига таяниб, жазосини олади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 233 | **2016** | ***«ТОШБАҚА»*** | эртак | 3D дастурида | 1 қисм 4 дақиқа | сценарий муаллифлари: М.Иброхимова, Ш.Хакимова, пост. режиссёр: С.Салимов, пост. рассом: Д.Жалилова, рассом: А.Хонназарова, бастакор: А.Халмурзаев | Фильм ҳар қандай инсон шодлик ва бахтга ўз ҳаракати орқали эришиши ва барча нарсалар ўзига боғлиқлигини акс эттиради. Картина қаҳрамони қайғу ғам ўрнига шодлик излайдиган тошбақа ҳақида бўлиб, у дўстлари билан хурсандчилик қилишга интилади. |
| 234 | | ***«БЎЙНОҚ»*** | эртак | 3D дастурида | 1 қисм 12 дақиқа | сценарий муаллифи: Н.Норқобил, режиссёр: Ж.Турдихўжаев, рассом: Ж.Турдихўжаев, аниматорлар: А.Ҳайдаров, Д.Дўстмуҳаммедов, А.Аҳмадий, С.Абдуназаров, Ш.Асаев, З.Ҳамидова | Картина «Бўйноқ» исмли кучукча ҳақида бўлиб, у уйнинг кичик хўжайини томонидан олиб келинади. У ҳовлидаги бошқа жониворлар билан дўстлашгиси, ўйнагиси келади. Лекин аввалига уни ҳеч бир уй ҳайвони ҳам, паррандаси ҳам қабул қилмайди. Сўнг кунларнинг бирида у она товуқ ва хўрознинг жўжаларини қарғадан ҳимоя қилиб, уни қутқариб қолади. Шу воқеадан сўнг барча жониворлар унга дўст тутина бошлайди. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 235 | **2016** | ***«ҚАРИ БИЛГАННИ ПАРИ БИЛМАС»*** | эртак | 3D дастурида | 1 қисм 12 дақиқа | сценарий муаллифи: Р.Жабборов, пост.режиссёр: Н.Салом, пост.рассом: Б.Салом, бастакор: В.Барамиков, рассом-аниматорлар: А.Евстигнеев, Б.Салом, А.Семенченко | Ўзбек халқ эртаги асосида яратилган мазкур фильм ёши улуғ зотлардан кўп донолик сирларини ўрганишга қаратилиб, ақлсиз шаҳзода шоҳнинг дардига дармон бўладиган гиёҳни топиш мақсадида ўзининг донолигига ишониб йўлга тушади. Лекин шоҳ унга ҳамроҳ сифатида ўзининг ақлли ёрдамчисини шерик қилади. Шоҳнинг ёрдамчиси бу гиёҳни излаб топишда ақлни ишлатган ҳолда донолик билан иш кўриш лозимлигини айтади. Лекин шаҳзоданинг қаршилигига қарамай у ўзи билан аравага доно отасини ҳамроҳ қилади. Шаҳзода ақлсизлиги сабабли кўп тўсиқларга учрайди. Аммо унинг ёрдамчиси доно отанинг маслаҳатларига қулоқ тутиб, барча қийинчиликдан қутқаради ва гиёҳни топишга эришади. Қиссадан ҳисса шуки, қари инсон билган доно сирларни шаҳзода бўлсада билмаслиги ва доимо улуғ зотлар маслаҳатлари ёрдамида иш юритиш лозимлиги билдирилади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 236 | **2017** | ***«КЕНЖА БОТИР»*** | ҳикоя | 3D дастурида | 1қисм 15,38 дақиқа | сценарий муаллифлари: И.Шомуродов, Ж.Турдихўжаев, саҳналаштирувчи режиссёр ва рассом: Ж.Турдихўжаев, лойиҳа раҳбари: Д.Дўстмуҳамедов, аниматорлар: Ж.Турдихўжаев, Д.Дўстмуҳамедов, А.Қодиров, Ш.Қодиров, А.Хайдаров, С.Абдужалилов, Ш.Аҳматов, С.Абдуназаров, бастакор: Ф.Собиров | Фильм уч ака-ука ҳақида бўлиб, кунларнинг бирида кенжа ўғил узоқ булутлар орасида учар тулпорни кўриб қолади. Бу ҳақда у отасига сўзлайди, ота эса унинг фикрини тасдиқлаб, шу отни топган инсон орзу-истаклари ушалишини айтиб уларни сафарга жўнатади. Ота уларга мумиё тепалигида жойлашган аждарни енгиб, сўнг учар тулпорнинг олдига етиб бориши ҳақида маслаҳат беради. Икки ака эса буни хоҳламай, ноилож йўлга отланади. Йўлда турли хил сир-синоатларга дуч келадилар. Кенжа ботир акаларини ўрмон маҳлуқидан ва аждарҳодан қутқариб, учар тулпор қасрига етиб борадилар. Қасрда уларга озод бўлишлари учун билимларини синаш мақсадида бир неча топишмоқлар беради. Воқеа сўнггида кенжа ботир учар отга эришади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 237 | **2017** | ***«ҚУЁШ ЮРТИ ПАХЛАВОНИ»*** *илк тўлиқ метражли* | эртак | чизма-компьютер | 1 қисм 65 дақиқа | сценарий муаллифи: И.Шомуродов, пост.режиссёрлар: Н.Тўлахўжаев, М. Маҳмудов, Д.Власов, пост.рассомлар: Ж.Турдихўжаев, Н.Жўраев, аниматор: Д.Власов, А.Гвардин, Ф.Матигуллина, С.Рахимов, бастакорлар: Ф.ва Д.Янов-Яновскийлар. | Мазкур фильм ўзбек анимация санъати тарихида илк тўлиқ метражли картина бўлиб, ушбу картина ўзбек халқ эртаги мотивига асосланган. Унда асосий қаҳрамон нўхат полвон акалари ортидан гўзал маликани ялмоғиз чангалидан озод этиш учун йўлга чиқади ва турли синовларга дуч келади. Икки бошли баҳайбат аждарҳо ва ҳар қандай ёвузликка қодир ялмоғиз қаҳрамонларнинг йўлига ғов бўлишга уринади. Фильмда ҳалоллик, меҳнатсеварлик, муҳтожларга ёрдам бериш, сингари тарбиявий аҳамиятга эга эзгу ғоялар акс эттирилган. |
| 238 | | ***РУСТАМ ВА САИД*** | ҳикоя | 3D дастурида | 1қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: В.Уткин, пост. режиссёр: Н.Тўлахўжаев, пост.рассом: Павел Ким, бастакор: Ф.Янов-Яновский, овоз режиссёри: С.Пулатов, аниматорлар: П.Ким, Г.Малков, Д.Ротар, К.Нуманов, моделлерлар: С.Цой, Ф.Файзулин, визуал эффект усталари: А. Хомиджонов, С.Цой | Ушбу фильмда бугунги кунда ёшлар ўртасида юзага келаётган долзарб масала мавзу қилиб олинган. Фильм мактаб ёшидаги болалар учун мўлжалланиб, уларнинг катталарга ҳурмат кўрсатиш ва кексаларга кўмак бериш каби фазилатлардан йироқлашиб бораётгани ва бунга бефарқлиги сабабли пушаймонда қолиши тарғиб қилинган. Бош персонажлар бундай ҳаракатлар оқибатида қандай ҳолга тушиши мумкинлигини ва бир кун келиб, ҳар ким ҳам қарилик туфайли ёрдамга, эътиборга муҳтож бўлишини англаб етади. Фильм болаларни катталарни ҳурмат қилишга, қарияларга кўмак бериш ва уларнинг мушкулини осон қилишга чорлайди. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 239 | 2018 | ***«ҒИЛДИ-РАКЛИ УЙ»*** | эртак | чизма-компьютер | 1 қисм 11 дақиқа | сценарий муаллифи: Д.Власов, режиссёр ва рассом: А.Мухамедов, бастакор: Ж.Изамов, аниматорлар: У.Исмоилов, Ф.Исроилов, И.Қўлдошева, М.Худоёрова, Ф.Исроилов, Г.Мухсинжонова, Ш.Қурбонова | Фильм ўсмир ва катта ёшдаги томошабинлар аудиториясига мўлжалланган. Фарид Усмон асари асосида яратилган мазкур картина томошабинни мантиқан ўйлаб, фикр юритишга ундайди. Яъни, бой очкўзлиги, хасислиги сабабли ён қўшниси Саидни бошқа ерда данғиллама ҳовли қуриб яшашини таклиф қилади. Бу таклиф орқали бой унинг ерини кўзлайди. Унинг бу ғараз ниятини англаб етмаган содда Саид эса энг яхши жойга икки қаватли уй қуришни режалаштиради. Лекин ҳеч бир ерда унинг бу кошона уйига жой топилмайди. Шунда англаб етадики саройдек уйда нотинч яшагандан кўра, оддий уйда тинч яшаган афзалдир. |
| 240 | | ***"ҲАЁТ ДАРЁСИ" (узвийлик)*** | ҳикоя | чизма-компьютер | 1 қисм 10 дақиқа | сценарий муаллифи: С.Муратходжаева, пост.режиссёр: Д.Власов, пост. рассом: О.Залевская, бастакор: Ж.Изамов, аниматорлар: Ф.Матигулина, Х.Махмудхўжаев, Д.Власов, У.Исмоилов, Т.Коробова, рассомлар: Х.Махмудхўжаев, Т.Коробова, оператор: Ф.Хасанов | Фильм фалсафий мазмунда яратилиб, катталар аудиториясига мўлжалланган. Картинада кекса инсоннинг ўтган ҳаётидаги ҳар бир лаҳзаси кадрма кадр акс этади. Қари инсон ўзини худди куз фаслида дарахт барглари каби тасаввур этади. Унинг болалик онлари, улғайиб, оила қуриб, фарзанд кўриши, меҳнат қилиб, рўзғор тебратиши, фарзандларининг қувончини кўриши, ҳаётининг гуллаб-яшнаши ва бунга тобе равишда кексайиб қолган ота-онасидан жудо бўлиши, фарзандининг улғайиши, уни уйлантириши ва ўзи ҳам кексайиб қолганини эслаб, ўтмишга назар ташлайди. Унинг ҳаётидаги бу воқеалар дарё каби оқиб давом этиши томчиларда талқин этилади. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 241 | **2018** | ***«ДОВЮРАК ОШПАЗ»*** | эртак | чизма-компьютер | 2 қисм 20 дақиқа | сценарий муаллифи ва пост. режиссёр: Н.Тўлахўжаев, пост. рассом: А.Гвардин, бастакор: Ф.Янов-Яновский | Асарда бош персонаж кичик довюрак ошпаз бўлиб, у саройда хизмат қилади. Сарой ҳукмдори ҳар қандай ишни тажрибадан ўтказишда ошпаз болакайдан фойдаланади. Лекин ошпаз бола ҳукмдорининг шартларини бажарган ҳолда яхшилик истаб, ўз бахтига эришади. Ҳукмдор эса қилмишига яраша жазосини олади. |
| 242 | | ***«АВТО САРГУЗАШТЛАР»*** | ҳикоя | 3D дастурида | 6 қисм 18 дақиқа | сценарий муаллифи: И.Шомуродов, режиссёрлар: А. Ҳайдаров, Ж. Бутаев, рассом: З.Хамидова, бош аниматор: А.Ҳайдаров | Ушбу анимацион фильмнинг персонажлари – Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган автомобиллардан бўлиб, унда бош қаҳрамон – кичкинтой «Матиз» билан боғлиқ турли қизиқарли саргузаштлар ҳикоя қилинади. Фильм кучли динамика орқали ёрқин рангларда талқин этилади. Фильм архитектурасида мамлакатимизда бунёд этилган бинолар ўз аксини топган. Мазкур асар кичик ёшдаги томошабинлар учун ажойиб саргузаштга бой, ҳаётий мультсериал. |

## РАССОМЛАР

### ЮРИЙ ПЕТРОВ

**Яратган фильмлари:** «6х6 квадратида» (1966), «Сеҳрли сандиқ» (1966), «Ғаройиб саргузашт» (1966), «Булутни ким яратди?» (1967), «Рахим ва қўнғиз» (1967), «Олтиндан қиммат» (1968), «Шумтака» (1968), «Кичик ёлғончи» (1968), «Қайт бахтим» (1969), «Қизча ва юлдузча» (1970), «Айиқча сайрда» (1970), «Тулки ва қуш» (1971), «Ҳосил байрами» (1973), «Ака-ука бармоқлар» (1973), «Сеҳрли камонча» (1975), «Гармселнинг ҳалокати» (1976), «Жасур йигитлар» (1976), «Хўжа Насриддин» (1977), «Алданган алдоқчилар» (1977), «Тошбақа боласи» (1978).

Юрий Петров илк ўзбек мультфильмининг муаллифидир.

### МАВЗУР МАҲМУДОВ



**Яратган фильмлари:** «Хўжа Насриддин» (1977), «Алданган алдоқчилар» (1977), «Сеҳрланган кема» (1977), дебют фильми «Лочин ва Юлдуз ҳақида баллада» (1978), «Саҳродаги кўл» (1979), «Бўлган воқеа» (1979), «Сеҳрли самовар» (1980), «Хўжа Насриддин» (1982), «Қорбола» (1984), «Фаррух ва Зумрад» (1985), «Кунларнинг бирида саҳрода» (1986), «Топишмоқлар куни» (1987), «От» (1988), «Биллиард тарихи» (1989), «Бахтли шаҳзода» (1991), «Икки жин» (1992), «Синдбоднинг саргузаштлари» (1994), «Баҳром ва Дилором» (1996), «Қозиқ» (1998), «Булбул» (1999), «Жалолиддин ҳақида достон» (1999), «Бахт ўзи нима?» (2001), «Ретро» (2002), «Карвон» (2003), «Чироқ кўтарган

мушук» (2004), «Тақа» (2005), «Бор барака» (2005), «Яна баҳор» (2006), «Сусамбил» (2007). «Шодмон полвон» (2008), «Зўраки фолбин» (2009), «Шер ила дуррож» (2010), «Чархпалак» (2010), «Самовий меҳмон» (2010), «Широқ ҳақида афсона» (2011), «Зумрад ва Қиммат» (2011), «Аломат қуён» (2012), «Олтин тарвуз» (2012), «Дев ва қизча» (2013), «Донишқишлоқ ҳангомалари» (2013), «Очкўз хўроз» (2013), «Қуёш юрти паҳлавони» (2017). М.Махмудовнинг «Биллиард тарихи», «Бахтли шаҳзода», «Булбул», «Сусамбил», «Шер ила дуррож» мультфильмлари нуфузли фестивалларда юқори мукофотларга муносиб кўрилган. М.Маҳмудов “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими” Давлат мукофоти ва “Шуҳрат” медали билан тақдирланган.

## СЕРГЕЙ АЛИБЕКОВ



**Яратган фильмлари:** «Ёқимли ёмғир ёғади» (1984), «Олтин барг» (1985), «Хризантемалар боғи» (1986), «Севги қанотлари ёки янги эртак» (1998), «Узвийлик» (1989), «Кўлмак олдида» (1990), «Пауза» (1988), «Ип» (1989), «Узвийлик» (1989), «Кўлмак ёнида» (1990), «Янги кўхна эртак» (1998), «Эхограмма» (2003).

С.Алибековнинг «Эхограмма» (2003) муаллифлик фильми 2003 йилда Киев шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро кинофестивалда диплом ва махсус соврин билан тақдирланган.

## СЕРГЕЙ СИЛКА



**Яратган фильмлари:** «Подшоҳнинг амри» (1993), «Синдбоднинг саргузаштлари» (1994), «Олтин кетмон» (1995), «Шайтон ила ўғри» (1995), «Баҳром ва Дилором» (1996), «Янчар қуён» (1997), «Қора сарой» (1997), «Янги шоҳча ва баҳор ёмғири ҳақида» (1998), «Шер ила Дуррож» (2010), «Олтин тарвуз» (2012), «Дев ва қизча» (2013).

## ДМИТРИЙ ВЛАСОВ



**Яратган фильмлари:** «Синдбоднинг саргузаштлари» (1994), «Баҳром ва Дилором» (1996), «Янчар қуён» (дебют фильми, 1997), «Қозиқ» (1998), «Моцарт» (1998), «Кулол» (2002), «Тақа» (2005), «Бор барака» (2005), «Қуш» (2006), «Сахий шаҳзода» (2007), «Юз қоп қор» (2008), «Оқ товуқ» (2010), «Чархпалак» (2010), «Сеҳрли дарахт» (2012), «Чалпак ёққан кун» (2013), «Қуёш юрти паҳлавони» (2017), «Ғилдиракли уй» (2018), «Ҳаёт ларёси» (2018).

Унинг «Кулол», «Оқ товуқ» анимация фильмлари Халқаро кинофестивалларда совриндор бўлган. Дмитрий Власов 2008 йилда «Дўстлик» ордени билан тақдирланган.

## СЕРГЕЙ ЧУФАРНОВ



**Яратган фильмлари: «**Бумеранг» (2002), «Эшик» (2003), «Мушук ва жин» (2005), «Ур тўқмоқ» (2006), «Қирқ ёлғон» (2007), «Азамат ва танбаллар» (2008).

С.Чуфарнов асосан пластилин технологиясида фильмлар яратган.

## МАРИНА КУДРИНА



**Иштирок этган фильмлари:** «Қиёфа» (2002), «Олтин танга» (2009), «Дўстлар» (2010), «Бўзбола» (2012), «Очкўз хўроз» (2013).

## АЗИЗ МУХАМЕДОВ



**Яратган фильмлари:** «Зардуштий» (2005), дебют фильми «Тақа» (2005), «Икки қўшнива қовун» (2007), «Мохир қўллар» (2009), «Чархпалак» мульттўпламига кирувчи «Мен кимман?», «Оқ бўталоқ» (2010), «Йўл ва болалар» (2011), «Уддабурон шогирд» (2012), «Қуёш юрти паҳлавони» (2017), «Ғилдиракли уй» (2018).

А.Мухамедовнинг «Икки қўшни ва қовун» анимация фильми Олма-ота шаҳрида ўтказилган «Шакен юлдузлари» Халқаро кинофестивалда «Энг яхши анимация фильми» совринига муносиб кўрилган.

## ЖАВЛОН ТУРДИХЎЖАЕВ



**Яратган фильмлари:** «Дангаса» (2006), «Чархпалак» (2010), «Оқ бўталоқ» (2010), «Очкўз хўроз» (2013), «Бўйноқ» (2016), «Кенжа ботир» (2017), «Қуёш юрти паҳлавони» (2017), «Кенжа ботир 2» (2018). Ж.Турдихўжаев, шунингдек, ўзбек хонандаларининг мультипликацион клиплари муаллифидир. Жумладан, Шаҳзоданинг «Чико», «Чикита», «Юрак» қўшиқлари учун, Райҳоннинг «Болажонларим» қўшиғи, Сетора гуруҳининг «Афанди» қўшиғи, Шоҳруххоннинг «Аямай» қўшиғига мультипликацион асарлар яратган.

# РЕЖИССЁРЛАР

## ДАМИР САЛИМОВ



**Яратган фильмлари:** илк анимацион фильм «6х6 квадратида» (1965) режиссёри, шунингдек, «Сеҳрли сандиқ» (1966), «Тулки ва қуш» (1971), «Балкон» (1970), «Каккунинг сири» (1972), «Олтин тарвуз» (1977), «Узунқулоқ дўст» (1979), «Кураш» (1980), «Тўсиқ» (1981), «Камбағалнинг қизи ва бефаҳм шаҳзода» (1981), «Сичқонлар маликаси» (1983), «Учар юмронқозиқ» (1983), «Томчи» (1984).

## ҚАМАРА КАМОЛОВА



**Яратган фильмлари:** «Ғаройиб саргузашт» (1966), «Булутни ким яратди?» (1967), «Раҳим ва Қўнғиз» (1967), «Шумтака» (1968), «Олтиндан қиммат» (1968), «Қайт, бахтим» (1969), «Қиз ва юлдузча» (1970), «Қуёш ёғдуси» (1971), «Кичкина деманг бизни» (1972), «Велосипедча қочиб кетди» (1973).

Қ.Камолованинг «Булутни ким яратди?» қўғирчоқ фильми 1968 йилда Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари кинематографистларининг Фрунзе шаҳрида ўтказилган кўрик мусобақасида, «Кичкина деманг бизни» 1973 йилда Фарғона шаҳрида бўлиб ўтган қисқаметражли ва телевизион фильмларнинг 3-Республика фестивалида «Энг яхши мультфильм» дипломи билан тақдирланган.

## ЗИНОВИЙ РОЙЗМАН



**Яратган фильмлари:** «Кичик ёлғончи» (1968), «Кутилмаган айиқча ҳақида» (1970), «Содиқ дўстлар» (1971), «Қиш эртаги» (1972), «Ким сеҳргар?» (1972), «Сеҳрли тош қўшиғи» (1973), «Чўпон ва гўзал малика ҳақида эртак» (1974), «Оқ бўталоқ» (1974), «Кекса эртакчининг рубоийлари» (1975), «Қулоқсиз» (1976), «Сеҳрли кема» (1977), «Турналар учиб келганда» (1978), «Икки жин» (1992). 1971 йилда Фарғона шаҳрида бўлиб ўтган қисқаметражли ва телевизион фильмларнинг 2-Республика фестивалида З.Ройзмайнинг «Кутилмаган айиқча ҳақида» асари «Энг яхши мультипликацион фильм» диплломи билан тақдирланган.

## ШАРОФАТ ШОКИРОВА

**Яратган фильмлари:** «Ўзингдан ном қолдир» (1973), «Қайсар қуёнча» (1974), «Сеҳрли камонча» (1975), «Гармселнинг ҳалокати» (1976), «Жасур йигитлар» (1976), «Ажойиб гилам» (1977), «Кураш» (1980).

## АКМАЛ АКБАРХЎЖАЕВ



**Яратган фильмлари:** «Ака-ука бармоқлар» (1973), «Ҳосил байрами» (1973), «Пружинқул» (1975), «Кўк филча» (1976), «Ква-ква квартети» (1977), «Олим ва унинг эшаги» (1980), «Мақтанчоқ чумчуқча» (1981).

## ИРИНА КРИВОШЕЕВА



**Яратган фильмлари:** «Жонланган шаҳар» (1978), «Узунқулоқ дўст» (1979), «Эски арава ҳақида афсона» (1981) «Кел, дўстлашайлик» (1979), «Сичқонлар маликаси» (1983), «Жонли лой» (1982), «Дугоналар» (1985), «Яхшиликдан фойда борми?» (1986), «Харобазорда хазина» (1987), «Приданное» (1988), «Тоҳир ва Зуҳра» (1989), «Учар пуфак кўтарган бегона» (1990), «Булут ва дев» (1991), «Микрофон» (1992), «Подшоҳнинг амри» (1993).

## МУЗРОБ БОЙМУХАМЕДОВ



**Яратган фильмлари:** «Сўнгги дев» (1980), «Катта ва кичкина» (1981), «Сеҳрли най» (1982), «Хўжа Насриддин» (1982), «Маматнинг саргузашти» (1983), «Қизча ва итча» (1984), «Дадабой ва будильник» (1985), «Пир усто эртаклари» (1986), «Шайтон ва ўғри» (1995).

## НОЗИМ ТЎЛАХЎЖАЕВ



**Яратган фильмлари:** «Саҳродаги кўл» (1979), «Олма дарахти ҳақида эртак» (1980), «Санам» (1982), «Ёқимли ёмғир ёғади» (1984), «Фаррух ва Зумрад» (1985), «Яхшиликдан фойда борми?» (1986), «Калигула» (1989), «Бахтли шаҳзода» (1992), «Даладаги чечаклар» (1997), «Алпомиш» (1999–2002), «Қиёфа» (2002), «Тарвуз» (2003), «Қуш» (2006), «Дугоналар» (2006), «Ур, тўқмоқ!» (2006), «Эртаклар яхшиликка етаклар» (2006), «Арк» (2007), «Букри ошиқ» (2008),

«Машкобнинг бахти» (2008), «Лочин ови» (2009), «Олтин танга» (2009), «Фарҳод ва Ширин» (2010), «Учар тулпор» (2012), «Қилич ботир» (2013), «Қуёш юрти паҳлавони» (2017), «Рустам ва Саид» (2017), «Матизнинг саргузашти» (2018). Режиссёр Н.Тўлахўжаевнинг «Ёқимли ёмғир ёғади» (1984) анимация фильми Лейпциг Халқаро кинофестивалининг бош совриниси «Золотой голубь» (Олтин кабутар)га, Испаниянинг Билбао (1985) шаҳрида бўлиб ўтган Халкаро кинофестивалда эса «Кумуш Микельди» совринига сазовор бўлган. «Қуш» анимация фильми 2007 йилда Белоруссиянинг Могилёв шаҳрида бўлиб ўтган «Анимаёвка» Халқаро кинофестивалида диплом, «Букри ошиқ» 2010 йилда Москва Халқаро кинофестивалида «Энг яхши анимация фильми» сифатида «Серебряный витязь» (Кумуш витязь) билан тақдирланган.

## НИКОЛАЙ СМИРНОВ



**Яратган фильмлари:** «Кучук боласи ва етти ғозча» (1983), «Лойли эртак» (1983), «Фаррух ва Зумрад» (1984), «Хризантемалар боғи» (1986), «Бегона» (1987), «Судья ва чол» (1987), «Калигула» (1989), «Ўргимчак қуёши» (1990), «Шайтон ва ўғри» (1995) «Ажойиб жомадонча» (1992), «Бўрсиқ-ой» (1998).

## ДЕЛЯРА БАТЫРОВА



**Яратган фильмлари:** «Кел, алмашайлик» (1984), «Қор усталари» (1985), «Ҳовлида» (1986), «Шлеп, Шмяк, Бряк!» (1988), «Лайча ила лайча» (1990). Д. Ботирова 1991 йилда фожиали ҳалок бўлди. Ижодкорнинг энг сўнгги «Фаришта» (1991) номли анимацион фильмини ҳамкасблари якунига етказишди.

## СВЕТЛАНА МУРОДХУЖАЕВА



**Яратган фильмлари:** «Тошбақа боласи» (1978), «Асосан бўлган воқеа» (1979), «Сеҳрли кийик» (1980), «Лолалар ҳақида қўшиқ» (1980), «Сеҳрли анор ҳақида эртак» (1982), «Қудуқ» (1987), «Узвийлик» (1989), «Севги қанотлари ёки янги эртак» (1998), «Спитамен» (2009). Шунингдек, «Тўмарис» (2002), «Зардуштий» анимация фильмларининг сценарий муаллифи ва режиссёри. Унинг сценарийси асосида яратилган «Кулол» анимация фильми 2005 йили Техрон (Эрон)да бўлиб ўтган Халқаро анимация фильмлари кинофестивалида “фалсафий мавзудаги энг яхши фильм” сифатида олтин совринга эга бўлган. «Ҳаёт дарёси» (2018).

## ГАЯНЭ МАТЕВОСЯН



**Яратган фильмлари:** «Жажжи пари» (2004), «Яна бир эртак» (2005), «Дугоналар» (2006), «Иркитвой ва киркетжон» (2007), «Чархпалак» (2010), «Дев ва қизча» (2013)

## ВЛАДИМИР НИКИТИН

**Яратган фильмлари:** «Учар юмронқозиқ» (1983), «Маматнинг саргузашти» (1983), «Ёқимли ёмғир ёғади» (1984), «Қорбола» (1984), «Қувноқ ёмғир» (1985), «Қор усталари» (1985), «Ҳовлида» (1986), «Қудуқ» (1987), «Пауза» (1988), «Манқурт ҳақида афсона» (1991), «Гугурт ушлаган қиз» (1992), «Ҳақиқий саргузаштлар ороли» (1994), «Олтин кетмон» (1996), «Қора сарой» (1997).

## БАСТАКОРЛАР

## РУМИЛЬ ВИЛЬДАНОВ



**Фильмлардаги иштироки:** «Сеҳрли сандиқ» (1966), «Ғаройиб саргузашт» (1966), «Кичик ёлғончи» (1968), «Балкон» (1970), «Қиз ва юлдузча» (1970), «Айиқча сайрда» (1970), «Кутилмаган айиқча» (1970), «Содиқ дўстлар» (1971), «Тулки ва қуш» (1971), «Ким сеҳргар» (1972), «Қиш эртаги» (1972), «Ўзингдан ном қолдир» (1972), «Сеҳрли тош қўшиғи» (1973), «Ҳосил байрами» (1973), «Чўпон ва гўзал малика ҳақида эртак» (1974), «Оқ бўталоқ» (1974), «Сеҳрли камонча» (1975), «Пружинкул» (1975), «Кекса эртакчининг рубоийлари» (1975), «Кўк филча» (1976), «Гармселнинг ҳалокати» (1976), «Қулоқсиз» (1975), «Ҳўжа Насриддин» (1977), «Олтин тарвуз» (1977), «Ква-ква квартети» (1977), «Жонланган шаҳар» (1978), «Лочин ва юлдуз ҳақида баллада» (1978), «Турналар учиб келганда» (1978), «Саҳрода кўл» (1979), «Бўлган воқеа» (1979), «Сўнгги дев» (1980), «Олим ва унинг эшаги» (1980), «Мақтанчоқ чумчуқча» (1981), «Эски арава ҳақида афсона» (1981), «Юлдузли эртак» (1982), «Жонли лой» (1982), «Ҳўжа Насриддин» (1982), «Маматнинг саргузашти» (1983), «Қорбола» (1985), «Фаррух ва Зумрад» (1985), «Кичик қуш кузатувчилар» (1985), «Ёрдамчилар» (1985), «Кунларнинг бирида саҳрода» (1986), «Ҳовлида» (1986).

## ФЕЛИКС ЯНОВ-ЯНОВСКИЙ



**Фильмлардаги иштироки:** «Бўрсиқ ой» (1998), «Алпомиш» барча қисмлари (1999), «Ретро» (2002), «Бумеранг» (2002), «Қиёфа» (2002), «Қуш» (2006), «Арк» (2007), «Букри ошиқ» (2008), «Мешкобнинг бахти» (2008), «Лочин ови» (2009), «Фарҳод ва Ширин» (2010), «Широқ ҳақида афсона» (2011), «Учар тулпор ҳақида достон» (2012), «Қуёш юрти паҳлавони» (2017), «Рустам ва Саид» (2017).

## ДМИТРИЙ ЯНОВ-ЯНОВСКИЙ



**Фильмлардаги иштироки:** «Ажойиб гилам» (1977), «Сеҳрланган кема» (1977), «Арава» (1978), «Олма дарахти ҳақида эртак» (1980), «Кураш» (1980), «Ўсимликлар» (1980), «Тақа томорқада» (1981), «Тўсиқ» (1981), «Санам» (1982), «Сеҳрли най» (1982), «Кучук боласи ва етти ғозча» (1982), «Учар юмронқозиқ» (1983), «Том» (1983), «Лойли эртак» (1983), «Сичқонлар маликаси» (1983), «Томчи» (1984), «Ёқимли ёмғир ёғади» (1984), «Кел алмашайлик» (1985), «Олтин барг» (1985), «Хризантемалар боғи» (1986), «Бегона» (1987), «Концерт» (1990), «Кўлмак ёнида» (1990), «Гугурт ушлаган қизча» (1992), «Эшик» (2003), «Эхограмма» (2003), «Ақлтойнинг саргузаштлари (Тилбилистонга сайёҳат)» (2014), «Қуёш юрти паҳлавони» (2017).

## ЭОЛА ПАК



**Фильмлардаги иштироки:** «Гулдор қўшиқ» (1985), «Топишмоқлар куни» (1987), «Икковлон» (1988), «Симбаднинг саргузаштлари» (1994), «Қора сарой» (1997), «Янчар қуён» (1997), «Янги шохча ва баҳор ёмғири ҳақида» (1998), «Тўти» (2000), «Мушук ва жин» (2005), «Бор барака» (2005), «Яна баҳор» (2006), «Дугоналар» (2006), «Дангаса» (2006), «Сусамбил» (2007), «Иркитвой ва Киркетжон» (2007).

## МИРХАЛИЛ МАХМУДОВ

**Фильмлардаги иштироки:** «Қозиқ» (1998), «Булбул» (1999), «Жалолиддин ҳақида достон» (1999), «Бахт ўзи нима?» (2001), «Тақа» (2005), «Шодмон полвон» (2008), «Зўраки фолбин» (2009), «Шер ила дуррож» (2010), «Донишқишлоқ ҳангомалари» (2013).

## ЖАМШИД ИЗОМОВ

**Фильмлардаги иштироки:** «Тўмарис» (2002), «Кулол» (2002), «Жажжи пари» (2004), «Яна бир эртак» (2005), «Зардуштий юлдузи» (2006), «Ур тўқмоқ» (2006), «Сахий шаҳзода» (2007), «Қирқ ёлғон» (2007), «Юз қоп қор» (2008), «Азамат ва танбаллар» (2008), «Оқ товуқ» (2009), «Сеҳрли дарахт» (2012), «Очкўз хўроз» (2013), «Чалпак ёққан кун» (2013), «Ғилдиракли уй» (2018), «Ҳаёт дарёси» (2018).

## АЛЬБЕРТ ХОЛМУРЗАЕВ



**Фильмлардаги иштироки:** «Икки қўшни ва қовун» (2007), «Сумалак минг тилак» (2009), «Моҳир қўллар» (2009), «Олтин танга» (2009), «Семурғ – бахт қуши» (2010), «Тўғривой билан Эгривой» (2010), «Йўл ва болалар» (2011), «Соҳибжамол қўғирчоқ» (2011), «Дев ва қизча» (2013), «Осмондан тушган совға» (2013), «Сариштали уй -фариштали уй» (2015), «Тошбақа» (2016).

# ФАКТЛАР

- **1877 йил 30 августда** илк бор чизма анимацияси дунёга келган бўлиб, уни француз муҳандиси ва рассоми Эмиль Рейно расман патентлаштирган.
- **Кадрма-кадр суратга олиш усулида** ишланган дастлабки расмли фильмлар муаллифи Э.Коль саналади.
- **Мультипликациянинг отаси** саналган Э.Рейнонинг «Оптик театр» деб аталган чизма кино сеанслари биринчи марта 1892 йил 28 октябрда Парижда намойиш этилган.
- **1897 йилда эса А.Мельбурн-Купер** крем тайёрлаш учун кукунлар рекламасини анимацион услубда тасвирга олган.
- **1928 йилда машҳур мультипликатор Уолт Дисней** томонидан қўлда чизилган Микки Маус мультқаҳрамони яратилган.
- **1932 йилга келиб Уолт Дисней томонидан илк бор** рангли анимацион фильм – «Гуллар ва Дарахтлар» («Flowers and Trees») яратилди.
- **1936 йилда собиқ иттифоқ даврида** «Союзмультфильм» (илк номи — «Союз-детмультфильм») ташкил этилди.
- **Японияда 1958 йили** илк бор «анимэ» услубида мультфильмлар яратиш йўлга қўйилди.
- **Биринчи ўзбек мультипликацион фильми** – «6х6 квадратида» 1965 йилда яратилган (режиссёр: Д.Салимов, рассом: Ю Петров).
- **«Сеҳрли сандиқ» (реж: Д.Салимов),** «Шумтака» (реж. К.Камолова), «Кичик ёлғончи» (реж. З.Ройзман) сингари фильмлар ҳам дастлабки ўзбек анимацион фильмлари сирасига киради.
- **1978 йилда «Ўзбекфильм» киностудияси** қошида қўғирчоқ ва расмли фильмлар студияси ташкил этилган.
- **1984 йилда режиссёр Нозим Тўлахўжаев ва рассом Сергей Алибековнинг «ЁҚИМЛИ ЁМҒИР ЁҒАДИ»** мультфильми ўзбек мультипликациясида катта ёшдаги томошабинлар учун яратилган илк фантастик фильм бўлган. Картина Лейпцигда ўтказилган Халқаро фестивалда «Олтин кабутар» совринига муносиб кўрилган.
- **1999 йилда рассом-режиссёр Мавзур Маҳмудовнинг «БУЛБУЛ» анимацион фильми** Москвада бўлиб ўтган болалар анимация киноси Халқаро фестивалида биринчи мукофот – «Золотая рыбка» (Олтин балиқча) билан тақдирланган.
- **2002 йилда рассом Дмитрий Власовнинг «КУЛОЛ»** анимацион фильми бирданига 4 та соврин билан тақдирланган. 2003 йилда Хиросима шаҳрида бўлиб ўтган кинофестивалнинг махсус дипломига, 2004 йилда Киевда бўлиб ўтган «Крок» фестивалининг «Анимация санъати анъаналарига содиқлиги

учун» мукофотига, 2005 йилда Теҳронда бўлиб ўтган ХКФнинг «Энг яхши фалсафий фильм» олтин мукофотига, 2006 йилда Ўзбекистонда «Энг яхши сценарий» махсус дипломига сазовор бўлган.

• **2003 йилда рассом Сергей Алибековнинг «ЭХОГРАММА»** анимацион фильми Киев шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро кинофестивалда диплом ва махсус соврин билан тақдирланган.

• **Режиссёр-рассомлар М.Махмудов ва Д.Власовнинг «БОР БАРАКА»** 2006 йилда Могилёв шаҳрида бўлиб ўтган «Анимаёвка» Халқаро кинофестивали махсус совринига, Смоленск шаҳрида 3-Халқаро Евроосиё фестивалининг дипломига сазовор бўлди.

• **Режиссёр ва рассом М.Маҳмудов ва М.Қорабоевнинг** болалар ёзувчиси Кавсар Турдиева сценарийси асосида яратилган мусиқали **"СУСАМБИЛ"** (2007) анимацион фильми Москва халқаро кино фестивалида "энг яхши мусиқали фильм" номинациясига муносиб кўрилган.

• **Режиссёр Н.Тўлахўжаев ва рассом Б.Исмоиловнинг "ҚУШ"** анимацион фильми 2007 йилда Белоруссиянинг Могилёв шаҳрида бўлиб ўтган «Анимаёвка» Халқаро кинофестивалида дипломга сазовор бўлган.

• **Режиссёр-рассом А.Мухамедовнинг "ИККИ ҚЎШНИ ВА ҚОВУН"** анимацион фильми 2007 йилда Олма-ота шаҳрида бўлиб ўтган «Шакен юлдузлари» Халқаро кинофестивалида «Энг яхши анимация фильми» сифатида соврин билан тақдирланган.

• **Режиссёр Н.Тўлахўжаев ва рассом М.Қорабоевнинг "БУКРИ ОШИҚ"** анимацион фильми 2010 йилда Москва Халқаро кинофестивалида «Энг яхши анимация фильми» сифатида «Серебряный витязь» (Кумуш витязь) билан тақдирланган.

• **Режиссёр ва рассом Д.Власовнинг** "Ирисфильм" билан ҳамкорликда яратилган фалсафий **"МОЦАРТ"** (1998) анимацион фильми чизма компьютерда яратилган илк 2D фильмдир.

• **Режиссёр М.Махмудов,** рассомлар: Д.Жалилова, С.Жумаев, Ш.Рахматуллаев, С.Каримов, бош аниматор: Ж.Бўтаевнинг ўзбек халқ шоири А.Ориповнинг "Самовий меҳмон, беш донишманд ва фаррош кампир" шеърий мотиви асосида янги технологияда яратилган **"САМОВИЙ МЕҲМОН"** (2010) анимацион фильми илк 3D дастурида яратилган экспериментал фильм ҳисобланади.

• **Режиссёрлар Н.Тўлахўжаев, М.Маҳмудов, Д.Власовлар** томонидан чизма компьютердаги **"ҚУЁШ ЮРТИ ПАҲЛАВОНИ"** (2017) анимацион фильми мамлакатимизда яратилган илк тўлиқметражли фильмдир.

# ГЛОССАРИЙ

| № | Ўзбекча | Русча | Инглизча | Мазмуни |
|---|---|---|---|---|
| 1 | ассистент | ассистент | assistant | фильмни саҳналаштирувчи режиссёрнинг энг яқин ёрдамчиси |
| 2 | безак | декорация | decoration | (лотинчадан – decoro – безайман) сценарий бўйича режиссёр ва рассомнинг ижодий изланишлари натижасида фильмни суратга олиш майдонида, махсус яратилган композицион қурилма |
| 3 | бирлаштирувчи тасвир | комбинированные съемки | combined shooting | (инглизчадан combine – бирлаштириш) ҳар хил ўлчамда ва вақтда суратга олинган тасвирнинг битта кадрда бирлашуви |
| 4 | дубляж | дубляж | dubbing-in | Таржима қилинаётган кинофильмни асл холида бир тилдан иккинчи бир тилга фонограммалар орқали таржима қилиниши |
| 5 | иккинчи план | второй план | second plan | кинокадр композициясининг асосий элементларидан бири |
| 6 | интерьер | интерьер | interior | бинонинг ички кўриниши, тузилиши |
| 7 | кадр | кадр | frame | кинокадр, (французчадан – cadre, италянчадан – duadro – рамка) кино атамалари ичида кўп маънога эга бўлган оддий ва умумтушунчали ибора |
| 8 | кадрдаги овоз | закадровый голос | voiceover | саҳна ва кадр ортидан туриб асарда кечадиган жараённи овоз орқали ёритиб борадиган актёр, шахс |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 9 | кадрлар бири-куви | затемнение | вlackout | монтаж қилиш орқали кадрдан-кадрга ўтишнинг аста секинлик билан бажарилиши, томошабин нигоҳида битта саҳнанинг иккинчиси билан шартли равишда қўшилиб кетиши |
| 10 | костюм | костюм | costume | суратга олинадиган фильм қаҳрамонларининг асардаги вақт, замон ва ижтимоий ҳаётидан келиб чиққан ҳолда асар образи ҳамда персонажлари учун махсус тикиладиган либос |
| 11 | киношунослик | киноведение | film studies | санъат ва маданият соҳасида кинематографияни ўрганувчи фан |
| 12 | киноплакат | киноплакат | | киноэкранларга чиқарилаётган янги фильм мазмуни тўғрисида аниқ маълумот берувчи рангли ва суратли манба |
| 13 | мизан саҳна | мизансцена | mise en scene | суратга олиш майдончасида асар персонажларининг саҳнадаги жойлашуви |
| 14 | мимика | мимика | gesture | юз ҳаракатлари, бунда инсон ички ҳиссиётлари орқали юз мушакларининг ўзгариши билан бирор-бир буюмга ёки шахсга нисбатан ўз муносабатини билдиради |
| 15 | монтаж | монтаж | installation | киносанъатда ишлатиладиган асосий тушунчалардан бири, бунда алоҳида-алоҳида суратга олинган кадр тасвирларининг керак бўлмаган қисмларини кесиб бир- бирига уланган ҳолда кадр кетма-кетлигини ва режиссёрнинг ижодий фикри билан асар мазмунининг ўзгармаслигини таъминлаш |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 16 | мультстудия | мультстудия | studio | асосан мультсценаристлар, режиссёрлар, операторлар ва рассомлар билан биргаликда фильм яратадиган жой. |
| 17 | натура танлаш | выбор натуры | selection of nature | шартли, табиий муҳитда режиссёр томонидан сценарийга асосланган ҳолда суратга олинадиган жойни танлаш |
| 18 | овоз оператори | звукооператор | recordist | сахналаштирувчи режиссернинг кўрсатмалари асосида суратга олинаётган фильм персонажларининг овозларини ёзиб олиш ва бадиий безатишни таъминлайдиган, суратга олувчи гуруҳнинг асосий шахсларидан бири |
| 19 | овозлаштириш | озвучивание | sound | тасвирга олинаётган фильмларни бир вақтнинг ўзида ёки синхрон тарзда фильм персонажларининг нутқлари, мусиқалар ва фильм учун махсус тайёрланган товушларни ёзиб олиш ускунаси |
| 20 | оператор | оператор | operator | тасвирга олувчи, бадиий фильмларни яратишда ва суратга олишда асосий ишларни бажарувчи шахс |
| 21 | панорама-лаштириш | панорамирова ние | pan | кинони суратга олиш усулларидан бири, операторнинг кино камера билан суратга олиш жараёнида тасвирни аста-секинлик билан узлуксиз равишда тикка ёки узунасига буриш орқали олинадиган тасвир |
| 22 | постановкачи рассом | художник постановшик | artist director | фильмнинг асосий ғояси ва мазмунини рангтасвир ва қораламалар орқали очиб берувчи, фильмни суратга олишда асосий ўринда турувчи шахс |
| 23 | ракурс | ракурс | rakurs | фильмни суратга оладиган оператор томонидан қўлланиладиган усуллардан бири, бу операторнинг маҳоратини белгилайди |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 24 | режиссёр | режиссёр | director | бутун бир фильмни суратга олаётган ижодий жамоани бошқарувчи шахс |
| 25 | сценарий | сценарий | scenario | фильм ёки саҳна асарларини саҳналаштириш ва суратга олиш учун ёзилган адабий драматик асар |
| 26 | сюжет | сюжет | plot | саҳналаштирилаётган ёки суратга олинаётган асарнинг сценарий бўйича белгилаб берилган мазмун-моҳияти |
| 27 | типаж | типаж | type | маълум бир кўринишга ва маҳоратга эга бўлган фильмларда рол бажарувчи актёрлик мутахассислиги бўлмаган шахс |
| 28 | титр | титр | titer | фильм сўнггидаги асосий қаҳрамонлар ва ижодий гурух тўғрисида маълумот берувчи ёзув |
| 29 | фабула | фабула | story | фильмнинг асосий воқеа-ҳодисаларини баён қилувчи жараён |
| 30 | фильмотека | фильмотека | film collection | тасвирга олинган ҳужжатли ва бадиий фильмларни сақлайдиган махсус жой |
| 31 | фильм йилномаси | кинохроника | cinema annals | асосий воқеа-ҳодисаларни тасвирловчи ҳужжатли фильмлар тўплами |
| 32 | ўзгариш | варирование | variation | фототасвирларни турли ранглар орқали бўяш жараёни |
| 33 | қаҳрамон | герой | hero | кинофильмнинг асосий бош қахрамони |
| 34 | яуф | яуф | yauf | фильм нусхаларини сақлайдиган анжом (яшик) |

# КАТАЛОГ ТУЗИШДА ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР


1. «Ўзбекфильм» ОАЖ «Мультбирлашма» архив ҳужжатлари.
2. «Ўзбеккино» Миллий Агентлиги кино-фильмлар фонди.
3. А.Навоий Миллий кутубхонаси архив манбалари.
4. М.Мирзамуҳамедова. «Ўзбекистонда болалар киноси». Монография.1976.
5. М.Мирзамуҳамедова. «Ўзбек анимацияси». Монография. 2014.
6. Художественные фильмы кинематографистов Узбекистана. Аннотированный каталог. – Т., 1984.
7. Аннотированный каталог художественного кино Узбекистана 1925–2008. – Т., 2009.
8. Интернет сайтлари.


## КАТАЛОГНИ ТУЗИШДА ЯҚИНДАН ЁРДАМ БЕРГАН


**«Ўзбеккино» Миллий Агентлиги «Кино-фильмлар фонди»,**
**«Мультипликацион фильмлар студияси» Давлат унитар корхонаси,**
**мультипликацион фильмлар режиссёр, сценарист, рассоми**
***МАВЗУР МАҲМУДОВ*,**
**шунингдек, *ДМИТРИЙ ВЛАСОВ, АЗИЗ МУҲАМЕДОВ,***
***ЖАВЛОН ТУРДИХЎЖАЕВ,***
***АБДУЛАТИФ ҲАЙДАРОВга* муаллиф номидан**
**миннатдорчилик билдирилади.**

# МУНДАРИЖА

1966–2018 ЙИЛЛАРДА ЯРАТИЛГАН ЎЗБЕК АНИМАЦИОН ФИЛЬМЛАРИ ....................4

**РАССОМЛАР** ....................106

**РЕЖИССЁРЛАР** ....................111

**БАСТАКОРЛАР** ....................116

ФАКТЛАР ....................119

ГЛОССАРИЙ ....................121

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР ....................125

# ЎЗБЕКИСТОН АНИМАЦИОН ФИЛЬМЛАРИ ДАВРИЙ КАТАЛОГИ

Тошкент «TURON-IQBOL» – 2019
100011. Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30-А уй
Телефон/ факс: (+71)244-25-58

Муҳаррир *Ҳ. Закирова*
Бадиий муҳаррир *Э. Абдикайирова*
Техник муҳаррир *Т. Смирнова*
Мусаҳҳиҳ *С. Алимбоева*
Саҳифаловчи *А.Т.Хайдаров*

Нашриёт лицензияси AI №223, 16.11.12.
Босишга 25.04.2019 йилда рухсат этилди. Бичими 60×84 $^{1}/_{16}$
«Times New Roman» гарнитураси. Офсет босма усулда босилди.
Шартли босма табоғи 15,12. Нашр табоғи 15,0.
Адади 100 нусха. 30-сонли буюртма.

«TURON-MATBAA» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш., Олмазор тумани, Талабалар кўчаси, 2-уй.